

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ҚОНУНЧИЛИК

ТЎПЛАМИ

31-сон
(1207)
2025 йил
август

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

409. «Ўзбекистон Республикасининг Сув кодексини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 30 июндаги ЎРҚ–1076-сон Қонуни
410. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига парламентдаги муҳолифатнинг кафолатланган ҳуқуқларини кенгайтиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 30 июндаги ЎРҚ–1077-сон Қонуни
411. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 31 июндаги ЎРҚ–1078-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

412. «Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров хотирасини абадийлаштириш, унинг ижодий меросини чуқур ўрганиш ва жаҳон миқёсида

- тарғиб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 28 июлдаги ПҚ–230-сон қарори
413. «Миллий ва жаҳон мусиқа санъати ютуқларини халқимиз орасида кенг тарғиб қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 28 июлдаги ПҚ–231-сон қарори
414. «Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраев хотирасини абадийлаштириш ва унинг ижодий мактаби анъаналарини муносиб давом эттиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 28 июлдаги ПҚ–232-сон қарори [Кўчирма]
415. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 июлдаги ПҚ–241-сон қарори

Учинчи бўлим

416. ««In-vitro» шароитида кўпайтирилган пайвандтагли мева ва ток кўчатларини харид қилиш харажатларининг бир қисmini қоплаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 28 июлдаги 468-сон қарори
417. «Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг божхона соҳасидаги муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш бўйича тавсиялар берувчи апелляция кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 28 июлдаги 470-сон қарори
418. «Электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлашда юзага келадиган технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрларини ҳисоблаш ҳамда тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 29 июлдаги 472-сон қарори [Кўчирма]
419. «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидаги дам олиш масканларига дам олувчиларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 29 июлдаги 474-сон қарори
420. «Географик объектларга доир айрим муносабатларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 30 июлдаги 475-сон қарори
421. «Давлат харидларида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш ҳамда давлат харидлари электрон тизими операторлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 30 июлдаги 476-сон қарори
422. «Ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати бўлинмалари томонидан фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат хизматларини

шартномавий-ҳуқуқий асосда кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 30 июлдаги 477-сон қарори

423. «Тадбиркорлик субъектларига туташ ҳудудлардан мавсумий фойдаланишни ташкил этишни янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 31 июлдаги 478-сон қарори
424. «Рақамли криминалистика тадқиқотлари соҳасида мутахассислар ма-лакасини ошириш ва сертификатланган мутахассисларнинг ягона элек-трон реестрини юритиш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғри-сида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 31 июлдаги 479-сон қарори
425. «Камбағал оилалар реестрига киритилган ва расмий банд бўлган ёлғиз ота ва оналарга фарзанди учун мактабгача таълим хизматидан фойда-ланишда моддий ёрдам тўлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Ва-зирлар Маҳкамасининг 2025 йил 31 июлдаги 484-сон қарори
426. ««Sea breeze Uzbekistan» умуммавсумий курорт мажмуасини барпо этиш бўйича йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 1 августдаги 490-сон қарори

Бешинчи бўлим

427. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 11-iyuldagi 15/13-son "O'zbekiston Respublikasida naqd pulsiz hisob-kitoblar to'g'risidagi nizomga qo'shimcha va o'zgartirishlar kiritish haqida"gi qarori (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 28-iyulda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3229-3*)
428. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 13-iyundagi 12/15-son "Mikromoliya tashkiloti va lombard faoliyati sohasidagi ruxsat berish va xabardor qilish tartib-taomillaridan o'tish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi qarorga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida"gi qarori (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 28-iyulda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3423-1*)
429. Ўзбекистон Республикаси спорт вазирининг 2025 йил 17 июндаги 7-мх-сон "Спорт федерациялари (уюшмалари) реестрини юритиш ва ундан маълумотлар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 29 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2939-1*)
430. O'zbekiston Respublikasi ichki ishlar vazirining 2025-yil 10-iyuldagi 378-son "Avtomototransport vositalarini qayta ro'yxatdan o'tkazishni (qayd

etishni) tashkil etish va amalga oshirish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaning 14-bandiga o'zgartirish kiritish haqida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 30-iyulda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2050-4*)

431. O'zbekiston Respublikasi ichki ishlar vazirining 2025-yil 10-iyuldagi 376-son "Muayyan huquqdan mahrum qilish, axloq tuzatish ishlari va ozodlikni cheklash tariqasidagi jazolarning ijrosini tashkil etish hamda shartli hukm qilingan shaxslar ustidan nazoratni amalga oshirish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaning 6-bandiga o'zgartirish kiritish haqida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 30-iyulda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2922-2*)
432. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2025 йил 30 июлдаги 18-мх-сон "Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2565-14*)
433. O'zbekiston Respublikasi ichki ishlar vazirining 2025-yil 10-iyuldagi 377-son "Ma'muriy qamoqqa olingan shaxslarni qabul qilish va saqlash uchun mo'ljallangan maxsus qabulxonalarning ichki tartib qoidalariga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 30-iyulda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3073-4*)
434. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2025-yil 28-iyuldagi 17-mh-son "Davlat organlari va tashkilotlari yuridik xizmat xodimlarining normativ-huquqiy hujjatlar va ularning loyihalarini korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o'tkazish faoliyatini baholash uslubiyotini tasdiqlash to'g'risida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 30-iyulda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3654*)
435. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2025 йил 19 июндаги 08-сон "Қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларининг бузилишига доир ишларни кўриб чиқиш ва санкциялар қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3655*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНИ****409 Ўзбекистон Республикасининг Сув кодексини тасдиқлаш
тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил
31 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 17 мартда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг Сув кодекси** тасдиқлансин.

2-модда. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган **«Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»**ги 837–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 221-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган **«Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»**ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида»**ги 838–XII-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 222-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган **«Айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айримларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»**-ги 421–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 126-модда) **I бўлимининг 8-банди**;

4) Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 681–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 181-модда) **VI бўлими**;

5) Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 125–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 7-8, 217-модда) **III бўлими**;

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 30 июлда эълон қилинган.

** Кодекс «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

6) Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айримларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»**ги 175–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 23-модда) **I бўлимининг 4-банди**;

7) Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 568–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 18-модда) **III бўлими**;

8) Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 18 декабрда қабул қилинган **«Саноат, газ таъминоти ва кон назорати соҳасидаги бошқарув такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–133-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда) **1-моддаси**;

9) Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 25 декабрда қабул қилинган **«Қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислохотлар чуқурлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–240-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 12, 472-модда) **1-моддаси**;

10) Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 4 январда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–278-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 1, 1-модда) **2-моддаси**;

11) Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 9 сентябрда қабул қилинган **«Геология-қидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизими такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–294-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 9, 247-модда) **2-моддаси**;

12) Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–352-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 98-модда) **5-моддаси**;

13) Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 сентябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–373-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 9, 244-модда) **3-моддаси**;

14) Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 26 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–416-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 12, 383-модда) **6-моддаси**;

15) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 14 сентябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–446-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 510-модда) **8-моддаси**;

16) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–476-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 224-модда) **8-моддаси**;

17) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 23 июлда қабул қилинган **«Баъзи давлат органлари ва ташкилотларнинг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–486-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 7, 431-модда) **7-моддаси**;

18) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майда қабул қилинган **«Баъзи давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–536-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 5, 261-модда) **2-моддаси**;

19) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 12 ноябрда қабул қилинган **«Баъзи давлат органларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–583-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 11, 791-модда) **2-моддаси**;

20) Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 28 сентябрда қабул қилинган **«Бюрократик тўсиқлар янада қисқартирилиши ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойиллари жорий қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–638-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 9, 539-модда) **1-моддаси**;

21) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелда қабул қилинган

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–683-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, 4-сонга илова) **24-моддаси**;

22) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 октябрда қабул қилинган **«Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ–721-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 10, 968-модда) **3-моддаси**;

23) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 30 ноябрда қабул қилинган **«Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ–733-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 11, 1065-модда);

24) Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 3 ноябрда қабул қилинган **«Стандартлаштириш тўғрисида»**ги ЎРҚ–800-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, № 11, 1061-модда) **28-моддаси биринчи қисмининг 2-банди**;

25) Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 28 ноябрда қабул қилинган **«Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг яхлит тизими шакллантирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–880-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2023 йил, № 11, 923-модда) **5-моддаси**;

26) Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 17 январда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига республика ижро этувчи ҳокимият органларининг номларини мувофиқлаштиришга қаратилган ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–898-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2024 йил, № 1, 7-модда) **1-моддаси**;

27) Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 22 октябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–981-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2024 йил, № 10, 1080-модда) **1-моддаси**;

28) Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 8 ноябрда қабул қилинган **«Қишлоқ хўжалиги кооперативи тўғрисида»**ги ЎРҚ–995-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2024 йил, № 11, 1193-модда) **57-моддаси биринчи қисмининг 2-банди**.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга еткази-

лишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;
республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 30 июль,
ЎРҚ–1076-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

410 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари- га парламентдаги муҳолифатнинг кафолатланган ҳуқуқ- ларини кенгайтиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар ки- ритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил
13 майда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 25 июнда
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда сўз эркинлиги муҳитини шакллантиришга, сиёсий плюрализмнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга ва сиёсий партияларнинг жамиятдаги ролини янада кучайтиришга қаратилган изчил ислохотлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга ўзини парламентдаги муҳолифат деб эълон қилган сиёсий партиялар фракциялари учун қонунда назарда тутилган ваколатларни ҳамда ҳуқуқларни янада кенгайтириш зарурияти юзага келмоқда.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзини парламентдаги муҳолифат деб эълон қилган сиёсий партия фракциясига қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилгунига қадар ҳам ўша масалага доир қонун лойиҳасининг ёки унинг таркибий қисмининг муқобил таҳририни киритиш, унинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг бир нафар қўмита раиси ва икки нафар қўмита раиси ўринбосари лавозимларини кафолатли эгаллаши, ҳар чоракда «ҳукумат соати» ва парламент сўрови доирасида масала киритиш каби қўшимча ҳуқуқлар берилишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Мазкур Қонун парламентдаги муҳолифатнинг кафолатланган ҳуқуқларини кенгайтириш орқали қонун ижодкорлиги ва парламент назорати самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «**Сиёсий партиялар тўғрисида**»ги 337–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 36-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда; 2008 йил, № 12, 637, 640-моддалар; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 9, 588-модда, № 10, 674-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 203-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 969-модда; 2024 йил, № 2, 105-модда, № 7, 627-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **13¹-модданинг бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 31 июлда эълон қилинган.

«Ўзини парламентдаги мухолифат деб эълон қилган сиёсий партия фракцияси қонунда фракциялар учун назарда тутилган ваколатлар билан бир қаторда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўз вакиллари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг бир нафар қўмита раиси ва икки нафар қўмита раиси ўринбосари лавозимларини кафолатли эгаллаши;

қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилгунига қадар ўша масалага доир қонун лойиҳасининг муқобил таҳририни, қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилгунига қадар унинг иккинчи ўқишга тайёрланган матнининг ёки таркибий бирлиги матнининг муқобил таҳририни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қарори лойиҳасининг муқобил таҳририни киритиш;

муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўзининг алоҳида фикрини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлиси баённомасига киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлисларида ҳукумат аъзоларининг Қонунчилик палатаси депутатлари саволларига жавобларини эшитиш («ҳукумат соати») доирасида йилнинг ҳар чорагида камида битта масала киритиш;

парламент сўровини юбориш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига йилнинг ҳар чорагида камида битта масала киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун бўйича келишув комиссиясида ўз вакилларининг кафолатли иштирок этиши»;

2) **14¹-модданинг бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги партия гуруҳлари фаолиятига ташкилий, техникавий ва бошқа жиҳатдан хизматлар кўрсатиш Жўқорғи Кенгеснинг девони томонидан, халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларининг фаолиятига ташкилий, техникавий ва бошқа жиҳатдан хизмат кўрсатиш тегишли халқ депутатлари Кенгаши котибияти томонидан таъминланади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»**ги 434–II-сонли Конституциявий Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 215-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда; 2019 йил, № 3, 162-модда, № 5, 261-модда, № 8, 468-модда, № 9, 588-модда; 2020 йил, № 8, 488-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2023 йил, № 12, 1003-модда; 2024 йил, № 2, 109-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **17-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қўмита раиси, унинг ўринбосари ва қўмита аъзолари лавозимлари депутатларнинг қайси партияга мансублигини ҳамда сайлов якунлари бўйича олинган депутатлик ўринларини инобатга олган ҳолда яхлит (умумий) қарор билан белгиланади. Бунда бир нафар қўмита раиси ва икки нафар қўмита раиси ўринбосари лавозимлари ўзини парламентдаги мухолифат деб эълон қилган фракция учун ажратилади»;

2) **25¹-модданинг бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзини парламентдаги мухолифат деб эълон қилган фракция қонунда фракциялар учун назарда тутилган ваколатлар билан бир қаторда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз вакиллари Қонунчилик палатасининг бир нафар қўмита раиси ва икки нафар қўмита раиси ўринбосари лавозимларини кафолатли эгаллаши;

қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилгунига қадар ўша масалага доир қонун лойиҳасининг муқобил таҳририни, қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилгунига қадар унинг иккинчи ўқишга тайёрланган матнининг ёки таркибий бирлиги матнининг муқобил таҳририни, шунингдек Қонунчилик палатаси қарори лойиҳасининг муқобил таҳририни киритиш;

муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўзининг алоҳида фикрини Қонунчилик палатасининг мажлиси баённомасига киритиш;

Қонунчилик палатасининг мажлисларида ҳукумат аъзоларининг Қонунчилик палатаси депутатлари саволларига жавобларини эшитиш («ҳукумат соати») доирасида йилнинг ҳар чорағида камида битта масала киритиш;

парламент сўровини юбориш тўғрисида Қонунчилик палатасига йилнинг ҳар чорағида камида битта масала киритиш;

Сенат томонидан рад этилган қонун бўйича келишув комиссиясида ўз вакилларининг кафолатли иштирок этиши».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида**»ги 522–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2013 йил, № 4, 95-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 157-модда, № 5, 261, 265-моддалар, № 8, 468-модда, № 9, 588-модда, № 12, 884-модда; 2020 йил, № 8, 488-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 11, 1061-модда; 2022 йил, № 10, 983-модда; 2023 йил, № 12, 1003-модда; 2024 йил, № 2, 109-модда, № 12, 1285-модда; 2025 йил, № 4, 516-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **7-модданинг:**

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қонунчилик палатасида, қоида тариқасида, бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси, коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси, меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитаси, халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси, инновацион ривожланиш ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси, демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари қўмитаси, фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси тузилади. Қонунчилик палатасида бошқа қўмиталар ҳам тузилиши мумкин»;

бешинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қўмита раиси, унинг ўринбосари ва қўмита аъзолари лавозимлари депутатларнинг қайси партияга мансублигини ҳамда сайлов якунлари бўйича олинган депутатлик ўринларини инобатга олган ҳолда яхлит (умумий) қарор билан белгиланади. Қўмита раиси, унинг ўринбосари ва қўмита аъзолари лавозимларига номзодлар кўрсатиш юзасидан таклифларни фракцияларнинг раҳбарлари ўзаро келишган ҳолда киритадилар. Бунда бир нафар қўмита раиси ва икки нафар қўмита раиси ўринбосари лавозимлари ўзини парламентдаги муҳолифат деб эълон қилган фракция учун ажратилади»;

2) 9¹-модданинг бешинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзини парламентдаги муҳолифат деб эълон қилган фракция қонунда фракциялар учун назарда тутилган ваколатлар билан бир қаторда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз вакиллари Қонунчилик палатасининг бир нафар қўмита раиси ва икки нафар қўмита раиси ўринбосари лавозимларини кафолатли эгаллаши;

қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилгунига қадар ўша масалага доир қонун лойиҳасининг муқобил таҳририни, қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилгунига қадар унинг иккинчи ўқишга тайёрланган матнининг ёки таркибий бирлиги матнининг муқобил таҳририни, шунингдек Қонунчилик палатаси қарори лойиҳасининг муқобил таҳририни киритиш;

муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўзининг алоҳида фикрини Қонунчилик палатасининг мажлиси баённомасига киритиш;

Қонунчилик палатасининг мажлисларида ҳукумат аъзоларининг Қонунчилик палатаси депутатлари саволларига жавобларини эшитиш («ҳукумат соати») доирасида йилнинг ҳар чорагида камида битта масала киритиш;

парламент сўровини юбориш тўғрисида Қонунчилик палатасига йилнинг ҳар чорагида камида битта масала киритиш;

Сенат томонидан рад этилган қонун бўйича келишув комиссиясида ўз вакилларининг кафолатли иштирок этиши»;

3) 14-модда учинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги «(депутатлар гуруҳларининг)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) 15-модда:

қуйидаги мазмундаги **ўн иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзини парламентдаги муҳолифат деб эълон қилган фракция ўз таклифлари асосида иккинчи ўқишга тайёрлаган қонун лойиҳаси матнини Қонунчилик палатасига киритганда мазкур матн ушбу модданинг саккизинчи ва тўққи-

зинчи қисмларида белгиланган тартибда масъул қўмита томонидан кўриб чиқилади. Бунда муқобил қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси мажлисида асосий қонун лойиҳаси билан бир вақтда кўриб чиқилиши керак. Қонунчилик палатаси депутатларининг қарор қабул қилиш учун талаб қилинадиган энг кўп миқдордаги овозини тўплаган қонун лойиҳаси иккинчи ўқиш тартиб-таомилида кўриб чиқилади»;

ўн иккинчи — ўн саккизинчи қисмлари тегишинча **ўн учинчи — ўн тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **ўн тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзини парламентдаги муҳолифат деб эълон қилган фракция иккинчи ўқишда кўриб чиқиладиган қонун лойиҳаси таркибий бирлигининг матни бўйича тақдим этган муқобил таҳрир асосий қонун лойиҳасининг тегишли боби, бўлими, моддаси ёки банди кўриб чиқиладиганда муҳокама қилинади. Қонунчилик палатаси депутатларининг қарор қабул қилиш учун талаб қилинадиган энг кўп миқдордаги овозини тўплаган матн қонун лойиҳасига киритилади»;

ўн тўртинчи — ўн тўққизинчи қисмлари тегишинча **ўн бешинчи — йигирманчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган «**Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида**»ги ЎРҚ–88-сонли Конституциявий Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 161-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2019 йил, № 9, 588-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2023 йил, № 12, 1003-модда; 2024 йил, № 2, 109-модда) **2-моддасининг олтинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзини парламентдаги муҳолифат деб эълон қилган сиёсий партия фракцияси қонунда фракциялар учун назарда тутилган ваколатлар билан бир қаторда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз вакиллари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг бир нафар қўмита раиси ва икки нафар қўмита раиси ўринбосари лавозимларини кафолатли эгаллаши;

қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилгунига қадар ўша масалага доир қонун лойиҳасининг муқобил таҳририни, қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилгунига қадар унинг иккинчи ўқишга тайёрланган матнининг ёки таркибий бирлиги матнининг муқобил таҳририни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қарори лойиҳасининг муқобил таҳририни киритиш;

муҳокама этиладиган масалалар юзасидан ўзининг алоҳида фикрини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлиси баённомасига киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг

мажлисларида ҳукумат аъзоларининг Қонунчилик палатаси депутатлари саволларига жавобларини эшитиш («ҳукумат соати») доирасида йилнинг ҳар чорагида камида битта масала киритиш;

парламент сўровини юбориш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига йилнинг ҳар чорагида камида битта масала киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун бўйича келишув комиссиясида ўз вакилларининг кафолатли иштирок этиши».

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 30 июль,
ЎРҚ–1077-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

411 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари- га қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил
4 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 28 майда
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишига, шунингдек йод етишмаслиги касалликларини профилактика қилишга ва уларнинг олдини олишга қаратилган тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга талон-торож қилганлик, ички ишлар органлари ходимининг ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий хизматчисининг (ходимининг) қонуний талабларини бажармаслик учун жазо чораларини қўлдан кўчириш, шунингдек савдо соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш, истеъмол бозорини йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдиришга доир чоралар кўриш зарурияти юзага келмоқда.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига энергия ресурсларини оз миқдорда талон-торож қилиш ҳамда ички ишлар органлари ходимининг ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий хизматчисининг (ходимининг) қонуний талабларини бажармаслик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жазо чоралари қўлдан кўчирилишини назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Шунингдек «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига сотувчиларни олди-сотди шартномасида кўрсатилган мажбуриятларни ўз вақтида бажаришга ундайдиган нормаларни белгиловчи қўшимча киритилмоқда.

Бундан ташқари «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мамлакатимизда фақат йодланган ош тузи ишлаб чиқарилишини, олиб кирилишини ва реализация қилинишини, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда йодланган туздан мажбурий тарзда фойдаланилишини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ош тузини ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини йодлашга, йодланган тузнинг муомаласига доир санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларини белгилаш соҳасидаги ваколатлари аниқлаштирилишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Ушбу Қонун қонун устуворлигини таъминлашга, истеъмолчиларнинг

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 1 августда эълон қилинган.

ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича қўшимча ҳуқуқий асосларни яратишга, шунингдек аҳолининг соғлиғини сақлашга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-модда-

лар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 245-моддалар, № 6, 530, 532-моддалар, № 7, 629-модда, № 8, 826, 829, 831-моддалар, № 9, 954, 964, 965-моддалар, № 10, 1070, 1071, 1073, 1077, 1078, 1083, 1084-моддалар, № 11, 1187, 1188, 1189-моддалар, № 12, 1279, 1280, 1282, 1286, 1287-моддалар; 2025 йил, № 1, 5, 8-моддалар) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **61-модда учинчи қисмининг диспозицияси** «талон-торож қилиш» деган сўзлардан кейин «шунингдек мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотларнинг кўмир ёқилғисини ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб лавозимини суиистеъмол қилиш ёки фирибгарлик йўли билан оз миқдорда талон-торож қилиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **194-модда:**

биринчи қисмининг санкциясидаги «бир» деган сўз «беш» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг санкциясидаги «ўн беш» деган сўзлар «ўттиз» деган сўз билан алмаштирилсин;

3) **194¹-модда:**

биринчи қисмининг санкциясидаги «бир» деган сўз «беш» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг санкциясидаги «ўн беш» деган сўзлар «ўттиз» деган сўз билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган **«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»**-ги 221–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 59-модда; 2002 йил, № 4-5, 74-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 413-модда; 2006 йил, № 10, 536-модда; 2008 йил, № 4, 183-модда; 2010 йил, № 10, 380-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 12, 891-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 1, 4-модда; 2023 йил, № 2, 106-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда; 2025 йил, № 1, 7-модда) қуйидаги мазмундаги **12¹-модда** билан тўлдирилсин:

«12¹-модда. Олди-сотди шартномаси бўйича товарни топшириш муддатини (муддатларини) бузиш

Олди-сотди шартномасига мувофиқ сотувчи шартномада белгиланган муддатда (муддатларда) товарни истеъмолчига топшириши шарт.

Товарни топшириш сотувчи томонидан олди-сотди шартномасига мувофиқ уни истеъмолчига ёки у кўрсатган шахсга топшириш йўли билан амалга оширилади.

Сотувчи олди-сотди шартномасида кўрсатилган муддатда (муддатларда) товарни топшириш бўйича мажбуриятни бажармаган тақдирда, сотувчи кечиктирилган ҳар бир вақт бирлиги (шартномада кўрсатилган дақиқа, соат, кун) учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида истеъмолчига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси топширилмаган товар баҳосидан ошиб кетмаслиги керак. Пеняни тўлаш сотувчини олди-сотди шартномасида кўрсатилган муддатда (муддатларда) товарни топшириш бўйича мажбуриятни бузганлик оқибатида истеъмолчига етказилган зарарнинг ўрнини қоплашдан озод этмайди.

Сотувчининг ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган пеняни тўлаши ва зарарнинг ўрнини қоплаши сотувчини мажбуриятларни асл ҳолида бажаришдан озод этмайди.

Олди-сотди шартномасини тузишда ва савдо қоидаларини белгилашда пеня миқдори ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган миқдордан кам этиб белгиланиши мумкин эмас».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 3 майда қабул қилинган «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги ЎРҚ–97-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 5, 219-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 11, 1061-модда; 2023 йил, № 1, 2-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **5-модда иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «туз» деган сўз «ош тузини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **7-модданинг тўртинчи ва бешинчи хатбошилари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ош тузини ва озиқ-овқат маҳсулотларини йодлаш учун фойдаланиладиган таркибида йод бўлган препаратларни, уларга қўйиладиган талабларни, ош тузини ва озиқ-овқат маҳсулотларини йодлашга, йодланган тузни ишлаб чиқаришга, ташишга, сақлашга ва реализация қилишга қўйиладиган санитария қоидаларини, нормаларини ва гигиена нормативларини белгилайди;

йодланган тузнинг ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, ишлаб чиқарилиши, сақланиши, олиб кирилиши ҳамда реализация қилиниши устидан назоратни амалга оширади»;

3) **15-модданинг номи ва биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15-модда. Ош тузини ва озиқ-овқат маҳсулотларини йодлаш

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган, олиб кириладиган ва реализация қилинадиган барча ош тузи йодланган бўлиши керак. Барча озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фақат йодланган туздан фойдаланилади»;

4) **16-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ош тузини ва озиқ-овқат маҳсулотларини йодлаш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган, тарки-

бида йод бўлган препаратлардан фойдаланилади. Ош тузини ва озиқ-овқат маҳсулотларини йодлаш, йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ҳамда хавфсизлиги, уларни сақлаш шароитлари устидан давлат назорати қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади».

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирази.

Ушбу Қонуннинг 2-моддаси ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

Ушбу Қонуннинг 3-моддаси ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан олти ой ўтгач амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 31 июль,
ЎРҚ–1078-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

412 Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров хотирасини абадийлаштириш, унинг ижодий меросини чуқур ўрганиш ва жаҳон миқёсида тарғиб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон халқ артисти, ўзбек эстрада санъати асосчиси, таниқли актёр ва рассом Ботир Зокиров ўзининг кенг қамровли изланишлари ҳамда эришган улкан ижодий ютуқлари билан миллий санъатимизни ҳар томонлама ривожлантириш ва дунёга танитишга жуда катта ҳисса қўшди. Бетакрор истеъдод эгаси бўлган атоқли санъаткор мусиқа ва қўшиқчилик соҳасида устоз-шогирдлик анъаналарини муносиб давом эттириш орқали иқтидорли ёш ижрочиларни тарбиялаш борасида ҳам қўплаб ибратли ишларни амалга оширди.

Ўзининг бутун ҳаёти ва серқирра ижодий фаолиятини миллий маданиятимиз хазинасини бойитиш, халқимиз маънавиятини юксалтиришга бағишлаган фидойи, ватанпарвар инсон, ноёб овоз соҳиби бўлган буюк хонанда Ботир Зокировнинг хотирасини абадийлаштириш ҳамда унинг бебаҳо ижодий меросини янада кенг оммалаштириш мақсадида **қарор қиламан:**

1. Қуйидагилар:

(а) Тошкент шаҳрида Ботир Зокиров мемориал музейи (кейинги ўринларда — мемориал музей) ташкил этилсин;

(б) Ботир Зокиров номидаги давлат стипендияси таъсис этилсин.

2. Белгилансинки:

(а) мемориал музей Маданият вазирлиги тизимидаги маданият муассасаси ҳисобланади;

(б) мемориал музей фаолиятини сақлаш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш харажатлари учун талаб этиладиган маблағлар, шунингдек, Ботир Зокиров номидаги давлат стипендияси билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш 2026 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

3. Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда мемориал музей фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда Ботир Зокиров номидаги давлат стипендиясини тайинлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлашга оид қарор қабул қилсин.

4. Маданий мерос агентлиги Давлат бюджетидан маданий мерос ва музейлар соҳасига ажратилган маблағлар ҳисобидан Ботир Зокиров ижодига оид тарихий материаллар, ашёлар ва ноёб суратларнинг мемориал музей учун харид қилиб борилишини таъминласин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 30 июлда эълон қилинган.

5. Маданият вазирлиги:

(а) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази билан биргаликда 2026 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир маротаба эстрада санъати бўйича Ботир Зокиров номидаги халқаро кўрик-танловни Маданият вазирлигига республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ўтказиб борсин;

(б) давлат буюртмаси асосида Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокировнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган бадиий фильм яратсин.

6. Белгилансинки, 2025 йилдан бошлаб ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан:

(а) эстрада санъати бўйича бакалавриат таълим йўналишларида аъло баҳоларга таҳсил олган икки нафар битирувчининг кейинги таълим босқичини хорижий давлатларда мақсадли давом эттириши учун;

(б) иқтидорли талабаларнинг нуфузли халқаро танловларда иштирок этиш имкониятини янада ошириш учун;

(в) эстрада санъати бўйича Ботир Зокиров номидаги халқаро кўрик-танловни ўтказиш учун доимий равишда маблағ ажратилади.

7. Маданият вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ботир Зокиров номидаги миллий эстрада-симфоник оркестри фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида икки ой муддатда мазкур оркестрни замонавий чолғу асбоблари ва сахна либослари билан таъминлаш ҳамда унинг маҳаллий ва хорижий гастроль сафарларини ташкил этиш чораларини кўрсин.

8. Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига:

(а) Ботир Зокиров ҳаёти ва ижодига оид кўрсатув ва эшиттиришларни тайёрлаб, эфирга узатиб бориш;

(б) Ботир Зокиров номидаги давлат стипендияси таъсис этилган олий таълим ташкилотларининг эстрада санъати билан боғлиқ таълим йўналишларида таҳсил олаётган иқтидорли талабаларнинг ўз касбий салоҳиятини рўёбга чиқариш борасида эришаётган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб маданият вазири О.А. Назарбеков белгилансин.

10. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 28 июль,
ПҚ–230-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

**413 Миллий ва жаҳон мусиқа санъати ютуқларини халқимиз
орасида кенг тарғиб қилишга оид қўшимча чора-тадбир-
лар тўғрисида***

Мамлакатимиз аҳолисига маданият соҳасида хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш ҳамда жойларда миллий ва жаҳон мусиқа санъатининг сара асарларини янада оммалаштириш, шунингдек, ушбу йўналишларда умидли ёш ижрочиларни аниқлаш ва уларнинг иқтидорини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш мақсадида **қарор қиламан:**

1. Ўзбекистон давлат филармонияси Фарғона вилояти бўлинмаси (кейинги ўринларда — Фарғона вилояти филармонияси) таркибида:

(а) Фарғона миллий чолғулар оркестри (кейинги ўринларда — Миллий чолғулар оркестри);

(б) Фарғона симфоник оркестри (кейинги ўринларда — Симфоник оркестр) ташкил этилсин.

2. Белгилансинки:

(а) 2025 йил 1 сентябрдан Фарғона вилояти филармониясига қўшимча 72 та штат бирлиги, шу жумладан, Симфоник оркестр учун 50 та ва Миллий чолғулар оркестри учун 22 та штат бирлиги ажратилади;

(б) Симфоник оркестр ва Миллий чолғулар оркестри ходимларига давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилади;

(в) Симфоник оркестр ва Миллий чолғулар оркестри фаолиятини сақлаш, шу жумладан, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари Фарғона вилояти маҳаллий бюджети, Фарғона вилояти филармониясининг ўз маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади. Бунда маҳаллий бюджет маблағлари ушбу оркестрлар фаолиятини молиялаштиришда Фарғона вилояти филармонияси ўз маблағларининг етишмаган қисмини қоплаш учун ажратилади.

3. Фарғона вилояти ҳокимлиги:

(а) 2025 йил якунига қадар Фарғона вилояти маҳаллий бюджети ҳисобидан Фарғона вилояти филармониясига Симфоник оркестр ва Миллий чолғулар оркестрининг концерт-томоша тадбирлари самарали ўтказилишини таъминлаш мақсадида хорижда ишлаб чиқарилган бир дона катта сифимдаги автобус харид қилиш учун белгиланган тартибда маблағ ажратилишини ташкил этсин;

(б) Симфоник оркестр ва Миллий чолғулар оркестрининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида улар учун зарур мусиқа чолғулари, овоз кучайтириш мосламалари, ёритиш ускуналари, сахна либослари ва бошқа анжомларни харид қилсин.

4. Маданият вазирлиги:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 30 июлда эълон қилинган.

(а) режа бўйича Фарғона шаҳридаги «Есо City» мажмуаси ҳудудида жойлашган амфитеатрда ҳамда маҳаллий аҳоли ва сайёҳлар кўп ташриф буюрадиган бошқа қулай жойларда Симфоник оркестр ва Миллий чолғулар оркестрининг концерт дастурларини ташкил этиб борсин;

(б) Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Фарғона вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Симфоник оркестрни Фарғона шаҳри Юксалиш кўчаси 59-уй манзилида жойлашган Фарғона вилояти театр ва концерт саройи биносига, Миллий чолғулар оркестрини Фарғона шаҳри Фарғона кўчаси 72-уй манзилида жойлашган Фарғона вилояти филармонияси биносига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштириш ҳамда ушбу жамоаларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш чораларини кўрсин;

(в) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда ушбу қарордан келиб чиқиб, Ўзбекистон давлат филармониясининг маъмурий-бошқарув, бадий-раҳбар, ижодий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ходимлари штатлар жадвалига ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларининг намунавий штатлар жадвалига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин;

(г) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда давлат концерт-томоша ташкилотларининг фаолиятини улар томонидан бажарилган иш ҳажми ва ижодий буюртмаларга мувофиқ қўшимча молиялаштириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Белгилансинки, Симфоник оркестр ва Миллий чолғулар оркестрининг ҳар йилга мўлжалланган гастроль сафарлари режалари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

6. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб маданият вазири О.А. Назарбеков белгилансин.

7. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 28 июль,
ПҚ-231-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**414** Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраев хотирасини
абдийлаштириш ва унинг ижодий мактаби анъаналари-
ни муносиб давом эттиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида***[Кўчирма]**

Ўзининг бетакрор истеъдоди ва кўп йиллик самарали ижодий изланишлари орқали ўзбек миллий қўшиқчилиги соҳасида улкан мактаб яратган машҳур ҳофиз ва бастакор, Ўзбекистон халқ артисти, Алишер Навоий номидаги давлат мукофоти совриндори Шерали Жўраевнинг хотирасини абдийлаштириш ҳамда унинг ижодий анъаналарини муносиб давом эттириш мақсадида **қарор қиламан:**

1. Андижон ихтисослаштирилган санъат мактаби негизида Шерали Жўраев номидаги мусиқа ва санъат олий мактаби (кейинги ўринларда — Олий мактаб) ташкил этилсин.

2. Белгилансинки:

(а) Олий мактаб Маданият вазирлиги тизимига киради ҳамда унда ўқув жараёни 2025/2026 ўқув йилидан бошланади;

(б) Олий мактабга Маданият вазирлиги томонидан шакллантириладиган ҳар йилги қабул квоталари доирасида бошланғич мусиқий билимга эга бўлган ўқувчилар ижодий синов асосида 9-синфдан қабул қилинади;

(в) Олий мактабда ўқув жараёни давлат грантига асосланган 3 йиллик ўқув дастури бўйича ташкил этилади ҳамда унинг битирувчиларига ўрта махсус касбий таълим тўғрисида давлат намунасидаги диплом берилади;

(г) Олий мактабнинг ўқув дастурлари таълим йўналишлари бўйича таянч олий таълим ташкилотларининг бакалавриат таълим дастурлари билан ўзаро интеграция қилинади;

(д) Олий мактабнинг иқтидорли битирувчилари белгиланган тартибда ўз ўқишини тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича олий таълим ташкилотларининг иккинчи босқичидан давом эттириши мумкин.

3. Қуйидагилар:

(а) Шерали Жўраев номидаги мусиқа ва санъат олий мактабининг асосий вазифалари ҳамда унинг фаолиятини молиялаштириш манбалари 1 ва 1а-иловаларга мувофиқ;

(б) Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраевнинг хотирасини абдийлаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Маданият вазирлиги:

(а) республиканинг бошқа ҳудудларида фаолият олиб бораётган соҳанинг етакчи профессор-ўқитувчи ва мутахассисларини Олий мактабда ўқув

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 31 июлда эълон қилинган.

** 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

жараёнига жалб этиш, семинар, очик дарс, маҳорат дарслари ҳамда махсус курслар ташкил этиш чораларини кўрсин;

(б) тасарруфидаги олий таълим ташкилотларининг етакчи профессор-ўқитувчилари томонидан Олий мактабда ўқув дастурларига мувофиқ семинар, очик дарс, маҳорат дарслари ҳамда махсус курслар ташкил этиш ҳамда уларни қўшимча рағбатлантириб бориш чораларини кўрсин;

(в) ҳар йили миллий қўшиқчилик ва ижро санъати бўйича Шерали Жўраев номидаги телевизион танловни ўтказиб борсин, шунингдек, танлов ғолибларини қонунчиликка мувофиқ олий таълим ташкилотларига имтиёзли қабул қилиш тартибини жорий этиш юзасидан Ҳукуматга таклиф киритсин ҳамда уларнинг ижодий фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватласин;

(г) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда ҳар йили миллий қўшиқчилик ва ижро санъати, шу жумладан, Шерали Жўраев ижодий йўналиши ва фаолияти бўйича илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси доирасида мақсадли илмий-тадқиқот лойиҳаларини белгиланган тартибда шакллантириб борсин;

(д) Олий мактабда Шерали Жўраев ижодий йўналиши ва фаолияти бўйича илмий-ижодий лаборатория фаолиятини йўлга қўйсин.

5. Андижон вилояти ҳокимлиги ва Маданият вазирлиги:

(а) Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргаликда 2025 йилда Олий мактаб учун қўшимча 200 ўринли ўқув биноси ва зарур инфратузилма объектларини барпо этиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқсин, 300 ўринли ўқувчилар тураржойи биносини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қуриш чораларини кўрсин;

(б) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида 2026-2027 йилларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурини шакллантиришда Олий мактаб учун қўшимча 200 ўринли ўқув биноси қуриш ҳамда зарур инфратузилма объектлари билан таъминлаш ишларини инобатга олсин;

(в) Бадиий академия билан биргаликда Олий мактаб ҳудудида Шерали Жўраев бюстини ўрнатиш чораларини кўрсин;

(г) ҳар йили апрель ойида Шерали Жўраев таваллуди санасини кенг нишонлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширсин;

(д) 2026 йил якунига қадар Олий мактабда замонавий овоз ёзиш ва тасвирга олиш студиясини ташкил этсин ва ундан иқтидорли ёш ижодкорлар имтиёзли асосда фойдаланишини йўлга қўйсин.

6. Олий мактабга 1 та енгил автомобиль ва 1 та гастроль сафарларига мўлжалланган махсус автотранспорт воситасини сақлаш учун лимит ажратилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 3-иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

8. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб маданият вазири О.А. Назарбеков ҳамда Андижон вилояти ҳокими Ш.Қ. Абдурахманов белгилансин.

* 3-илова берилмайди.

9. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 28 июль,
ПҚ-232-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 28 июлдаги
ПҚ-232-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Шерали Жўраев номидаги мусиқа ва санъат олий мактабининг
асосий вазифалари**

Шерали Жўраев номидаги мусиқа ва санъат олий мактабининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

(а) маданият ва санъат соҳаси учун замонавий талабларга жавоб берадиган ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш;

(б) миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асосида миллий мусиқа санъати ва бадиий ижодни ривожлантириш;

(в) ўқитишнинг замонавий шакл ва методларидан фойдаланган ҳолда таълим сифатини яхшилаш;

(г) ўқувчиларни эгаллаган мутахассислик бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган, сифатли билим олиш ва касбий тайёргарликни таъминлайдиган таълим дастури асосида ўқитиш;

(д) миллий қўшиқчилик ва ижрочилик санъати ҳамда ижро анъаналарини ўрганиш, тадқиқ этиш ва муносиб давом эттириш;

(ж) маҳаллий ва хорижий таълим ташкилотлари билан ҳамкорликни ривожлантириш, замонавий инновацион ўқув лойиҳаларини амалга ошириш учун малакали хорижий мутахассисларни жалб этиш.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 28 июлдаги
ПҚ–232-сон қарорига
1а-ИЛОВА

**Шерали Жўраев номидаги мусиқа ва санъат олий мактабининг
фаолиятини молиялаштириш манбалари**

Шерали Жўраев номидаги мусиқа ва санъат олий мактабининг фаолиятини молиялаштириш манбалари қуйидагилардан иборат:

- (а) Андижон вилояти маҳаллий бюджети маблағлари;
- (б) пулли хизматлар, шу жумладан, таълим хизматлари кўрсатишдан ҳамда бошқа фаолият турларидан олинадиган даромадлар;
- (в) юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;
- (г) қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

415 **Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида***

«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига мувофиқ:

1. 2024 йил 22 октябрь куни Куала-Лумпур шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Саудия Арабистони Подшоҳлиги Ҳукумати ўртасида ҳаво қатнови тўғрисидаги Битим тасдиқлансин.

2. Транспорт вазирлиги ушбу халқаро шартномани амалга ошириш учун масъул бўлган ваколатли орган этиб белгилансин.

3. Ташқи ишлар вазирлиги мазкур халқаро шартномани кучга кириши учун Ўзбекистон Республикаси томонидан зарур бўлган давлат ички тартиб-таомиллари бажарилганлиги ҳамда уни амалга ошириш учун масъул бўлган ваколатли орган тўғрисида Саудия томонига тегишли билдиришномани юборсин.

4. Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга кирганидан кейин белгиланган тартибда унинг қоидалари амалга оширилиши устидан назоратни таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 30 июль,
ПҚ–241-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 1 августда эълон қилинган.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

416 «In-vitro» шароитида кўпайтирилган пайвандтагли мева ва ток кўчатларини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2024 йил 30 сентябрдаги ПҚ–344-сон ҳамда «Қишлоқ хўжалиги майдонларидаги қўшимча имкониятлардан фойдаланган ҳолда маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2024 йил 30 декабрдаги ПҚ–465-сон қарорларига мувофиқ, шунингдек, республика ҳудудларида янги интенсив боғ ва токзорларни барпо этган тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи «In-vitro» шароитида кўпайтирилган пайвандтагли мева ва ток кўчатларини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

мувофиқлик сертификатига (ихтиёрий) эга бўлган «in-vitro» шароитида кўпайтирилган пайвандтагли мева ва ток кўчатларини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун ариза билан мурожаат қилиш ҳамда мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби;

мувофиқлик сертификатига (ихтиёрий) эга бўлган «in-vitro» шароитида кўпайтирилган пайвандтагли мева ва ток кўчатларини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратиш тартиби;

мувофиқлик сертификатига (ихтиёрий) эга бўлган «in-vitro» шароитида кўпайтирилган пайвандтагли мева ва ток кўчатларини парваришlash бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан мониторинг юритиш тартиби.

2. Белгилансинки, мувофиқлик сертификатига (ихтиёрий) эга бўлган «in-vitro» шароитида кўпайтирилган пайвандтагли мева ва ток кўчатларини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг Агросаноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ҳисоб-китобларига асосан мувофиқлик сертификатига (ихтиёрий) эга бўлган «in-vitro» шароитида кўпайтирилган

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 29 июлда эълон қилинган.

пайвандтагли мева ва ток қўчатларини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун талаб этиладиган маблағларнинг назарда тутилишини таъминласин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 28 июль,
468-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 28 июлдаги 468-сон қарорига
ИЛОВА

**«In-vitro» шароитида кўпайтирилган пайвандтагли
мева ва ток қўчатларини харид қилиш харажатларининг
бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом мулкчилик шаклидан қатъий назар барча тадбиркорлик субъектларига мувофиқлик сертификати (ихтиёрий) мавжуд бўлган «in-vitro» шароитида кўпайтирилган пайвандтагли мева ва ток қўчатларни харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасидан (кейинги ўринларда — Жамғарма) субсидия ажратиш, ажратилган субсидия маблағларидан самарали фойдаланилиши юзасидан мониторинг юритиш ҳамда мақсадсиз фойдаланилган субсидияларни қайтариш тартибини белгилайди.

Субсидиялар янги интенсив боғ, тоқзорларни барпо этган, шунингдек, дала четларига, каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги майдонларга экилган «in-vitro» шароитида кўпайтирилган пайвандтагли мева ва ток қўчатларини харид қилган талабгорларга Жамғарма ҳисобидан қўчатлар тури, нави ва харажатиининг ҳисоб-китобидан келиб чиқиб ажратилади.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

интенсив боғ — интенсив қўчатлар (пакана ва яримпакана) ҳамда пайвандтаглардан етиштирилган қўчатларни зич экиш схемасида ресурс-тежамкор агротехнологик тадбирларни амалга ошириш асосида ташкил этилган ва сув тежовчи суғориш технологиялари жорий этилган мевали боғ;

«in-vitro» лабораторияси — ўсимлик организмнинг тўқималарини микроклонал кўпайтириш усули орқали «соғлом», вируслардан холи бўлган кўчат ҳамда пайвандтаг етиштириш учун ихтисослашган, махсус жиҳозланган лаборатория;

мувофиқлик сертификати (ихтиёрий) — сертификатланган кўчатларнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги кўчатлар тури, нави, нав тозаллиги ва вируслар (касалликлар)дан холилигини тасдиқловчи сертификатлаштириш тизими қоидаларига биноан берилган ҳужжат;

талабгор — янги интенсив боғ ва/ёки токзор барпо этишда пайвандтагли мева ва ток кўчатлари харажатларининг бир қисмини қоплаш учун мурожаат қилган тадбиркорлик субъекти;

«Agrosubsidiya» АТ — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг «Рақамли қишлоқ хўжалиги» ягона интеграция платформаси таркибига кирувчи ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун имтиёзли кредитлар ва субсидияларни ажратиш, маҳсулот етиштирувчиларга шаффофлик тамойили асосида хизматлар кўрсатиш имкониятларини таъминлаб берадиган ахборот тизими.

3. Субсидиялар:

янги интенсив боғ барпо этган талабгорга ҳамда дала четларига, каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги майдонларга экилган мувофиқлик сертификати (ихтиёрий) мавжуд бўлган «in-vitro» шароитида кўпайтирилган пайвандтагли мева кўчатларини харид қилиш харажатларининг 50 фоизи, бироқ ҳар бир пайвандтагли мева кўчатида 25 минг сўмдан ошмаган миқдорда;

мувофиқлик сертификати (ихтиёрий) мавжуд бўлган узумнинг данаксиз ва янги нав кўчатларига (кейинги ўринларда — ток кўчатлари) 7,5 минг сўмдан, маҳаллий ток кўчатларига 2 минг сўмдан ошмаган миқдорда ажратилади.

4. Мувофиқлик сертификати (ихтиёрий) мавжуд бўлган «in-vitro» шароитида кўпайтирилган пайвандтагли мева ва ток кўчатларини харид қилиш харажатларининг бир қисми ушбу Низомга 1-иловага* мувофиқ схема бўйича қопланади.

2-боб. Субсидия ажратиш бўйича ариза билан мурожаат қилиш

5. «In-vitro» шароитида кўпайтирилган пайвандтагли мева ва ток кўчатларини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратишга қўмаклашувчи туман (Қувасой шаҳар) ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда — Ишчи гуруҳ) ушбу Низомга 2-иловага* мувофиқ намунавий таркибда ташкил этилади.

6. Талабгор янги боғ ва токзорлар барпо қилинган ҳамда дала четларига, каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги ер майдонларига экилган кўчатлар тури, нави, қиймати тўғрисидаги маълумотларни

* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мазкур Низомга 3-иловага* мувофиқ харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратиш бўйича Ишчи гуруҳга «Agrosubsidiya» АТ орқали қуйидагиларни илова қилган ҳолда ариза билан мурожаат қилади:

соғлом, вируслардан холи бўлган «in-vitro» лабораториясида кўпайтирилган пайвандтагли кўчатларнинг мувофиқлик сертификати (ихтиёрий) нусхаси;

талабгор билан «in-vitro» шароитида кўчат етиштирувчи кўчатчилик хўжалиги ўртасида тузилган олди-сотди шартномаси нусхаси;

кўчатлар сотиб олингани бўйича ҳисоб-фактура, «in-vitro» шароитида кўчат етиштирувчи кўчатчилик хўжалигининг тавсияси ва мувофиқлик сертификати (ихтиёрий) бўйича уч йиллик кафолат хати.

Талабгор аризадаги маълумотлар ва илова қилинган ҳужжатларнинг тўғрилиги учун жавобгар ҳисобланади.

Талабгордан ушбу бандда назарда тутилмаган бошқа ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

7. Ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаганда ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган ҳолда тақдим этилганда Ишчи гуруҳ томонидан аризани қабул қилиш рад этилади.

3-боб. Талабгорнинг мурожаатини кўриб чиқиш ва субсидия ажратиш

8. Ишчи гуруҳи талабгорнинг аризасини кўриб чиқишда қуйидагиларга масъул ҳисобланади:

туман (Қувасой шаҳар) ҳокими — Ишчи гуруҳ фаолиятини ташкил қилиш ва талабгорнинг субсидия ажратиш тўғрисидаги аризасини жойига чиққан ҳолда ўз муддатида ва тўлиқ ўрганишга ҳамда расмийлаштирилган ҳужжатларнинг тўғрилигига;

туман (Қувасой шаҳар) ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари — туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи — субсидия ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштиришга;

туман (шаҳар) фермерлар кенгаши раиси — талабгор ва «in-vitro» шароитида кўчат етиштирувчи кўчатчилик хўжалиги ўртасида тузилган олди-сотди шартномаси шартларининг бажарилиши (кўчат етказиб бериш муддатлари, сифати ва бошқалар) бўйича талабгорнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишига;

ўсимликлар карантини ва ҳимояси туман бўлими бошлиғи — «in-vitro» шароитида кўчат етиштирувчи кўчатчилик хўжалиги мувофиқлик сертификати (ихтиёрий) мавжуд бўлган «in-vitro» лабораториясида кўпайтирилган пайвандтагли мева ва ток кўчатлари экилганига;

Агентликнинг туман (Қувасой шаҳар) лойиҳа офиси раҳбари — талабгорнинг аризасида «in-vitro» шароитида кўпайтирилган пайвандтагли мева ва ток кўчатларини харид қилиш харажатлари учун субсидия ҳисобланишига, бунда:

а) харажатларнинг 50 фоизи, бироқ ҳар бир мувофиқлик сертификати (ихтиёрий) мавжуд бўлган пайвандтагли мева кўчатига 25 минг сўмдан ошмаган миқдорда;

б) мувофиқлик сертификати (ихтиёрий) мавжуд бўлган ток кўчатларига 7,5 минг сўмдан, мувофиқлик сертификати (ихтиёрий) мавжуд бўлган маҳаллий ток кўчатларига 2 минг сўмдан ошмаган миқдорда.

9. Ишчи гуруҳ «Agrosubsidiya» АТ орқали тақдим этилган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни уч иш куни ичида жойига чиққан ҳолда ўрганади ва талабгорга субсидия ажратиш мақсадга мувофиқлиги ёки рад этиш тўғрисидаги хулосани тасдиқлайди.

Ишчи гуруҳ раҳбари ва унинг аъзолари хулосанинг тўғри расмийлаштирилгани ва ҳаққонийлиги учун масъул ҳисобланади.

Субсидия ажратиш рад этилган тақдирда, талабгор бир ой муддатда Ишчи гуруҳ хулосасида кўрсатилган камчиликларни тўлиқ бартараф қилган ҳолда, «Agrosubsidiya» АТ орқали субсидия ажратиш тўғрисида қайта мурожаат қилиши мумкин.

Талабгор Ишчи гуруҳнинг субсидия ажратишни рад этиш тўғрисидаги хулосасидан норози бўлган тақдирда, юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиши мумкин.

10. Ишчи гуруҳ талабгорга субсидия ажратиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосани расмийлаштиргандан сўнг бир иш куни ичида тасдиқланган хулосани «Agrosubsidiya» АТ орқали Агентликка юборади.

11. Ишчи гуруҳ хулосаси Агентлик томонидан беш иш кун ичида кўриб чиқилиб, талабгорга субсидия ажратиш ёки субсидия ажратишни рад этиш ҳақида «Agrosubsidiya» АТ орқали маълум қилади.

Бунда Агентлик томонидан субсидия ажратишни рад этишга ушбу Низомнинг 6-банди талабларига риоя қилинмаган ҳолатлар асос ҳисобланади.

12. Агентлик Ишчи гуруҳ томонидан тасдиқланган ижобий хулосага асосан беш иш куни ичида талабгорнинг тижорат банкидаги ҳисобварағига субсидияни ўтказиб беради.

13. Агентликнинг субсидия ажратишни рад этиш тўғрисидаги хулосасида кўрсатилган камчиликлар (сабаблар) талабгор томонидан бартараф этилган ҳолда, қайта мурожаат қилиниши мумкин.

4-боб. Мониторинг қилиш тартиби

14. Талабгор дала четларига ҳамда каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги майдонларга ҳамда лойиҳа асосида ташкил этилган янги боғ ва токзорларга экилган кўчатларда ўз муддатида агротехник тадбирларини ўтказиш ва парваришлаш ишларини амалга ошириб боради.

15. Талабгор томонидан дала четларига ҳамда каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги майдонларга ҳамда лойиҳа асосида ташкил этилган янги боғ ва токзорларга экилган кўчатларда ўз муддатида агротехник тадбирларини ўтказиш ва парваришлаш ишларини амалга оширилгани юзасидан Ишчи гуруҳ икки йил мобайнида мониторинг қилиб боради.

16. Ишчи гуруҳ кўчатлар учун ажратилган субсидиядан самарали фой-

даланиш ҳолатини ҳар йили бир марта мониторинг қилади ва кўчатларнинг ҳолати юзасидан (яхши ёки ёмон) икки нусхада далолатнома расмийлаштиради ҳамда далолатноманинг бир нусхаси Ишчи гуруҳда ва иккинчи нусхаси талабгорда сақланади.

17. Мониторинг давомида камчиликлар аниқланганда, Ишчи гуруҳ уч иш куни ичида талабгорга ажратилган субсидия маблағларини қайтариш ҳақидаги талабнома хатини юборади.

Талабгор огоҳлантириш хатини олган кундан эътиборан бир ой ичида ажратилган субсидияни Агентликнинг махсус шахсий ҳазна ҳисобварағига қайтаради.

18. Туман (шаҳар) ишчи гуруҳи талабгор томонидан харид қилинган ва экилган мувофиқлик сертификати (ихтиёрий) эга бўлган «in-vitro» шароитида кўпайтирилган пайвандтагли мева ва ток кўчатларининг ривожланиш ҳолати юзасидан мониторинг ўтказди.

Ўтказилган мониторинг натижасига кўра биринчи ва иккинчи йилларда қуриб қолган ва касалланиб яроқсиз ҳолга келган кўчатлар сони экилган кўчатлар умумий сонининг 10 фоизидан ошганда, олинган субсидия нобуд бўлган кўчатлар сонига мутаносиб равишда қайтарилади.

Қуриб қолган ва касалланиб яроқсиз ҳолга келган кўчатлар талабгор томонидан кузги экиш мавсумида «in-vitro» шароитида кўпайтирилган пайвандтагли мева ва ток кўчатларига алмаштирилиб, кўчатлар тўлиқлиги 90 фоиздан юқори бўлганда субсидиялар қайтарилмайди.

Субсидия ажратилган майдонларда кўчатлар тўлиқлигини таъминлаш учун талабгор томонидан қўшимча равишда экилган пайвандтагли мева ва ток кўчатларига субсидия ажратилмайди.

Талабгор субсидияни белгиланган муддат ва миқдорда қайтармаганда, Агентлик субсидияни суд тартибида ундириш чораларини кўради.

19. Жамоатчилик назорати субъектлари томонидан субсидия предмети-дан мақсадли фойдаланилмаётган ёки яроқсиз ҳолдалиги аниқланса, бундай ҳолатлар видеотехника воситалари орқали қайд этилиши (ёзиб олиниши) ва икки кун муддатда Ишчи гуруҳга тақдим қилиниши мумкин.

20. Туман (шаҳар) Ишчи гуруҳи жамоатчилик назорати субъектлари томонидан аниқланган ҳолатлар бўйича келиб тушган видеоёзувларни қабул қилингандан сўнг уч иш куни мобайнида талабгор ёки унинг ваколатли ходими иштирокида ўрганиш ўтказди.

21. Талабгор ушбу Низом талабларини бажармаган тақдирда, Агентликнинг ёки туман ишчи гуруҳининг субсидияни қайтариш ҳақидаги ёзма хабарномасини олган кундан эътиборан бир ой муддатда олинган субсидияни Агентликнинг тегишли махсус шахсий ҳазна ҳисобварағига қайтариши лозим.

5-боб. Якунловчи қоидалар

22. Субсидия беришда юзага келадиган келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокаралар ўтказиш орқали ҳал этилади.

Бунда тарафлар ўртасида келишмовчиликлар музокаралар ўтказиш орқали ҳал этилмаган тақдирда, низолар суд тартибида ҳал қилинади.

23. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Давлат молиявий назорати инспекцияси субсидиядан мақсадли фойдаланилишини назорат қилади.

24. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

417 Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг божхона соҳасидаги муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш бўйича тавсиялар берувчи апелляция кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида*

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун ташқи савдо операцияларини амалга ошириш борасида қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, божхона органлари ҳамда тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўртасидаги низоларни тезкор кўриб чиқиш ва адолатли ҳал этишнинг самарали тизимини жорий этиш, божхона соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг иқтисодиёт тармоқлари ва йирик ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ихтиёрий равишда нарх калькуляцияси ҳақидаги маълумотларни ҳар чоракда божхона органларига тақдим этиб бориш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг божхона соҳасидаги муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш бўйича тавсиялар берувчи апелляция кенгаши (кейинги ўринларда — Апелляция кенгаши) тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Апелляция кенгашининг асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари; Апелляция кенгаши фаолиятини ташкил этиш тартиби.

3. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 28 июль,
470-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 30 июлда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 28 июлдаги 470-сон қарорига
ИЛОВА

**Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг божхона
соҳасидаги муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш бўйича
тавсиялар берувчи апелляция кенгаши тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг (кейинги ўринларда — тадбиркорлик субъектлари) божхона соҳасидаги муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш бўйича тавсиялар берувчи апелляция кенгашининг (кейинги ўринларда — Апелляция кенгаши) мақоми, вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Апелляция кенгаши ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатларига ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига, шунингдек, ушбу Низомга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

3. Апелляция кенгаши Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг тадбиркорлик фаолияти субъектларининг божхона соҳасидаги муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш бўйича тавсиялар берувчи идоралараро коллегиал орган ҳисобланади.

Апелляция кенгаши ўз фаолиятини давлат органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролардан мустақил равишда қонунийлик, ҳолислик, коллегиаллик ҳамда ошкоралик тамойиллари асосида ташкил этади.

Апелляция кенгаши аъзоларининг фаолияти жамоатчиликка асосланади.

4. Апелляция кенгаши ўз ваколатлари доирасида тадбиркорлик субъектларининг божхона соҳасидаги муаммоларини мустақил аниқлаб, уларни бар-тараф этиш учун тавсиялар ишлаб чиқади, тадбиркорларнинг божхона назорати ва расмийлаштируви жараёни билан боғлиқ мурожаатларини кўриб чиқиб ҳал этади.

2-боб. Апелляция кенгашининг асосий вазифалари

5. Қуйидагилар Апелляция кенгашининг асосий вазифалари ҳисобланади:

тадбиркорларнинг божхона соҳасидаги муаммоларини ўрганиб бориш ва ҳал этиш чораларини кўриш;

тадбиркорларнинг мурожаатларини ўз ваколатлари доирасида кўриб чиқиш;

божхона божлари бўйича берилган имтиёзларни тўғри қўллаш ва товарларнинг божхона қийматини белгилаш, шунингдек, божхона соҳасидаги

хуқуқбузарликлар келиб чиқишининг олдини олиш борасида божхона органларига услубий ёрдам кўрсатиш;

иқтисодиёт тармоқлари ва йирик ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан нарх калькуляцияси ҳақидаги маълумотларга асосан товарларнинг божхона қийматини белгилаш бўйича тавсиявий хулосалар бериш;

божхона божлари бўйича берилган имтиёзлардан самарали фойдаланиш борасида тадбиркорлар ва божхона органлари ўртасида юзага келган низолар юзасидан божхона органларига тавсиявий хулосалар бериш;

божхона соҳаси билан боғлиқ хуқуқбузарликлар келиб чиқишининг олдини олиш бўйича божхона органларига услубий ёрдам кўрсатиш.

3-боб. Апелляция кенгашининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

6. Апелляция кенгаши қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларидан Апелляция кенгаши ваколатларига тааллуқли масалалар бўйича маълумотномалар, ахборот-таҳлилий материалларни белгиланган тартибда сўраш ва бепул олиш;

мурожаат этувчилар, шунингдек, бошқа манфаатдор шахслардан мурожаатни кўриб чиқиш учун зарур бўлган қўшимча материаллар ва маълумотларни сўраб олиш;

ўз вазифаларини амалга ошириш, хусусан, мурожаатларни кўриб чиқишда давлат органлари, илмий ва таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, иқтисодиёт тармоғи корхоналари, тижорат уюшмалари, йирик ишлаб чиқарувчи корхоналардан мутахассислар ва экспертларни жалб қилиш.

Апелляция кенгаши қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7. Апелляция кенгаши ўз фаолиятини амалга оширишда қуйидагиларга мажбур:

қонунчилик ҳужжатларига ва мазкур Низом талабларига қатъий риоя қилиш;

тадбиркорларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатлари бузилишига йўл қўймаслик ҳамда уларнинг фаолиятига доир тижорат сирини ҳисобланувчи маълумотларни ошкор этмаслик;

фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситишга, шахсий ҳаётига аралашувга йўл қўймаслик;

мурожаатни кўриб чиқиш юзасидан қабул қилинган хулосалар ҳаққонийлигини ва асосланганлигини таъминлаш;

давлат органи фаолияти билан боғлиқ қонунчилик ҳужжатларида белгиланган чекловларга амал қилиш;

давлат органи ва унинг мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида амалга оширадиган фаолиятига аралашмаслик;

давлат органи ва унинг мансабдор шахслари фаолият кўрсатиши учун тўсқинлик қилмаслик;

мурожаатни кўриб чиқиш давомида олинган ахборотнинг, агар бундай

ахборотни тарқатиш қонунчилиқ билан чекланган бўлса, сир сақланишига риоя қилиш.

Апелляция кенгашига қонунчилиқ ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

4-боб. Апелляция кенгаши фаолиятини ташкил этиш тартиби

8. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг божхона соҳасидаги муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш бўйича тавсиялар берувчи апелляция кенгаши ушбу Низомга иловада* келтирилган таркибда фаолият олиб боради.

Апелляция кенгаши 15 кишидан кам бўлмаган тоқ сондаги (комиссия раиси, котиби ва аъзолари) таркибда тузилади.

Апелляция кенгаши таркиби тегишлигига кўра амалий тажрибага ва обрў-эътиборга эга божхона органлари ҳамда вазирлик ва идораларнинг марказий аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарлари, шунингдек, божхона соҳасида катта амалий тажриба ёки илмий салоҳиятга эга бўлган обрўли фуқаролар орасидан шакллантирилади.

Бунда давлат органининг марказий аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарлари ҳисобланмаган Апелляция кенгаши аъзолари жами Апелляция кенгаши аъзоларининг учдан икки қисмидан ошиб кетмаслиги лозим.

9. Қуйидаги ҳолатларда Апелляция кенгашининг раиси, раис ўринбосари, котиби ва аъзолари унинг таркибидан чиқарилади:

Апелляция кенгаши таркибидан чиқиш тўғрисида ариза берилганда;

ташкilot билан тузилган меҳнат шартномалари бекор қилинганда;

Апелляция кенгашининг мажлисларида мунтазам равишда иштирок этмаганда;

мазкур Низомнинг 7-бандида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаганда;

суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори асосида муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган ёки вафот этган деб топилганда.

10. Қуйидаги ҳолларда Апелляция кенгаши аъзоси Кенгаш кун тартибига киритилган масалалар юзасидан мажлисда иштирок этиши мумкин эмас ва рад қилиниши лозим, агар у:

ишнинг натижасидан шахсан, бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлса ёхуд унинг ҳолислиги ва бегаразлигига шубҳа тугдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса;

тараф ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг қариндоши бўлса.

11. Апелляция кенгашининг раиси:

Апелляция кенгаши фаолиятини ва унинг регламентга риоя этишини ташкил этади;

Апелляция кенгашининг мажлисларини ўтказади ва уларда раислик қилади;

* Илова «Қонунчилиқ маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Апелляция кенгаши ваколатига тааллуқли масалаларни унинг кўриб чиқиши учун киритади;

давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва халқаро ташкилотлар билан муносабатларда Апелляция кенгаши номидан иш кўради;

Апелляция кенгаши аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Апелляция кенгаши номидан хулосаларни, мажлислар баённомаларини ва бошқа хужжатларни имзолайди;

Апелляция кенгаши мажлислари кун тартибини белгилайди, Апелляция кенгаши ва тарафларни чақиради;

Апелляция кенгаши томонидан қабул қилинган хулосаларнинг ижросини мониторинг қилади;

юкланган вазифаларнинг бажарилиши бўйича Апелляция кенгаши аъзолари ишини мувофиқлаштиради;

божхона органининг расмий веб-сайтида ва бошқа ресурсларда жойлаштириладиган Апелляция кенгашининг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар мазмунини бўйича таклифлар киритади ва уларни раҳбарият билан келишади;

Апелляция кенгаши фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган бошқа ҳаракатларни бажаради.

Апелляция кенгашининг раиси Апелляция кенгаши томонидан ишнинг ўз вақтида, тўғри ва виждонан бажарилишини ташкил этиш учун жавобгар бўлади.

12. Апелляция кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда, унинг вазифаларини раис ўринбосари бажаради.

13. Апелляция кенгашининг котиби:

муружаатларни қабул қилади ва рўйхатдан ўтказидади;

Апелляция кенгашининг навбатдаги мажлисига барча зарур материаллар ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди, давлат органи ходимларидан зарур хужжатлар ва маълумотларни сўраб олади;

кун тартибига мувофиқ Апелляция кенгаши мажлислари ўтказилишини ташкил этади;

Апелляция кенгаши мажлиси ўтказиладиган сана, жой ва таклиф этиладиган шахслар рўйхатини Апелляция кенгашининг раиси билан келишади;

Апелляция кенгашининг аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни Апелляция кенгаши мажлиси ўтказиладиган жой, сана ва вақт ҳақида хабардор қилади;

кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқиш учун зарур бўлган материалларни Апелляция кенгаши аъзоларига тарқатади;

Апелляция кенгаши хулосаларининг божхона органи томонидан инобатга олиниши ёки рад этилиши ҳолати устидан мониторинг олиб боради ҳамда унинг натижаларини Апелляция кенгаши мажлисида кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритади;

Апелляция кенгаши мажлисининг хулосасини ва баённомасини расмийлаштиради ҳамда хулосанинг Апелляция кенгаши аъзолари ҳамда бошқа манфаатдор шахсларга жўнатилишини таъминлайди;

Апелляция кенгашининг фаолиятини услубий, ташкилий-ҳуқуқий ва ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш масалаларини ҳал қилади;

Апелляция кенгашининг самарали ишлашини таъминлаш бўйича бошқа ваколатларни амалга оширади.

14. Апелляция кенгашида жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) ёхуд ҳаракатсизлиги натижасида ўз ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилганлиги ҳақидаги мурожаатлари мазкур Низомда белгиланган тартиб асосида кўриб чиқилади.

Жисмоний ва юридик шахслар низоли масалани Апелляция кенгашида кўриб чиқиш учун ушбу божхона органига ёзма (электрон) тарзда мурожаат қилади.

Божхона органининг раҳбари (ёки унинг ўринбосарлари) томонидан мурожаат унинг муаллифини хабардор этган ҳолда, у келиб тушган кундан бошлаб бир кун ичида кўриб чиқиш учун Апелляция кенгашига юборади.

Божхона органига келиб тушган такрорий мурожаатларда Апелляция кенгаши ваколатига кирадиган масалалар келтирилган бўлса, божхона органи раҳбари мазкур мурожаатни кўриб чиқиш учун Апелляция кенгашига ўз ташаббусига кўра ҳам жўнатиши мумкин.

Божхона органига келиб тушган такрорий мурожаат кўриб чиқиш учун Апелляция кенгашига жўнатиш ҳолларда, бу ҳақида мурожаат этувчига дарҳол ёзма ёки электрон хабар юборилади.

15. Мурожаат Апелляция кенгашига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун мобайнида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Юзага келган низоли ҳолатни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чоралар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари Апелляция кенгашининг раиси томонидан, истисно тариқасида, кўпи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақида мурожаат этувчига дарҳол ёзма ёки электрон хабар юборилади.

16. Апелляция кенгашининг аъзолари ўз мажлисларида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал қилишда ўз ваколатини бошқа шахсларга ўтказиш ҳуқуқига эга эмас.

Апелляция кенгашининг аъзолари:

ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун божхона органи томонидан ташкил этиладиган ҳайъат мажлисларида ва бошқа оммавий тадбирларда иштирок этади;

Апелляция кенгаши иш режаларининг лойиҳаларини тайёрлайди, уларни Апелляция кенгашида кўриб чиқиш учун киритади ва тасдиқланган иш режалари бажарилишини таъминлайди;

Божхона органи фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқишда ҳамда амалга оширишда қатнашади;

Апелляция кенгашининг кун тартибига киритилган масалалар юзасидан таҳлилий материаллар тайёрлайди;

Апелляция кенгашининг ваколатига кирадиган масалалар билан боғлиқ мурожаатларни кўриб чиқади ва натижалари бўйича тегишли ҳужжатларни тайёрлайди;

Апелляция кенгашига юкланган вазифаларга мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

17. Апелляция кенгаши мажлиси кун тартибининг лойиҳаси котиб томонидан Апелляция кенгаши аъзоларининг таклифлари ва Апелляция кенгаши раисининг топшириғи асосида шакллантирилади.

18. Апелляция кенгашининг мажлисини унинг раиси бошқаради.

Апелляция кенгашининг мажлисида божхона органи раҳбари, унинг ўринбосарлари ва бошқа ходимлар иштирок этиши мумкин.

Апелляция кенгашининг мажлисларига бошқа давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари ҳамда мурожаат этувчи ёки унинг вакили таклиф этилиши мумкин.

19. Апелляция кенгашининг мажлиси, агар унда Апелляция кенгаши аъзоларининг камида учдан икки қисми (кворум) иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Мажлисни ўтказиш учун кворум шаклланмаган тақдирда, Апелляция кенгашининг янги мажлиси ўтказиладиган сана эълон қилинади.

20. Апелляция кенгашининг хулосаси мажлисда иштирок этаётган Апелляция кенгаши аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган ҳолларда Апелляция кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

21. Апелляция кенгашининг мажлисида қабул қилинган қарор хулоса шаклида расмийлаштирилади. Апелляция кенгаши хулосаси мажлисда иштирок этган барча аъзолар томонидан имзоланади.

Хулосага қўшилмаган Апелляция кенгаши аъзоси хулосани имзолаб, ўзининг алоҳида фикрини ёзма шаклда тақдим қилади. Алоҳида фикр иш материалларига қўшиб қўйилади.

22. Апелляция кенгашининг мажлис баённомаси котиб томонидан имзоланади ва мажлисга раислик қилувчи томонидан тасдиқланади.

23. Апелляция кенгашининг хулосаси уч кун муддатда божхона органи раҳбарига кўриб чиқиш ва бошқа манфаатдор тарафларга маълумот учун юборилади.

Апелляция кенгашининг хулосаси тавсиявий тусга эга бўлиб, хулосани қабул қилиб олган божхона органи раҳбари ёки унинг ўринбосари уни инobatга олиши ёки ёзма асослантирилган тарзда рад этиши мумкин. Бунда божхона органи раҳбари ёки унинг ўринбосари қабул қилинган қарор тўғрисида уч кун муддатда Апелляция кенгаши ва тарафларни ёзма ёки электрон тарзда хабардор қилади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

24. Апелляция кенгашининг фаолияти моддий-техник жиҳатдан таъмин-

лаш Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

25. Апелляция кенгашининг фаолияти мазкур Низомга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ эканлиги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси раиси томонидан назорат қилинади.

26. Ушбу низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

418 Электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлашда юзага келадиган технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрларини ҳисоблаш ҳамда тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

[Кўчирма]

Электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлашда юзага келадиган технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрларини ҳисоблаш ва тасдиқлашни ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлашда юзага келадиган технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрларини ҳисоблаш ҳамда тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлашда юзага келадиган технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрларини ҳисоблаш;

ҳисоб-китобларни келишиш ва технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрларини тасдиқлаш;

ваколатли органлар ва уларнинг жавобгарлигини белгилаш;

технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрларига амал қилиниши юзасидан мониторинг қилиш ва тасдиқланган меъёрларни қайта кўриб чиқиш.

3. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси Адлия вазирлиги билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни уч ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров, энергетика вазири Ж.Т. Мирзамаҳмудов ҳамда Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги директори Ш.Х. Ходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 29 июль,
472-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 29 июлда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 29 июлдаги 472-сон қарорига
ИЛОВА

**Электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва
тақсимлашда юзага келадиган технологик сарфнинг
рухсат этилган меъёрларини ҳисоблаш ҳамда тасдиқлаш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлашдаги технологик сарфнинг (кейинги ўринларда — технологик сарф) рухсат этилган меъёрларини ҳисоблаш ҳамда тасдиқлаш тартиб-тамойилларини белгилайди.

2. Ушбу Низомга асосан белгиланган технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрларини ҳисоблаш методикаси (кейинги ўринларда — Методика) ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш операторларининг, шунингдек, истеъмолчиларнинг электр тармоғи хўжалиги объектлари учун татбиқ этилади.

3. Ушбу Низомга асосан:

технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрлари тегишлилиги бўйича электр тармоғининг эгаси, яъни электр станцияси оператори, узатиш тизими оператори ва тегишли ҳудудлар бўйича тақсимлаш тизими операторлари томонидан ҳисоб-китоб қилинади;

бирламчи маълумотлар Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг (кейинги ўринларда — Ўзэнергоинспекция) ҳудудий бошқармалари томонидан кўриб чиқилади ва келишилади;

ҳисоб-китоблар Энергетика вазирлиги томонидан кўриб чиқилади ҳамда келишилади;

келишилган технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрлари Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги (кейинги ўринларда — Энергетика бозори регулятори) томонидан тасдиқланади.

4. Электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлашдаги технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрини ҳисоблаш, келишиш ҳамда тасдиқлаш схемаси ушбу Низомга 1-иловага* мувофиқ амалга оширилади.

5. Ўзэнергоинспекция доимий равишда технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрларига риоя этилиши, ушбу меъёрларни ҳисоб-китоб қилишда фойдаланилган бирламчи маълумотларнинг ҳаққонийлиги ҳамда ҳисоб-китоблар ушбу Низомга мувофиқ амалга оширилгани юзасидан давлат назоратини олиб боради.

6. Технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрлари ҳар бир электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш тизимлари объектлари учун алоҳида кучланиш даражалари бўйича ҳисоб-китоб қилинади. Бунда:

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

юқори кучланиш — 110 kV ва ундан юқори (220 kV ва 500 kV кучланиш даражалари учун алоҳида) кучланиш даражаси;

ўрта кучланиш — 1 — 35 kV кучланиш даражаси;

паст кучланиш — 1 kV гача кучланиш даражаси.

7. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

куч трансформаторларидаги йўқотишлар — куч трансформаторида электр энергиясини трансформация қилиш жараёнида содир бўладиган физик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб юзага келадиган, трансформаторнинг конструкцияси, ишлаш шароити ва юклама режимларига боғлиқ бўлган электр энергияси йўқотишлари бўлиб, улар салт юриш йўқотишлари ва юклама йўқотишларидан ташкил топади;

салт юриш йўқотишлари — электр тармоқлари хўжалиги объектлари кучланиш берилган (тармоққа уланган), лекин юкламасиз ҳолатида (ҳеч қандай юклама уланмаган ҳолда) содир бўладиган электр энергияси йўқотишлари;

таянч давр — ҳисоб давридан аввалги мос давр (йил);

технологик сарф — электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнида иштирок этадиган электр тармоғи хўжалиги объектларида ускуналарнинг техник тавсифлари ва ишлаш режимларига боғлиқ ҳолда улардаги физик жараёнларга сарфланадиган техник йўқотишлар, ҳисобга олиш тизимининг рухсат этилган хатоликлари билан боғлиқ йўқотишлар ҳамда трансформатор ва (ёки) подстанцияларининг ўз эҳтиёжлари учун сарфлайдиган электр энергияси ҳажмининг йиғиндиси;

технологик сарфнинг рухсат этилган меъёри — технологик сарф учун белгиланадиган (рухсат этилган меъёр фоизларда ифодаланади) бўлиб, белгиланган ҳисобот давридаги технологик сарфнинг тармоқ орқали узатилган (ёки қабул қилинган) электр энергияси ҳажмига нисбатининг фоиздаги миқдори;

узоқ муддатли тартибга солиш даври — бир йилдан ортиқ муддатни ўз ичига олган, тегишли ривожлантириш дастурлари (стратегиялар, концепциялар) ишлаб чиқиладиган давр;

электр тармоғи хўжалиги объектлари — электр энергиясини узатиш ва етказиб бериш учун мўлжалланган электр тармоқлари (ҳаво ёки кабел тармоқлари), трансформатор подстанциялари, тақсимлаш пунктлари;

электр тожланиш — юқори кучланишли электр майдони таъсирида электр тармоқлари, изоляторлар, электродлар ва бошқа электр жиҳозлари атрофида газ (атрофдаги ҳаво ёки бошқа газ муҳити) ионланиши натижасида юзага келадиган электр разряди;

юклама йўқотишлари — электр тармоғи хўжалиги объектларида электр токи оқиши (юклама бўлганда) натижасида ўтказгичларнинг қаршилиги ва магнит майдон таъсири орқали юзага келадиган электр энергияси йўқотишлари;

ҳисоб даври — технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрлари ҳисобланадиган давр (келгуси календарь йил);

ҳисобга олиш тизимининг рухсат этилган хатоликлари билан

боғлиқ йўқотишлар — электр энергиясини ҳисобга олиш тизимига киририлган ўлчаш элементларининг (ток ва кучланиш трансформаторлари, ҳисоблагичлар ва бошқалар) техник хусусиятлари, аниқлик даражаси ва иш режимидан келиб чиқадиган электр энергияси йўқотишлари.

8. Электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлашда технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрларини ҳисоблаш ушбу Низомга 2-иловага* мувофиқ амалга оширилади.

Технологик сарфнинг тузилмаси ушбу Низомга 3-иловада*, тақсимлаш тизимлари учун технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрларини асословчи маълумотлар 4-иловада*, узатиш тизими учун технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрларини асословчи маълумотлар 5-иловада* келтирилган намунавий шаклларга мувофиқ тегишли тизим оператори томонидан шакллантирилади ва Энергетика вазирлигига тақдим этилади.

9. Технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрлари ҳисоб даври ёки узок муддатли тартибга солиш даври учун ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

2-боб. Технологик сарфнинг тузилмаси

10. Электр тармоғи хўжалиги объектларидаги технологик сарф қуйидагилардан иборат:

электр энергиясининг техник йўқотишлари;

электр энергиясининг ўз эҳтиёжлари учун сарфи;

ҳисобга олиш тизимининг рухсат этилган хатоликлари билан боғлиқ йўқотишлар.

11. Техник йўқотишлар Методикага асосан ҳисоб-китоб қилиниб, узатилаётган қувватга боғлиқ бўлмаган шартли-ўзгармас йўқотишлар (кейинги ўринларда — шартли-ўзгармас йўқотишлар) ҳамда узатилаётган қувватга боғлиқ бўлган юклама йўқотишларидан (кейинги ўринларда — юклама йўқотишлари) иборат бўлади:

а) шартли-ўзгармас йўқотишлар (салт ишлаш йўқотишлари) қуйидагиларни ўз ичига олади:

куч трансформаторларидаги йўқотишлар;

реактив қувват компенсацияси қурилмаларидаги йўқотишлар;

ўлчаш трансформаторлари ва юқори частотали алоқа восита (қурилма)ларидаги йўқотишлар;

кабель тармоқларининг изоляцияларидаги йўқотишлар;

электр тожланишидаги йўқотишлар;

электр тармоқлари изоляторларининг сиртларида электр токининг сизиб чиқиши (сирқиши) натижасида юзага келадиган йўқотишлар;

б) юклама йўқотишлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

ҳаво ва кабель тармоқларидаги йўқотишлар;

куч ва оширувчи трансформаторлардаги йўқотишлар;

ток ва кучланишни ўлчаш трансформаторларидаги йўқотишлар;

юқори частотали резисторлардаги йўқотишлар;

токни чекловчи реакторлардаги йўқотишлар;

* 2 — 5-илваладар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ўзгартиргич қурилмалардаги йўқотишлар;

реактив қувватни компенсацияловчи қурилмалардаги йўқотишлар.

12. Ўз эҳтиёжи учун электр энергияси истеъмоли электр тармоғи хўжалиги объектларининг тўғри ишлашини таъминловчи ва эксплуатация қилувчи ходимларнинг иш шароитларини таъминлаш учун сарфланадиган электр энергияси миқдори қуйидагилардан иборат:

куч трансформаторлари ва автотрансформаторларни совитиш учун электр энергияси сарфи;

подстанция биноларини ёритиш, иситиш, совитиш ва ҳаво алмаштириш ҳамда иссиқ ва (ёки) совуқ сув билан таъминлаш учун электр энергияси сарфи;

подстанция ҳудудини ёритиш учун электр энергияси сарфи;

аккумулятор батареяларини зарядловчи қурилмаларнинг эксплуатацияси билан боғлиқ бўлган қурилмаларнинг ишлашини таъминлаш учун электр энергияси сарфи;

подстанциялардаги операцион занжирлар ва бошқарув занжирларининг ишлашини таъминлаш учун электр энергияси сарфи;

комплект тақсимлаш қурилмалари ячейкаларида ҳамда ташқарида ўрнатилган реле ҳимояси шкафларида ҳаво алмаштириш, совитиш ва иситиш учун электр энергияси сарфи;

ўчиргичлар ва юритмалар бакларини иситиш учун электр энергияси сарфи;

ажраткичлар ва қисқа туташтиргичлар юритмаларини иситиш учун электр энергияси сарфи;

трансформаторлар ва мой бакларининг юклама остида кучланишни ростлаш ускуналарининг юритмаларини иситиш учун электр энергияси сарфи;

ажраткичларнинг юритмаларини иситиш учун электр энергияси сарфи;

алоқа каналлари, технологиялари орқали ҳисобга олиш маълумотларини йиғиш, қайта ишлаш, узатиш учун фойдаланиладиган электр энергиясини ҳисобга олишнинг иккиламчи занжирида иштирок этадиган ускуна ва воситаларнинг ишлаши, уларда ёритиш ва (ёки) иситиш, ҳаво алмаштириш, совитиш учун электр энергияси сарфи;

ўчиргичларни бошқариш шкафлари ва агрегатлар шкафларини иситиш учун электр энергияси сарфи;

компрессорларнинг ишлаши учун электр энергияси сарфи;

ҳаво йиғувчи қурилмаларни иситиш учун электр энергияси сарфи;

синхрон компенсаторлар ва бошқа ёрдамчи қурилмаларда электр энергияси истеъмоли;

эксплуатация жараёнида бажарилган таъмирлаш ишларида фойдаланилган электр энергияси истеъмоли;

турли насослар, дистилляторлар, кичик станоклар ва қурилмаларнинг электр энергияси истеъмоли;

диспетчерлик бошқаруви ва маълумотларни йиғиш дастурий-аппарат комплекси тизимида киритилган алоқа воситалари ва ускуналарининг электр энергияси истеъмоли.

Ўз эҳтиёжлари учун сарфланадиган электр энергияси миқдори номенклатурага асосан ва таянч давр маълумотларини инобатга олган ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

Ўз эҳтиёжлари номенклатураси ҳар бир электр тармоқлари ҳўжалиги объектлари учун ишлаб чиқилади ва тармоқнинг тегишли оператори томонидан тасдиқланади. Ўз эҳтиёжлари номенклатурасига ҳўжалик эҳтиёжлари учун электр энергиясини сарфлайдиган элементлар киритилиши тақиқланади.

Ўз эҳтиёжлари учун амалда сарфланган электр энергиясининг ҳажми ҳисобга олиш ускуналари кўрсаткичлари бўйича аниқланади. Ҳисобга олиш ускуналари мавжуд бўлмаган ёки ҳисобга олиш маълумотлари қайд этилмаган тақдирда, ўз эҳтиёжлари учун сарф номенклатура асосида ҳисобланади.

13. Ҳисобга олиш тизимининг рухсат этилган хатоликлари билан боғлиқ йўқотишлар технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрининг 5 фоизидан ошмаслиги керак.

Ҳисобга олиш тизимининг рухсат этилган хатоликлари билан боғлиқ йўқотишлар Методикага асосан ҳисоб-китоб қилинади.

3-боб. Бирламчи маълумотларни шакллантириш тартиби

14. Технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрини ҳисоб-китоб қилиш учун бирламчи маълумотлар (кейинги ўринларда — бирламчи маълумотлар) тегишлилиги бўйича электр тармоғи ҳўжалиги объектининг эгаси, яъни электр станцияси оператори, узатиш тизими оператори ёки тақсимлаш тизими операторлари томонидан ҳар бир объект учун тўлиқ ҳажмларда шакллантирилиши шарт.

Бирламчи маълумотлар таянч даври ва ҳисоб даври учун ва (ёки) тегишлилиги бўйича узоқ муддатли тартибга солиш даври учун шакллантирилади.

15. Бирламчи маълумотлар қуйидагилардан ташкил топади:

объект тўғрисида умумий маълумот;

электр энергиясининг баланс кўрсаткичлари (умумий, ҳудудлар ва кучланиш даражалари кесимида);

кучланиш даражалари бўйича электр энергияси балансининг тузилиши;

таянч давридаги электр энергияси оқимларининг тузилиши;

инвестиция ва ишлаб чиқариш дастурлари ҳамда электр энергиясини тежаш чора-тадбирларига мувофиқ трансформаторлар сонининг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда трансформаторлар сони, тури ва ўрнатилган қуввати;

инвестиция ва ишлаб чиқариш дастурлари ҳамда электр энергиясини тежаш чора-тадбирларига мувофиқ электр тармоқлари узунлигининг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда электр тармоқларининг турлари бўйича узунлиги;

реактив қувватни компенсацияловчи қурилмаларнинг сони, тури ва қуввати;

ҳаво ва кабель тармоқлари ва шиналарнинг узунлиги (занжирлар бўйича);

технологик сарфнинг тузилиши;

технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрларини тасдиқлаш учун асосий кўрсаткичларнинг динамикаси;

ўлчов трансформаторлари ва ҳисобга олиш тизимлари ҳақида маълумотлар.

16. Ҳисоб-китобларнинг аниқ ва батафсил бўлиши учун электр ускуна ва қурилмалари ишлаб чиқарувчиларининг (завод) маълумотлари ва услубий қўлланмаларидан фойдаланилади.

17. Ҳисоб даври учун технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрларини ҳисоблаш учун бирламчи маълумотлар ҳар йили 1 сентябрга қадар шакллантирилади ва Ўзэнергоинспекциянинг тегишли ҳудудий бошқармаларига келишиш учун киритилади.

Ўзэнергоинспекциянинг тегишли ҳудудий бошқармалари ҳар йили 10 сентябрга қадар бирламчи маълумотларни кўриб чиқади ва келишади.

18. Шакллантирилган бирламчи маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун электр тармоғи хўжалиги объекти эгаси (электр станцияси оператори, узатиш тизими оператори ва тақсимлаш тизими операторлари) жавобгар ҳисобланади.

4-боб. Технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрларини ҳисоблаш

19. Ҳисоб даври учун технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрларини ҳисоб-китоб қилишдан аввал ушбу давр учун технологик сарфнинг мутлақ (абсолют) ҳажми (kW.h) ҳисоблаб чиқилади.

Ҳисоб даври учун технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрларини ҳисоблашда электр тармоқларининг амалдаги юкланиши тўғрисида таянч даврдаги маълумотлар (электр энергияси оқими ва қуввати тақсимланиши схемасининг ўзгариши ҳақидаги маълумотлардан) ва ҳисоб даври учун электр энергияси балансининг прогноз маълумотларидан фойдаланилади.

20. Ҳисоб даври учун технологик сарф кучланиш даражаларига кўра электр тармоқлари бўйича, шунингдек, шартли-ўзгармас йўқотишлар, юклама йўқотишлари ҳамда ҳисобга олиш тизимининг рухсат этилган хатоликлар билан боғлиқ йўқотишлари бўйича алоҳида ва умумий шаклда ҳисоблаб чиқилади.

21. Шартли-ўзгармас йўқотишлар уларнинг таянч даврдаги ҳисоб-китоблари натижалари бўйича олиниб, ҳисоб даврида электр тармоғи хўжалиги объектлари таркибининг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда (агар ўзгарган бўлса) ўзгартиришлар киритилади.

22. Ҳисоб даври учун юклама йўқотишлари таянч даврдаги юклама йўқотишлари асосида, ҳисоб даврида электр тармоғи хўжалиги объектларининг, шу жумладан, тақсимлаш ва узатиш тизимларининг тузилмавий ўзгаришлари, таянч даврининг юклама йўқотишларини ҳисоблашда инobatга олинмаган электр тармоғи хўжалиги объектлари балансга қабул қилинган бўлса, ушбу объектларда ҳисоб даври учун электр энергиясининг юклама йўқотишлари кўшиб ҳисобланади.

23. Ҳисобга олиш тизимининг рухсат этилган хатоликлар билан боғлиқ

йўқотишлари электр энергиясини ҳисобга олишда иштирок этадиган барча ҳисобга олиш тизимлари маълумотлари асосида Методикага асосан ҳисоблаб чиқилади.

Ҳисобга олиш тизимига киритилган элементларнинг аниқлик синфи қонунчилик ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мос бўлиши шарт. Агар аниқлик синфи мос бўлмаса, ҳисоб-китоб учун аниқлик синфининг рухсат этилган энг паст чегараси қабул қилинади.

24. Таянч давр учун технологик сарф қуйидаги тартибда аниқланади:

кучланишнинг ҳар бир даражасида электр энергиясини тармоққа қабул қилиш, тармоқдан узатиш ва етказиб бериш (тақсимлаш) қийматларига кўра (қўшни кучланиш тармоғидан электр энергиясини қабул қилишни ҳисобга олган ҳолда);

умумий ва кучланиш даражалари бўйича электр энергиясининг шартли равишда доимий йўқотишлари, кучланиш даражаси бўйича электр энергиясининг юклама йўқотишлари, электр энергиясини ҳисобга олиш тизимининг рухсат этилган хатоликлари сабабли юзага келадиган электр энергиясининг йўқотишларини ҳисоблаш орқали.

25. Технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрлари ҳисоб даври ва узоқ муддатли тартибга солиш даври учун умумий ва кучланиш даражалари бўйича қуйидаги тартибда ҳисобланади:

а) ҳисоб даври учун ҳар йили 1 октябрга қадар:

тармоқ кучланишининг ҳар бир даражасида электр энергиясини тармоққа қабул қилиш, тармоқдан узатиш ва тармоққа етказиб беришнинг режалаштирилган (прогноз) қийматлари аниқланади;

ҳисоб даврида режалаштирилган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида электр ускуна (қурилма)лар таркибидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, электр энергиясини тежаш ҳамда инвестиция ва ишлаб чиқариш дастурларига мувофиқ тармоқларнинг электр схемалари шакллантирилади;

прогноз (кутилаётган) юкламалар таянч даврига нисбатан ҳисоб давридаги баланснинг таркибий қисмларининг ўзгаришининг прогноз динамикасини ҳисобга олган ҳолда ва (ёки) истеъмолчилар томонидан буюртма қилинган электр энергияси ҳажмини ҳисобга олган ҳолда аниқланади;

ҳисобга олиш тизимининг рухсат этилган хатоликларидан келиб чиқадиган технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрлари ҳисоб-китоб қилиниб, кучланиш даражалари бўйича тақсимланади.

б) узоқ муддатли ҳисоб даври учун ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш муддатларига мувофиқ равишда:

технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрлари узоқ муддатли тартибга солиш даврининг биринчи йилидаги рухсат этилган меъёрий сарфни ҳисоблаш натижалари асосида ҳар бир йил учун алоҳида белгиланади;

узоқ муддатли ҳисоб даврининг иккинчи ва кейинги йилларида технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрининг ҳисоб-китоби электр тармоғининг амалдаги юкламаларининг ўзгариши ҳамда тизимларни ривожлантириш режаларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

26. Ҳисоб-китоб натижалари технологик сарфни мониторинг ва таҳлил қилишдаги асословчи ҳужжатларнинг бир қисми сифатида тақдим этиб борилади.

27. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали узатиш ёки тақсимлаш тизими, субистеъмолчиларга узатилганда, истеъмолчи тармоқларидаги электр энергияси технологик сарфининг бир қисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий миқдорига нисбатан тегишли тизим операторининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси миқдорига мутаносиб равишда, унинг электр тармоқларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

Бунда истеъмолчи тармоғининг транзит узатишда қатнашган қисми бўйлаб электр энергиясини узатишдаги технологик сарфнинг ягона электр энергетикаси тизимига тегишли қисми Методикага асосан ҳисобланади ва тегишли тизим операторининг технологик йўқотишларининг мутлақ (абсолют) миқдорига қўшиб ҳисобланади.

5-боб. Ҳисоб-китобларни келишиш ва технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрларини тасдиқлаш

28. Технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрлари, унинг ҳисоб-китобларини амалга оширишда фойдаланилган бирламчи маълумотларнинг тўғрилиги ва ҳисоб-китоблар меъёрий ҳужжатлар талабларига асосан амалга оширилганини текшириш ва келишиш ҳамда электр энергияси ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш балансининг прогноз кўрсаткичларини шакллантириш учун ҳар йили 1 октябрга қадар Энергетика вазирлигига тақдим этилади. Бунда:

а) тақсимлаш тизими операторларининг ва электр станциялари операторларининг ҳисоб-китоблари тегишлилиги бўйича «Худудий электр тармоқлари» АЖ, «Иссиқлик электр станциялари» АЖ ва «Ўзбекгидроэнерго» АЖлар томонидан (хусусий электр энергетикаси корхоналари бундан мустасно) умумлаштирилган ҳолда Энергетика вазирлигига киритилади;

б) ҳисоб-китобларни тасдиқловчи ҳужжатлар келишиш ва тасдиқлаш учун электрон шаклда ва раҳбарият томонидан тасдиқланган шаклда қуйидагиларни ўз ичига олган (илова қилинган) ҳолда тақдим этилади:

тушунтириш хати;

ҳисоб-китобларни амалга оширишда фойдаланилган бирламчи маълумотлар;

амалга оширилган ҳисоб-китоблар (уларни дастурий таъминот ёрдамида таҳлил қилиш имконини берадиган даражада бўлиши лозим);

жадвал шаклидаги ҳисоб-китоблар (дастурий таъминот мавжуд бўлмаса);

ҳисоб-китоб натижалари киритилган ҳисоблаш схемалари (ҳар бир узеллар учун кучланиш даражалари бўйича ҳар бир участкадаги электр энергияси ва актив қувват оқимлари ҳақида);

ҳар бир ҳисоблаш схемасига ҳисоб-китоблар билан бирга алоҳида жадваллар;

ҳисоб ва таянч даврлари учун технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрларини ҳисоблаш натижалари;

ҳисоб даври учун технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрлари қий-матларини асословчи тушунтириш хати;

таянч ва ҳисоб даврлари учун электр энергиясининг баланси (прогнози) ва йўқотишлари тўғрисидаги маълумотлар;

бирламчи маълумотлар тўғрисида бухгалтерия ҳисоботи ва охирги марта амалга оширилган хатлов ҳисоботи (хатловдан сўнг фойдаланишга қабул қилинган ёки фойдаланишдан чиқарилган қурилма ёки ускуналар далолат-номаси);

ҳисоб-китобларда фойдаланиладиган ва электр энергияси сарфини ҳисоб-лашда қўлланадиган усулларга мос келадиган таянч даври параметрларининг ўлчаш натижалари (узатиладиган қувват, юкламалар, кучланиш даражаси, қувват коэффициентлари);

электр энергиясини тежаш дастури (чора-тадбирлари);

ривожлантириш (инвестиция) дастури (қисқа ёки узоқ муддатли ривож-лантириш стратегиялари);

ишлаб чиқариш дастури (электр энергиясини тежаш дастури ва инвести-ция дастури мавжуд бўлмаган тақдирда тақдим этилади).

29. Энергетика вазирлиги ҳар йили 1 ноябрга қадар технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрларини келишади ва тасдиқлаш учун Энергетика бозо-ри регуляторига киритади.

Келгуси йил учун электр энергияси ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш балансининг прогноз кўрсаткичлари ушбу ҳисоб-китоблар асосида шакллан-тирилади.

30. Технологик сарфни ҳисоблаш учун фойдаланилган дастурий таъми-нот ушбу Низомда белгиланган йўқотишларнинг рухсат этилган меъёрлари-ни ҳисоблаш усулларига мос келиши талаб этилади.

31. Қўшимча равишда тушунтириш хатида технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрларини ҳисоблаш учун фойдаланиладиган дастурлар (дастур номи, ишлаб чиқувчининг номи, ишлатилган версиянинг рақами ва ишлаб чиқилган йили) тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак.

32. Энергетика бозори регулятори томонидан ҳар йили 15 ноябрга қадар технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрлари тасдиқланади ҳамда Энер-гетика вазирлиги ва электр тармоғи хўжалиги объектлари эгаларига ижро учун, Ўзэнергоинспекцияга ушбу меъёрларга риоя этилиши устидан монито-ринг қилиш ва давлат назоратини амалга ошириш учун юборилади.

6-боб. Технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрига амал қилиниши юзасидан мониторинг (таҳлил) қилиш

33. Технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрларига риоя этилиши, тех-нологик сарфнинг рухсат этилган меъёрларини ҳисоб-китоб қилишда фойда-ланилган бирламчи маълумотлар ҳаққонийлиги ва ҳисоб-китобларнинг ушбу Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилгани юзасидан доимий равишда Ўзэнергоинспекция томонидан мониторинг (таҳ-

лил) қилиниб, қонунчиликка мувофиқ ўрганиш ва текширувлар ўтказиб борилади ва тегишли чоралар кўрилади.

Ҳисоб-китобларни тасдиқловчи ҳужжатлар технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрларига риоя этилишини мониторинг қилиш жараёнида электр тармоғи ҳўжалиги объектлари эгалари томонидан ваколатли республика ижро этувчи ҳокимияти органларига тақдим этилиши шарт.

34. Электр тармоғи ҳўжалиги объектлари эгалари технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрларига риоя этилиши ва унинг амалдаги ҳажмлари юзасидан ойлик ҳисоботларни шакллантиради ва Энергетика вазирлиги ҳамда Ўзэнергоинспекцияга киритиб боради.

Умумлаштирилган ойлик ҳисоботлар Энергетика вазирлиги томонидан Энергетика бозори регуляторига бозор муносабатлари, нархлар ва тарифларни тартибга солишда фойдаланиш учун киритилади.

35. Ҳар йили 15 январга қадар электр тармоғи ҳўжалиги объектлари эгалари томонидан йил якуни бўйича қўйидагиларни ўз ичига олган батафсил ҳисобот Энергетика вазирлигига тақдим этилади:

технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрлари ва унинг амалдаги ҳажмлари юзасидан ойлар кесимидаги маълумот;

амалдаги кўрсаткичларнинг рухсат этилган меъёрлардан ошгани ёки камайгани сабабларининг батафсил тавсифи;

кузатилган ҳодисалар (авариялар, узилишлар, об-ҳаво ва бошқалар);

электр тармоғи ҳўжалиги объектларининг эскириш даражалари.

36. Энергетика вазирлиги ва Ўзэнергоинспекция биргаликда ҳисобот йили якуни бўйича ягона электр энергетикаси тизими бўйича технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрларига риоя этилиши ҳамда таҳлили юзасидан йиллик умумлаштирилган ҳисоботни шакллантиради ва ҳар йили 30 январга қадар бозор муносабатлари, нархлар ва тарифларни тартибга солишда фойдаланиш учун Энергетика бозори регуляторига киритиб боради.

7-боб. Тасдиқланган технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрларини қайта кўриб чиқиш ва тузатишлар киритиш тартиби

37. Технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрларига риоя этилиши юзасидан ўтказилган мониторинг (таҳлил) натижалари ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари (амалдаги ёки прогноз кўрсаткичларининг) ўзгариши ҳамда иқлим шароитларидан келиб чиқиб, тасдиқланган технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрларини қайта кўриб чиқиш ва тузатишлар (корректировка) киритишга қўйидаги ҳолатларда рухсат этилади:

электр энергияси баланси кўрсаткичларининг прогноз ва (ёки) амалдаги кўрсаткичлари, шунингдек, тармоққа узатилган (қабул қилинган) электр энергияси ҳажми технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрларини ҳисоб-китоб қилишда фойдаланилган ҳажмидан 5 фоиздан кўпроққа фарқ қилса;

ускуна ва қурилмаларнинг ҳақиқий ҳажми (трансформаторларнинг умумий ўрнатилган қуввати (сони) ва электр тармоқларининг умумий узунлиги)

технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрларини ҳисоб-китоб қилишда фойдаланилган ҳажмидан 5 фоиздан кўпроққа фарқ қилса;

узоқ муддатли тартибга солиш даврида фойдаланилган электр энергияси баланси кўрсаткичлари ёки ускуна ва қурилмаларнинг ҳажми (трансформаторларнинг умумий ўрнатилган қуввати (сони) ва электр тармоқларининг умумий узунлиги) ривожлантириш дастурлари (стратегия ва концепциялар) асосида ёки уларнинг янгиланиши натижасида технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрларини ҳисоб-китоб қилишда фойдаланилган ҳажмлардан 5 фоиздан кўпроққа фарқ қилса;

электр узатиш тармоқлари хўжалиги объектларидаги ўтказгичларда (симлар), электр тожланиш ва ҳаво электр узатиш тармоқлари изоляторларидаги сизиб чиқиш (сирқиш) тоқлари натижасида ҳосил бўладиган технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрларини ҳисоблашда фойдаланилган об-ҳаво шароитларининг амалдаги кўрсаткичлардан кескин ўзгаргани кузатилгани тўғрисида Ўзгидромет агентлигининг асословчи ҳужжатлари мавжуд бўлса.

38. Технологик сарфнинг рухсат этилган меъёрларига қайта кўриб чиқиш ва тузатишлар (корректировка) киритишда ҳисоб-китобларни амалга ошириш, келишиш ва тасдиқлаш ушбу Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Қайта кўриб чиқиш ва тузатишлар киритиш электр тармоқлари хўжалиги объектлари эгаси, жумладан, узатиш ва тақсимлаш тизимлари операторларининг ташаббуси асосида камида ҳар чоракда бир марта амалга оширилади.

Қайта кўриб чиқиш ва тузатишлар киритиш учун асословчи маълумотлар ҳамда амалга оширилган ҳисоб-китоблар ҳар чоракдан кейинги ойнинг сўнгига қадар келишиш ва тасдиқлаш учун киритилади.

8-боб. Якунловчи қоидалар

39. Ушбу Низом талабларини ёки ўз мажбуриятларини бажармаслик билан боғлиқ низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

40. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

419 Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидаги дам олиш масканларига дам олувчиларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2024 йил 21 июндаги ПҚ–231-сон қарорига мувофиқ педагог кадрлар ҳамда иқтидорли ўқувчилар учун дам олиш масканлари фаолиятини ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 июндаги ПҚ–231-сон қарори билан тасдиқланган Мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари раҳбар, педагог ва мутахассис кадрларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастурида Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизими ходимлари, жумладан, педагог кадрлар ҳамда иқтидорли ўқувчилар учун дам олиш масканлари фаолиятини ташкил этиш белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидаги дам олиш масканларига дам олувчиларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

дам олиш масканларида дам олувчи илғор педагоглар ва иқтидорли ўқувчилар сонини шакллантириш ҳамда ушбу масканларга уларни қабул қилиш;

йўлланмалар бериш бўйича комиссиялар фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

илғор педагоглар ҳамда иқтидорли ўқувчиларни саралаб олиш мезонларини белгилаш;

иқтидорли ўқувчиларни дам олиш масканларига келиш ва кетишларини ташкил қилиш тартибини белгилаш.

3. Белгилансинки, дам олиш масканларини сақлаш харажатлари ўзини ўзи молиялаштириш тартибида Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизими ходимлари ва фуқароларга пулли хизмат кўрсатишдан тушадиган маблағлар ҳисобидан ҳамда давлат-хусусий шериклик шаклида хусусий секторни жалб қилган ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги икки ой муддатда:

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан биргаликда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидаги дам олиш масканларининг намунавий штатлар жадвалини ишлаб чиқиб, тасдиқласин;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 30 июлда эълон қилинган.

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси З.Б. Махкамова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 29 июль,
474-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 29 июлдаги 474-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими
вазирлиги тизимидаги дам олиш масканларига дам
олувчиларни қабул қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) тизими ходимлари, жумладан, педагог кадрлар ҳамда иқтидорли ўқувчилар учун дам олиш масканларига (кейинги ўринларда — масканлар) дам олувчиларни қабул қилиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланади:

асосий дам олувчилар — масканларда комиссиялар томонидан бериладиган йўлланмалар асосида дам оладиган Вазирлик тизими ходимлари, илғор педагоглар ҳамда давлат умумий ўрта таълим ташкилотларининг 7 — 14 ёшдаги иқтидорли ўқувчилари;

Вазирлик тизими ходимлари — Вазирликнинг марказий аппарати ходимлари, Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги, Вазирлик тизимидаги республика ташкилотлари ва муассасалари раҳбар ва ходимлари;

дам олиш хизматлари (кейинги ўринларда — хизматлар) — дам олиш масканида вақтинча яшаш учун жой бериш (жойлаштириш), овқатлантириш, маданий-кўнгилочар, саёҳат, спорт тадбирларини ташкил этиш, соғломлаштириш, даволаш-профилактика хизматлари мажмуи;

дам олувчилар — асосий дам олувчилар ва масканга дам олиш учун келган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари;

йўлланма — асосий дам олувчиларга масканларда бепул дам олиши учун бериладиган ҳужжат;

комиссиялар — илғор педагоглар ва иқтидорли ўқувчиларни саралаш

орқали асосий дам олувчиларни белгиловчи ва уларга йўлланмалар бериш бўйича доимий фаолият олиб боровчи тузилма;

пулли хизматлар — масканни моддий-техник жиҳатдан мустаҳкамлаш, бюджетдан ташқари маблағ топиш мақсадида дам олувчиларга кўрса-тиладиган хизматлар.

3. Масканларга йўлланмалар йил давомида берилиб, у ерда дам олиш 12 кунлик кун тартиби асосида Вазирлик тизими ходимлари ҳамда илғор педагоглар учун ҳар йили сентябрь — май ойларида, иқтидорли ўқувчилар учун ҳар йили июнь — август ойларида амалга оширилади.

4. Вазирлик тизими ходимлари, илғор педагоглар ҳамда иқтидорли ўқувчиларнинг дам олиши ушбу Низомга 1-иловага* мувофиқ Вазирлик тизимидаги дам олиш масканларида ташкил этилади.

5. Асосий дам олувчилар сонини шакллантириш ва йўлланмалар бериш ушбу Низомга 2-иловада* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Масканларнинг мақсади ва асосий вазифалари

6. Масканларнинг мақсади Вазирлик тизими ходимлари, жумладан, педагог кадрлар ҳамда иқтидорли ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг дам олиши учун шароитлар яратиш ҳисобланади.

7. Қуйидагилар масканларнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

дам олувчиларни жойлаштириш, саёҳатлар уюштириш ҳамда маънавий-маърифий, кўнгилочар, соғломлаштириш, спорт, ўқув ва илмий-тадқиқот йўналишларда турли хил тадбирлар ташкил этиш;

иқтидорли ўқувчиларнинг эҳтиёжлари ва қизиқишларига мувофиқ фан предметлари, туризм, спорт, техника, китобхонлик, маданият ва санъат йўналишларида қобилиятларини ривожлантириш, уларнинг фойдали дам олишини ташкил этиш;

иқтидорли ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш, ўз иқтидорларини намоён қилиш ва ўз устида ишлаш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиб бериш бўйича тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш.

3-боб. Масканларда асосий дам олувчилар сонини шакллантириш ҳамда масканларга уларни қабул қилиш

8. Туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари масканларда келгуси йил учун асосий дам олувчилар сонини шакллантириш мақсадида ҳар йили сентябрь ойида асосланган таклифларини тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бошқармаларига киритади.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бошқар-

* 1-2-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

малари туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари томонидан тақдим этилган масканларда келгуси йил учун асосий дам олувчилар сони тўғрисидаги таклифларини ўрганган ҳолда, ҳар йили октябрь ойида Вазирликка тақдим этади.

10. Масканларда келгуси йил учун асосий дам олувчилар сонини белгилаш мақсадида Вазирлик ҳар йили ноябрь ойида Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бошқармалари томонидан тақдим этилган таклифларни ўрганган ҳолда, келишиш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига киритади.

Келишилган таклифлар асосида масканларда келгуси йил учун асосий дам олувчилар сони Вазирлик томонидан ҳар йили декабрь ойида шакллантирилади ҳамда буйруқ асосида тасдиқланади.

Унда Вазирлик тизими ходимлари, илғор педагоглар ва иқтидорли ўқувчилар кесимида асосий дам олувчилар сони масканларнинг дам олиш, соғломлаштиришни ташкил этиш тажрибаси, инфратузилма объектларининг мавжудлиги, қуввати, ҳолати ҳамда маскан жойлашган ҳудуднинг географик шароитига кўра белгиланади.

11. Асосий дам олувчилар сонини белгилашда дам олувчиларнинг таътиллар, шунингдек, дам олиш, қўшимча дам олиш ва ишланмайдиган байрам кунлари ҳисобга олинади.

12. Масканда дам олувчилар паспорт (ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжатлар) ҳамда йўлланмани тақдим этганидан сўнг рўйхатга олинади ва жойлаштирилади.

13. Масканга дам олувчилар йўлланмада кўрсатилган саналарда жойлаштирилади.

4-боб. Комиссиялар фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш тартиби

14. Вазирлик томонидан ҳар бир ҳудудда масканларга Вазирлик тизими ходимларини, жумладан, педагог кадрлар ҳамда иқтидорли ўқувчиларни саралаш учун комиссиялар фаолияти ташкил этилади.

Бунда комиссия аъзолигига Қорақалпоғистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бошқармалари бошлиқлари, ҳудудий «Баркамол авлод» болалар мактаби директорлари, қасаба уюшмалари раислари, туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари бошлиқлари, ота-оналар аъзо сифатида киритилади.

15. Қорақалпоғистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бошқармалари бошлиқларининг буйруқлари асосида туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари бошлиқлари раҳбарлигида 7 нафар аъзодан иборат таркибда ишчи гуруҳлар (кейинги ўринларда — Ишчи гуруҳлар) тузилади.

16. Ишчи гуруҳлар саралаш мезонларига жавоб берадиган иқтидорли

ўқувчилар ҳужжатларини ҳар йили 1 мартга қадар, Вазирлик тизими ходимлари ҳамда педагог кадрлар ҳужжатларини ҳар йили 1 августга қадар комиссияларга ўрганиш учун тақдим этади.

17. Комиссиялар томонидан ўрганиб чиқилган ҳужжатлар бўйича иқтидорли ўқувчиларга ҳар йили 25 майга қадар, Вазирлик тизими ходимлари ҳамда педагог кадрлар учун ҳар йили сентябрь ойидан бошлаб ҳар ойнинг 5-санасида йўлланмалар бериб борилади.

18. Йўлланмалар саралаш мезонлари асосида тақсимланади. Тақсимлаш жараёнида белгиланган мезонлар бўйича энг юқори натижаларга эришган Вазирлик тизими ходимлари, жумладан, педагог кадрлар ҳамда иқтидорли ўқувчиларга кетма-кетлик асосида масканларга йўлланмалар берилади.

Жорий йил учун шакллантирилган асосий дам олувчилар сонидан йўлланмалар сони ортиқ бўлганда, комиссиялар мезонлар асосидаги натижалар кетма-кетлигига қатъий риоя қилган ҳолда, келгуси йилда дастлаб аввалги йилда дам олишга бормаган йўлланмалар эгаларини масканларда дам олишга йўналтирадилар.

19. Бир маротаба йўлланма тақдим этилган Вазирлик тизими ходимларига, жумладан, педагог кадрлар ҳамда иқтидорли ўқувчиларга кейинги асосий дам олувчилар сифатида масканларга йўлланмалар мезонлар асосидаги талаблар бўйича янгиланган кўрсаткичларга эришганда белгиланган тартибда комиссиялар томонидан берилади.

20. Вазирлик томонидан комиссияларнинг иш фаолияти мувофиқлаштирилади ҳамда улар томонидан олиб борилаётган ишлар юзасидан ҳисоботлар йилнинг ҳар чорагида эшитилади.

21. Йўлланма берилган Вазирлик тизими ходимлари, жумладан, педагог кадрлар ҳамда иқтидорли ўқувчилар ҳақидаги маълумотлар Вазирликнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

5-боб. Масканларга асосий дам олувчи иқтидорли ўқувчиларни саралаб олиш мезонлари

22. Комиссиялар томонидан масканларга 7 — 14 ёшли иқтидорли ўқувчилар қуйидаги мезонлар асосида танлаб олинади:

асосий олимпиаданинг учинчи ва тўртинчи босқичларида фанлар кесимида 1, 2, 3-ўринларни эгаллаган ўқувчилар;

минтақавий халқаро олимпиадалар ғолиблари;

нуфузли халқаро олимпиадаларда иштирок этган ўқувчилар;

халқаро танлов, фестиваль ва мусобақа ғолиблари;

республика даражасидаги ташкилотлар томонидан ташкил этилган турли кўрик-танловлар ва мусобақаларнинг республика босқичи ғолиблари.

23. Иқтидорли ўқувчиларни ёзги таътил даврида масканларда соғломлаштириш ва дам олишини мазмунли ташкил этиш Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 27 февралдаги 84-сон қарори билан тасдиқланган Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш концепцияси асосида ташкил этилади.

6-боб. Иқтидорли ўқувчиларни масканларга келиш ва кетишларини ташкил қилиш

24. Иқтидорли ўқувчиларнинг масканга келиш ва кетишларини ташкил қилиш учун тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бошқармалари бошлиғининг буйруғи билан икки нафардан масъул ходим (кузатувчи) тайинланади.

25. Масъул ходимлар (кузатувчилар) олий педагогик маълумотга ҳамда бирламчи шошинч тиббий ёрдам кўрсатиш кўникмаларига эга бўлган, юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни зудлик билан ҳал қила оладиган ходимлар орасидан танлаб олинади.

26. Масъул ходимлар (кузатувчилар) иқтидорли ўқувчиларни масканга қуйидаги ҳужжатлар билан бирга олиб бориши лозим:

тегишли ҳудуддан масканга қабул қилинадиган иқтидорли ўқувчилар рўйхати;

ҳар бир ўқувчи учун масканга кетаётган ўқувчининг тиббий маълумотномаси (079/х шакл);

комиссиялар томонидан асосий дам олувчилар учун берилган йўлланмалар.

27. Иқтидорли ўқувчиларни масканга қабул қилиб олиш ва уларни кузатишни ташкил қилиш учун маскан директори, директор ўринбосари, тиббиёт ходими ва икки нафар педагог ходимдан иборат таркибда Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар мактабгача ва мактаб таълими бошқармалари бошлиғининг буйруғи билан Масканнинг қабул ва кузатув комиссияси тузилади.

28. Масканнинг қабул ва кузатув комиссияси иқтидорли ўқувчиларни ушбу Низомнинг 26-бандида кўрсатилган ҳужжатлар асосида қабул қилади. Бунда масъул ходимлар (кузатувчилар) томонидан тақдим этилган тегишли ҳудуддан масканга қабул қилинадиган иқтидорли ўқувчилар рўйхати ва йўлланмаларнинг комиссияларнинг қарорига мувофиқлиги текширилади.

29. Масканга қабул қилиш вақтида ҳар бир иқтидорли ўқувчи тиббий текширувдан ўтказилади ҳамда уларнинг ҳар бири учун тиббий карта (026/х шакл) очилади ва дам олиш даврида юритилади.

7-боб. Масканларга асосий дам олувчи Вазирлик тизими ходимлари ҳамда илғор педагогларни саралаб олиш мезонлари

30. Комиссиялар томонидан дам олиш масканига асосий дам олувчи Вазирлик тизими ходимлари ҳамда илғор педагоглар қуйидаги мезонлар асосида танлаб олинади:

а) Вазирлик тизими ходимлари:

халқаро олимпиадалар ғолибларини тайёрлашда иштирок этган ходимлар;

тизимда фаолият юритаётган халқаро олимпиадалар ғолиблари;

хорижий тил ва STEAM фанларидан мутахассислиги бўйича халқаро сертификатларга эга ходимлар (TESOL Level 5, CEFR B2, IELTS 6 ва ундан юқори);

асосий олимпиадаларнинг республика босқичи ғолибларини тайёрлашда иштирок этган ходимлар;

б) илғор педагоглар:

халқаро олимпиадалар ғолибларини тайёрлаган ўқитувчилар;

ўқитувчи бўлиб фаолият юритаётган халқаро олимпиадалар ғолиблари;

хорижий тил ва STEAM фанларидан мутахассислиги бўйича халқаро сертификатларга эга ўқитувчилар (TESOL Level 5, CEFR B2, IELTS 6 ва ундан юқори, шунингдек, Вазирлик томонидан белгиланадиган бошқа сертификатлар);

асосий олимпиадаларнинг республика босқичи ғолибларини тайёрлаган ўқитувчилар;

республика босқичидаги кўрик-танловларда фахрли ўринларга эга бўлган ўқитувчилар;

олий ва биринчи малака тоифасига эга бошланғич синф ўқитувчилари, мактабгача таълим ташкилотлари педагоглари;

асосий олимпиадаларнинг вилоят босқичи ғолибларини тайёрлаган ўқитувчилар.

8-боб. Масканларни молиялаштириш ҳамда пулли хизматлар кўрсатиш

31. Масканларни сақлаш харажатлари ўзини ўзи молиялаштириш тартибида Вазирлик тизими ходимлари ва фуқароларга пулли хизмат кўрсатиш асосида тушадиган маблағлар ҳисобидан ҳамда давлат-хусусий шериклик шаклида хусусий секторни жалб қилган ҳолда амалга оширилади.

32. Масканлар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида вақтинча яшаш учун жой бериш (жойлаштириш), овқатлантириш, маданий-кўнгилочар, саёҳат, спорт тадбирларини ташкил этиш, соғломлаштириш, даволаш-профилактика хизматларини пулли асосда кўрсатиши мумкин.

33. Жой (хона) ва бошқа хизматлар нархи, улар нархига кирадиган ишлар ёки хизматлар рўйхати, шунингдек, тўловни амалга ошириш шакли ва тартиби дам олиш масканлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар мактабгача ва мактаб таълими бошқармалари билан келишган ҳолда Вазирлик томонидан белгиланади.

34. Масканларда дам олувчиларга хизматларни кўрсатиш тартиби Вазирлик томонидан белгиланади.

9-боб. Дам олиш жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

35. Масканга келган дам олувчилар ҳамда маскан ходимлари дам олиш жараёни иштирокчилари ҳисобланади.

36. Дам олувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:
масканнинг Устави, ички тартиб, одоб-ахлоқ, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари, таомнома билан танишиш;
масканнинг дам олиш хизматларидан фойдаланиш, сифатли дам олиш хизматларини кўрсатишни талаб қилиш;
масканнинг моддий-техник базасидан самарали фойдаланиш;
маскандаги шароит, овқатланиш, соғломлаштириш, тиббий хизмат ва ўқув жараёни масалаларида юзага келган муаммолар ҳамда инфратузилмани яхшилаш бўйича маскан раҳбариятига мурожаат қилиш (таклиф киритиш);
ўз хоҳишига кўра муддатидан олдин масканда дам олишни тугатиш.
Дам олувчилар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.
37. Дам олувчилар:
масканнинг Устави, ички тартиб, одоб-ахлоқ, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этиши;
маскан жамоаси шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиши;
табiiй ресурсларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиши;
масканнинг мол-мулкини, моддий ва маданий бойликларини асраши шарт.
Дам олувчиларга қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

10-боб. Якунловчи қоида

38. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

420 Географик объектларга доир айрим муносабатларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги ва «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ географик объектларни тизимлаштириш ҳамда кўча номи ва кўчмас мулк объекти рақами кўрсаткичларини ўрнатиш фаолиятини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қўйидагилар:

географик объектларни тизимлаштириш, шу жумладан, уларнинг коди, тури, қисқартмаси ва классификация кодини белгилашни назарда тутувчи Географик объектларнинг классификатори (кейинги ўринларда — Классификатор) 1-иловага* мувофиқ;

кўча номи ва кўчмас мулк объекти рақами кўрсаткичининг (кейинги ўринларда — кўрсаткич) шакли, ўлчамлари, ёзилиши ва унга доир техник шартларни назарда тутувчи Кўча номи ва кўчмас мулк объекти рақами кўрсаткичини ўрнатиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

Географик объектларнинг номлари давлат реестри (кейинги ўринларда — Реестр) Классификатор асосида юритилади;

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги 1010-сон қарори билан тасдиқланган Кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ кўрсаткичларда ёзиладиган кўча номи ва кўчмас мулк объекти рақами тўғрисидаги ахборотлар Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг (кейинги ўринларда — Кадастр агентлиги) Давлат кадастрлари палатаси туман (шаҳар)лар филиаллари томонидан тақдим этилади;

кўрсаткичларни тайёрлаш ва ўрнатиш билан боғлиқ харажатлар маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

янги қурилган, реконструкция қилинган ва таъмирланган кўчалар, уйлар, кўп квартирали турар жойлар учун кўрсаткичларни тайёрлаш ва ўрнатиш билан боғлиқ харажатлар қурилиш ташкилоти ёки объект эгасининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

3. Кадастр агентлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар 2025 йил 1 сентябрга қадар ўзининг идоравий тизимларида географик объектларнинг кодларини Классификаторга мувофиқлаштирсин.

4. Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги,

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 30 июлда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Транспорт вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Статистика агентлиги, «Ўзбек-гидроэнерго» АЖ, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ Кадастр агентлиги билан биргаликда:

2025 йил 1 октябрга қадар Классификатор асосида тегишлилиги бўйича табиий объектлар ҳамда транспорт ва муҳандислик-техника инфратузилмаси объектлари номларини хатловдан ўтказсин;

2026 йил 1 майга қадар белгиланган тартибда номланмаган ва давлат рўйхатидан ўтказилмаган географик объектлар номларини Ўзбекистон Республикасининг «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Қонунига (кейинги ўринларда — Қонун) мувофиқ Реестрга киритиш чораларини кўрсин.

5. Кадастр агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Классификаторга киритилган географик объектлар (табиий объектлар ҳамда транспорт ва муҳандислик-техника инфратузилмаси объектлари)га ном бериш ҳамда уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиб борсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари:

Кадастр агентлиги, Статистика агентлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси билан биргаликда 2026 йил 1 июлга қадар республикадаги барча кўчаларнинг номларини хатловдан ўтказсин ҳамда уларни Реестрга мувофиқлаштириш, янги ташкил этилган ва номланмаган кўчаларга ном бериш, шунингдек, Қонун талабларига зид бўлган номларни ўзгартириш чораларини кўрсин;

2028 йил 1 январга қадар Кадастр агентлигининг Кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона реестридаги ахборотлар асосида кўрсаткичлар ўрнатилишини таъминласин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги 1010-сон қарори билан тасдиқланган Кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга 3-иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

8. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 30 июль,
475-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 30 июлдаги 475-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Кўча номи ва кўчмас мулк объекти рақами кўрсаткичини
ўрнатиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги ва «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ кўча номи ва кўчмас мулк объекти рақами кўрсаткичларининг шакли, ўлчамлари ҳамда уларни тайёрлаш ва ўрнатиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

кўрсаткич — кўча номи ва кўчмас мулк объекти рақами ёзилган лавҳа;

кўча номи — давлат экспертизасидан ўтказилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашининг қарори билан тасдиқланган Географик объектлар номларининг давлат реестридаги номи;

кўчмас мулк объекти рақами — ер участкалари, бинолар ва иншоотлар, қурилиши тугалланмаган иморатлар, шу жумладан, қурилаётган, алоҳида ажратилган жойларга берилган манзил рақами;

кўча-йўл тармоғи элементлари — шоҳкўчалар, кўчалар, тор кўчалар, берк кўчалар, мавзелар, истироҳат боғлари, хиёбонлар, майдонлар.

3. Ушбу Низом йўл белгилари, реклама, товар ва хизматлар, шунингдек, юридик шахсларнинг индивидуаллаштириш воситаларини жойлаштиришга оид муносабатларига нисбатан татбиқ этилмайди.

4. Кўрсаткич давлат тилида (Қорақалпоғистон Республикасида ўзбек ва қорақалпоқ тилида) ёзилади.

2-боб. Кўрсаткичнинг шакли, ўлчамлари ва ёзилиши

5. Кўрсаткич кўчаларга ҳамда кўчмас мулк объектларига жойлаштириш учун мўлжалланган бўлиб, кўча йўл тармоғи элементларининг тоифаларига мувофиқ турли шаклда бўлади.

6. Кўрсаткичнинг намунавий шакллари ушбу Низомга 1-иловага* мувофиқ қуйидаги тоифаларга ажратилади:

1-тоифа — полиэтилентерефталат, полиэтилентерефталатгликол, полистирол ёки поликарбонат материалдан тайёрланган, ёритиш мосламали кўрсаткич;

2-тоифа — композит алюминий materialiдан тайёрланган, нур қайтарувчи қопламали кўрсаткич;

3-тоифа — композит алюминий materialiдан тайёрланган кўрсаткич.

Бунда, қоида тариқасида, 1-тоифа кўрсаткичлар шаҳар аҳамиятидаги ма-

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

гистрал кўчалар, 2-тоифа кўрсаткичлар туман аҳамиятидаги магистрал кўчалар ва 3-тоифа кўрсаткичлар эса маҳаллий аҳамиятга эга кўчаларда ўрнатилади.

7. Кўча-йўл тармоғи элементларининг, бино ва иншоотларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, кўрсаткич алоҳида-алоҳида ёки бино ва иншоотнинг архитектуравий кўринишидан, ҳудуднинг молиявий ҳолати, имкониятидан келиб чиқиб, белгиланган ўлчамлар доирасида битта кўрсаткичда кўча номи ва кўчмас мулк объекти рақами ёзилади.

Шаҳар муҳити элементларининг мақсади, анъанавий архитектура ва маданияти, шунингдек, жойнинг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда, «дизайн код» тасдиқланган ҳудудларда ушбу Низомда белгиланган кўрсаткичнинг шакли, ўлчами, ранги ва ёзилиш шакли ўзгартирилиши мумкин.

8. Кўрсаткичнинг ўлчамлари ушбу Низомга 2-иловага* мувофиқ белгиланади.

9. Кўрсаткичда кўчанинг номи қисқартирилишига йўл қўйилмайди.

10. Кўрсаткичдаги кўча номи ва кўчмас мулк объекти рақами Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси туман (шаҳар)лар филиаллари томонидан тақдим этилган ахборотлар асосида ёзилади.

11. Кўрсаткичда ёзиладиган кўча номи ва кўча-йўл тармоғи элементлари ҳамда кўчмас мулк объектларининг рақами «Arial» шрифтида, ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ 1-тоифадаги кўрсаткичда ҳошиядан 40 мм, 2 ва 3-тоифаларда эса 25 мм масофа оралиқда ёзилади.

3-боб. Кўрсаткичга доир техник шартлар

12. Кўрсаткичнинг асоси тўқ кўк рангда (СМҲК: 100 90 10 15) ва ундаги белги, чизиқ, асосий ҳамда қўшимча матнлар оқ рангда (СМҲК: 0 0 0 0) бўлади.

13. Ёритиладиган шаклдаги кўрсаткичлар ўрнатилган бинонинг электр тармоғи орқали ёритилиши таъминланади. Бунда электр энергияси билан боғлиқ харажатлар кўп квартирали турар жойларни бошқарувчи органлар (бевосита жойларнинг мулкдорлари, бошқарув компаниялари ёки ширкатлар)нинг маблағлари, шунингдек, юридик шахсларга тегишли биноларда эса балансда сақловчи ёки фойдаланувчи ташкилотнинг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

14. Кўрсаткич бевосита жойлаштирилган бинонинг электр манбаига уланади ҳамда уланиш манбаининг номинал қуввати 220В ± 10 фоиз ва частотаси 50 ± 0,2 Гс бўлган умумий тармоқдан электр токи олади.

4-боб. Кўрсаткични ўрнатиш тартиби

15. Кўрсаткич ушбу Низомга 3-иловага* мувофиқ параметрлар ва талаблар асосида ўрнатилади.

16. Кўрсаткичлар Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси

* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

туман (шаҳар)лар филиаллари ахборотлари асосида туман (шаҳар)лар ободонлаштириш бошқармалари томонидан тайёрланади ва ўрнатилади.

Кўрсаткични тайёрлаш ва ўрнатиш билан боғлиқ харажатлар маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

Янги қурилган, реконструкция қилинган ва таъмирланган кўчалар, уйлар, кўп квартирали турар жойлар учун кўрсаткичларни тайёрлаш ва ўрнатиш билан боғлиқ харажатлар қурилиш ташкилоти ёки объект эгасининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

17. Кўча-йўл тармоғи элементлари номи ўзгартирилган тақдирда, бу борада тегишли халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг қарори қабул қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида кўрсаткичлар алмаштирилади.

5-боб. Кўрсаткични сақлаш ва ундан фойдаланиш тартиби

18. Кўрсаткични сақлаш ва ундан фойдаланишда қуйидаги талаблар бажарилиши лозим:

кўрсаткичларнинг техник ҳолатини назорат қилиш;

кўча номи ва кўчмас мулк объекти рақами ўзгарган ёки яроқсиз ҳолга келган кўрсаткичларни ўз вақтида алмаштириш;

кўча-йўл тармоғи элементларини ҳамда бино ва иншоотларни таъмирлаш жараёнида кўрсаткичларга шикаст етказилишининг олдини олиш.

19. Кўрсаткични белгиланган талаблар асосида сақлаш ва ундан фойдаланиш учун кўчмас мулк объекти эгаси ёки ундан фойдаланувчи шахс масъул ҳисобланади.

6-боб. Якунловчи қоида

20. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 30 июлдаги 475-сон қарорига
3-ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги 1010-сон қарори билан тасдиқланган Кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 20¹-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«20¹. Қуйидагилар манзил элементларининг турлари ва қисқартмалари ҳисобланади:

уй (уй);
корпус (корп.);
блок (б.);
квартира (кв.);
хона (х.);
ертўла (й.);
мансарда (ман.).

Манзил тузилмаси ушбу Низомга 6-иловага ва ички манзил тузилмаси 7-иловага мувофиқ белгиланади.

Манзил Географик объектларнинг классификаторига мувофиқ маъмурий-ҳудудий бирлик номи, аҳоли пунктлари ва уларнинг таркибий қисми, шунингдек, манзил элементларининг турларидан иборат бўлади».

2. 5-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

421 Давлат харидларида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш ҳамда давлат харидлари электрон тизими операторлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тизимини такомиллаштириш ва унда кичик тадбиркорлик субъектлари иштирокини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 10 июлдаги ПҚ–249-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, давлат харидлари жараёни ва давлат харидлари электрон тизими операторлари фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ давлат харидларининг субъектларига давлат харидлари электрон тизимларида харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш талаб этилиши белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Давлат харидлари электрон тизими операторлари тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

давлат харидлари электрон тизимини ташкил этиш тартиби;

давлат харидлари субъектларини давлат харидлари электрон тизимида рўйхатдан ўтказиш қоидалари;

давлат харидлари электрон тизими операторлари (кейинги ўринларда — операторлар) томонидан қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлаш ва дастлабки кузатувдан ўтказиш.

3. Белгилансинки, 2025 йил 15 августдан бошлаб:

энг яхши таклифларни танлаш ва тендер натижалари бўйича шартномалар давлат харидларининг электрон тизимида автоматик тарзда шаклланади, жисмоний шахслар билан тузиладиган фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бундан мустасно;

давлат харидларида электрон рақамли имзоларидан фойдаланган ҳолда тўғридан-тўғри шартномалар электрон шаклда тузилади, хорижий етказиб берувчилар билан тузиладиган шартномалар бундан мустасно;

махсус ахборот порталида давлат харидларига оид шарҳлар, таклифлар ва шикоятларни қолдириш учун қайта алоқа тартиби жорий этилади;

жамоатчилик муҳокамасига жойлаштирилган баённомалар ва тузиладиган шартномалар юзасидан келиб тушган эътирозлар бўйича давлат буюртмачилари томонидан уларни кўриб чиқиш натижалари ҳақидаги маълумотлар (тегишли қарори) давлат харидлари соҳасида назорат қилувчи органлар учун очилган шахсий кабинетларда акс эттирилади.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 30 июлда эълон қилинган.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

давлат харидларини амалга оширишда харид қилиш ҳужжатларини ва техник топшириқларни, шартномалар, импорт контрактлари ва уларга қўшимча келишувлар лойиҳаларни комплекс экспертизадан ўтказмаслик мақсадида давлат харидлари ҳажмини қисмларга бўлиб ташлашга йўл қўйилмайди;

давлат харидларига оид харид қилиш ҳужжатларида иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш мезонларини қўллаш тартиби мажбурий кўрсатилади;

давлат буюртмачилари томонидан жамоатчилик муҳокамасида келиб тушган ҳар бир таклиф ва эътирозларнинг улар бўйича аниқ ва асослангандирилган изоҳларни кўрсатган ҳолда кўриб чиқилиши таъминланади;

бюджет тизими бюджетлари ҳисобидан мобил телефонлар ва алкоголь маҳсулотлари Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда харид қилинади;

операторлар томонидан амалда белгиланган харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш билан боғлиқ хизматлар учун воситачилик йиғими битимнинг ҳақиқий суммасидан 0,15 фоиздан ошмаган ҳолда, бироқ ушбу йиғимларнинг чегаравий миқдорлари давлат буюртмачилари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 фоизидан кўп бўлмаган ҳамда харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 14 бараваридан кўп бўлмаган миқдорларда ундирилади;

агар донор мамлакатларнинг, халқаро ташкилотларнинг, чет эл ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларининг тартиб-таомилларида ёки Ўзбекистон Республикасига тақдим этиладиган чет эл кредитларини ва грантларини, техник кўмакни ва бошқа ташқи беғараз кўмакни тақдим этиш шартларида товарларни (ишларни, хизматларни) харид қилишнинг бошқача тартиби белгиланганда, операторлар томонидан ўзларининг тизимларида ушбу тартиб бўйича харидларни амалга ошириш имконияти яратилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда:

а) давлат харидларига оид маълумотларнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида махсус ахборот порталида (кейинги ўринларда — Портал) қуйидаги қўшимча имкониятлар яратилишини таъминласин:

соҳалар (йўналишлар) ва ҳудудлар кесимида маълумотларни автоматик тарзда таҳлил қилиш ҳамда жамоатчилик томонидан улардан қулай фойдаланиш тизими (Business intelligence);

давлат харидлари жараёнида хавфни бошқаришнинг комплекс тизими (Risk management);

давлат буюртмачиларининг импорт қилиниши режалаштирилган маҳсулотларни очиқлаб бориш тизими;

«яшил» давлат харидларини амалга ошириш учун алоҳида модуль;

б) давлат харидлари соҳасида фойдаланиладиган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ягона миллий классификатори кодларига Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси (ТИФ ТН) ҳамда Маҳсулот ва хизмат

идентификация кодларини (МХИК) Порталда ўзаро мувофиқлаштириш имконини берувчи алоҳида модулни ишлаб чиқсин;

в) тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтказилишида уларни ихтиёрий равишда барча давлат харидлари электрон тизимларида бир вақтнинг ўзида рўйхатдан ўтказиш имкониятини яратсин;

д) давлат буюртмачилари ва иштирокчилар томонидан харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш ҳамда давлат харидларининг электрон тизимида тузилган битимларнинг бажарилишини таъминлаш учун ҳисоб-китоб-клиринг палатасига ўтказиладиган маблағлар хавфсизлигини кучайтириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2025 йил 1 октябрга қадар давлат харидлари тўғрисидаги шартномаларни бошқариш, шу жумладан, шартномавий интизомни мустаҳкамлаш, давлат харидлари соҳасида мониторинг ва назорат қилиш тизимини жорий этсин.

Бунда Порталда шартномалар ижроси модули яратилади ва унда қуйидагилар назарда тутилади:

шартномалар ижроси ҳамда улар тўғрисидаги маълумотларни реал вақт режимида очиқлаш;

давлат харидлари соҳасида электрон назорат тизимини жорий этиш;

шартномалар ижроси бўйича низони судгача ҳал қилиш (медиация тартиб-таомилини амалга ошириш, талабнома юбориш, башарти бу ушбу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса) ёки судга бевосита мурожаат қилиш;

жамоатчилик назоратини амалга оширувчи субъектлар томонидан текширув тадбирларини ўтказиш ташаббуси билан давлат органларига мурожаат қилиш;

давлат буюртмачиларининг ички аудит тузилмалари томонидан давлат харидлари бўйича мониторинг натижаларини жамоатчиликка кенг ёритиш.

7. Савдо-саноат палатаси соҳавий тармоқ уюшмалари ҳамда ишлаб чиқарувчилар билан биргаликда маҳаллий маҳсулотлар ва ишлаб чиқарувчилар реестри шакллантирилишида тегишли маълумотлар ва маҳсулотларнинг давлат харидларида узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш чораларини кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 2-иловага* мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат харидлари электрон тизими операторлари фаолиятини тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 31 декабрдаги 734-сон қарорининг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

публикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири
Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 30 июль,
476-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 30 июлдаги 476-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Давлат харидлари электрон тизими операторлари тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом давлат харидлари электрон тизимининг оператори фаолиятини ташкил этиш, давлат харидлари электрон тизимида маълумотларни алмашиш ҳамда давлат харидлари тўғрисидаги айрим ахборотларни модерациядан ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган (кейинги ўринларда — ваколатли орган) — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги;

давлат харидларининг электрон тизими — электрон давлат харидлари жараёнидаги харид қилиш тартиб-таомилларини амалга оширишда давлат харидларининг субъектлари ҳамкорлигини таъминлайдиган ташкилий, ахборотга оид ва техник ечимларнинг дастурий мажмуи;

давлат харидлари электрон тизимининг оператори (кейинги ўринларда — оператор) — давлат харидларининг субъектларига давлат харидларининг электрон тизимларида харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш билан боғлиқ хизматларни кўрсатадиган, давлат харидлари электрон тизими оператори фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномага эга юридик шахс;

махсус ахборот портали (кейинги ўринларда — Портал) — ваколатли орган томонидан юритиладиган, давлат харидлари амалга оширилиши тўғрисидаги эълонлар, давлат харидларининг якунлари, иштирокчиларнинг таклифлари ҳақидаги ахборотни ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ахборотни электрон шаклда кўздан кечиришни, шунингдек, амалга оширилган электрон давлат харидлари тўғрисида давлат харидлари электрон тизимларининг операторлари томонидан киритиладиган (юбориладиган) ахборотни тўплашни таъминловчи веб-сайт ва махсус электрон платформа;

модератор — давлат харидларининг электрон тизимида жойлаштирилган ахборотларни модерация (дастлабки кузатув) жараёнидан ўтказишга масъул бўлган шахс.

3. Давлат харидлари электрон тизими оператори фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 февралдаги 86-сон қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали рухсат этиш хусусиятига эга айрим ҳужжатларни бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ягона низомга мувофиқ берилади.

4. Ваколатли орган томонидан юбориладиган маълумотлардан оператор томонидан давлат харидлари электрон тизимида фақат уларнинг ўз функциялари, мажбуриятлари ва ҳуқуқлари доирасидаги вазифаларни амалга ошириш учун фойдаланилади.

5. Ваколатли орган:

давлат харидлари соҳасида, шу жумладан, тизимда амалга оширилаётган ўзгаришлар ҳақида операторни доимий равишда хабардор қилиб боради;

давлат харидлари соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш жараёнида оператор билан ҳамкорлик қилади;

оператордан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ давлат харидлари электрон тизимида қўшимча саҳифалар яратиш ҳамда жорий қилиш режалаштирилган янги тизимларнинг ишлашини синовдан ўтказишни талаб қилади;

молия йилида бир марта оператор фаолияти тўғрисидаги умумий маълумотларни Порталда эълон қилади.

2-боб. Операторнинг функциялари, мажбуриятлари ва ҳуқуқлари

6. Оператор қуйидаги функцияларни амалга оширади:

давлат харидларининг электрон тизимида давлат буюртмачиси томонидан давлат харидлари тўғрисидаги ахборот Портал орқали тегишли маълумот шакллангандан сўнг жойлаштирилишини таъминлайди, бунда оператор форс-мажор ҳолатлар (томонларнинг хоҳиш-иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик, сув тошқинлари ва бошқалар), фавқулодда ва кенг миқёсдаги кутилмаган авариялар, узилишлар сабабли юзага келган шароитларда тарафларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлар) натижасида юзага келган носозликлар оқибатлари учун жавобгар бўлмайди;

бюджет буюртмачилари томонидан амалга ошириладиган харидларда молиялаштириш миқдорлари мавжудлиги давлат молиясини бошқариш ахборот тизими орқали тасдиқланган тақдирда, савдоларни ўтказиши;

давлат харидлари электрон тизимини техник қўллаб-қувватлаш ишларини бажаради;

Порталга тақдим этиладиган давлат харидлари бўйича статистика маълумотлари шаклини ваколатли орган билан келишган ҳолда шакллантиради;

электрон тизимнинг узлуксиз ишлашини таъминлайди, фойдаланувчиларга техник ёрдам кўрсатади, дастурий таъминотни ишлаб чиқади, мунтазам равишда янгилайди ва такомиллаштириб боради;

давлат буюртмачилари ва иштирокчиларга давлат харидларида иштирок

этиш учун электрон тизимдан тўлиқ, ўз вақтида ва эркин фойдаланишни кафолатлайди;

барча юридик ва жисмоний шахсларга давлат харидлари тўғрисидаги ахборотдан қонунчиликда белгиланган тартибда тўлиқ, ўз вақтида, эркин ва бепул фойдаланишни кафолатлайди.

Оператор қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

7. Операторнинг мажбуриятлари:

шартноманинг бажарилиши тўғрисидаги ахборотларни, шу жумладан, шартнома учун ҳақ тўлаш, шартномада назарда тутилган мажбуриятларни электрон тизимда акс эттириш;

давлат буюртмачилари ва харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларига (кейинги ўринларда — иштирокчи) электрон давлат харидларида қатнашиш учун давлат харидлари электрон тизимидан бепул фойдаланишни таъминлаш;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ давлат харидлари электрон тизимидаги мавжуд ахборотдан жисмоний ва юридик шахсларнинг бепул ва эркин фойдаланишини таъминлаш;

давлат харидлари соҳасидаги ҳисоботни техник қўллаб-қувватлашни таъминлаш;

давлат харидларига тааллуқли ахборот давлат харидлари электрон тизимида жойлаштирилган вақтдан бошлаб қонунчиликда белгиланган муддат давомида, агар қонунчиликда давлат харидларига тааллуқли ахборотни сақлаш муддатлари кўрсатилмаган бўлса, унинг камида беш йил сақланишини таъминлаш;

давлат харидлари электрон тизими орқали тузилган шартномалар бўйича ҳужжатларни ва ахборотларни Шартномаларнинг ягона реестрига киритиш учун юбориш;

давлат харидлари билан боғлиқ, шу жумладан, давлат харидлари натижалари ҳақидаги барча ахборотни давлат харидлари электрон тизими орқали Порталга реал вақт режимида юбориш;

Портал ва Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри ўртасида реал вақт режимида маълумотлар алмашинувини таъминлаш, шунингдек, Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган инсофсиз ижрочи (иштирокчи)нинг белгиланган тартибда харид қилиш тартиб-таомилларида иштирокини чеклаш;

Портал ва ягона етказиб берувчилар реестри ўртасида реал вақт режимида маълумотлар алмашинувини таъминлаш;

давлат буюртмачилари амалга оширган давлат харидлари натижаларига кўра товарлар (ишлар, хизматлар), шу жумладан, уларнинг турлари кесимида шаклланган нархларни Порталга юбориш;

давлат харидлари электрон тизимининг узлуксиз ишлашини таъминлаш;

давлат харидлари электрон тизимини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги аппарат-техника воситаларига жойлаштириш;

давлат харидлари электрон тизимининг мобил иловасини ушбу тизим билан мос ҳолда юритиш;

хар йилга мўлжалланган ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган билан келишилган ҳолда тасдиқлаш;

ваколатли орган ҳамда бошқа вазирлик ва идораларнинг электрон тизимлари ўртасида ўзаро маълумот алмашинувини йўлга қўйиш орқали аффилланган шахсларни айти бир лотда иштирок этишдан четлатиш;

ғолиб аниқлангунга қадар давлат харидлари иштирокчилари ҳақидаги маълумотларни ошкор этмаслик;

хар йил якуни бўйича кейинги йилнинг 1 апрелига қадар давлат харидлари соҳасида «Энг фаол тадбиркор» ҳамда «Энг яхши буюртмачи» танловларини ўтказиб бориш;

энг яхши таклифларни танлаш (кейинги ўринларда — танлаш) ва тендер савдолари бўйича харид қилиш ҳужжатлари ва техник топшириқларни электрон шаклда ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш имкониятини яратиш;

ўзига нисбатан тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомили бошланган талабгорларни белгиланган тартибда харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатиш;

солиқлар ва бошқа мажбурий йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган талабгорларни белгиланган тартибда харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатиш;

давлат харидлари электрон тизимининг қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ ишлашини таъминлаш;

давлат харидлари соҳасида назоратни амалга оширувчи органларга реал вақт режимида мониторинг қилиш имкониятларини таъминлаш учун давлат харидлари тўғрисидаги ахборотларни (давлат харидларининг тугалланмаган савдо жараёнларини очиқламаган ҳолда) Портал орқали тақдим этиш;

харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг юрган таклифларини баҳолаш учун уларнинг солиқ ҳисоботлари, ишловчи ходимлари, асосий воситалари, махсус техникалари, мулки, лицензия, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлари ва хабарномалари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни Портал орқали тегишли вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилишни таъминлаш ва харид комиссиясига тақдим этиш;

операторнинг ҳисоб-китоб-клиринг палатасидаги давлат буюртмачилари ва харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг маблағларидан фойдаланмаслик, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Оператор қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам бажариши мумкин.

8. Оператор қўйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат харидлари электрон тизимида жойлаштирилаётган файлларга нисбатан технологик талаблар, шунингдек, ахборот хавфсизлиги бўйича талабларни белгилаш;

харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш билан боғлиқ хизматлар учун воситачилик йиғимининг амалда белгиланган энг юқори миқдоридан ошмаган ҳолда маблағ ундириш;

қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаган ҳолда, тизимдан фойдаланиш

самарадорлигини ошириш ва функционалликни кенгайтиришга қаратилган қўшимча хизматларни кўрсатиш;

давлат буюртмачилари ва иштирокчиларни жалб қилиш юзасидан реклама кампанияларини ўтказиш.

Оператор қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

3-боб. Давлат харидлари электрон тизимини ташкил этиш тартиби

1-§. Давлат харидлари электрон тизимини ташкил этишнинг умумий шартлари

9. Давлат харидлари электрон тизими фаолияти ваколатли орган томонидан тасдиқланган техник йўриқномада белгиланган талабларга мос равишда ташкил этилиши лозим.

10. Оператор фаолиятининг хусусияти ҳамда ҳажмини инобатга олган ҳолда, техник қуввати етарли бўлган функционал ускуналар (компьютер, коммуникация, маълумотларни сақлаш ва тўлов тизими ишлашини таъминлайдиган бошқа техник ускуналар) ва дастурий таъминот билан жиҳозланган бўлиши керак.

11. Оператор давлат харидлари электрон тизимини ташкил этишда унга жойлаштириладиган рақамли маълумотлар базаларининг захира нусхаларини шакллантириш учун техник воситаларга эга бўлиши, шу жумладан, рақамли маълумотлар базаларининг захира нусхаларини шакллантиришда шифрловчи, шунингдек, ахборотни ўзгартириш ёки бузиб кўрсатишнинг олдини оладиган тарзда сақлайдиган асбоб-ускуналар ва дастурий-техник воситалар билан таъминланган бўлиши, ушбу рақамли маълумотлар «Электрон ҳукумат» тизимининг маълумотларни қайта ишлаш марказида жойлаштирилиши керак.

12. Оператор томонидан ўз платформасига қонунчилик ҳужжатлари талабларидан келиб чиқиб, харид қилиш тартиб-таомиллари билан боғлиқ ҳар қандай ўзгартиришлар ваколатли орган билан келишилгандан сўнг киритилиши шарт.

Бунда харид қилиш тартиб-таомиллари билан боғлиқ ўзгартиришлар мазкур ўзгартиришларни белгиловчи қонунчилик ҳужжатларида бошқача муддат кўрсатилмаган бўлса, ваколатли орган томонидан белгилаган муддат давомида амалга оширилиши лозим.

2-§. Давлат харидлари электрон тизимида маълумотлар алмашинуви

13. Давлат харидлари электрон тизимида ахборот тизимлари ўртасида ахборот алмашинуви ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларига мувофиқ сертификатланган воситалардан фойдаланган ҳолда, химояланган алоқа каналлари орқали амалга оширилиши шарт.

Бунда давлат харидлари соҳасидаги назоратни амалга оширувчи органлар учун зарур ҳужжат ва маълумотларни қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Портал орқали оператордан масофавий талаб қилиб олиш механизми йўлга қўйилади.

14. Электрон тизимда барча турдаги маълумотлар алмашинуви формати ваколатли орган билан келишилган ҳолда белгиланади.

15. Ваколатли орган томонидан махсус ахборот порталида давлат харидлари соҳасидаги назорат органларининг сўровига асосан уларнинг масъул ходимлари учун шахсий кабинет очилади ва уларга давлат харидлари тўғрисидаги ахборотларни юклаб олиш имконияти яратилади.

16. Оператор давлат харидлари электрон тизими орқали давлат харидлари тўғрисидаги ахборотни, шу жумладан, савдолар якунлари бўйича барча маълумотларни, шунингдек, ҳисоб-китоб-клиринг палатасидаги маблағлар ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни (тугалланмаган савдо жараёнларидаги маблағлар ҳаракати маълумотлари бундан мустасно) махсус ахборот порталига ўз вақтида тўлиқ ва узлуксиз тақдим этиб бориши шарт.

17. Ваколатли орган Портал орқали ташқи ахборот тизимлари билан ўзаро маълумотлар алмашинувини йўлга қўйган ҳолларда, давлат харидлари электрон тизимига тегишли маълумотларнинг юборилишини таъминлайди.

18. Оператор ваколатли давлат органининг ахборот тизимида шакллантириладиган ва юритиладиган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) миллий классификаторидан ахборот тизимлари ўртасидаги ўзаро ахборот алмашинуви орқали фойдаланади.

3-§. Давлат харидлари электрон тизимида электрон давлат харидларини ташкил этишга доир талаблар

19. Оператор Порталда давлат харидлари тўғрисидаги ахборотни автоматик тарзда шакллантириш мақсадида реал вақт режимида ахборот алмашинувини таъминлайди.

20. Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган иштирокчиларнинг давлат харидларидаги иштироки давлат харидлари электрон тизими томонидан автоматик тарзда чекланади.

21. Давлат харидларида манфаатлар тўқнашуви ёки аффилланганлик эҳтимоли мавжуд ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар давлат харидлари соҳасидаги назоратни амалга оширувчи органларнинг махсус ахборот порталида очилган шахсий кабинетларига реал вақт режимида юборилади.

Бунда оператор манфаатлар тўқнашуви ёки аффилланганлик эҳтимоли мавжуд ҳолатлар тўғрисидаги, шунингдек, буюртмачи ва иштирокчилар ёки иштирокчилар билан иштирокчилар ўртасида ахборот технология воситаларидан фойдаланишда, ягона IP-адресдан маълумот киритилган ҳоллардаги харидлар реестрини автоматик тарзда шакллантиради.

22. Танлаш ёки тендер савдоларида иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш муддати тугаган пайтда фақат битта таклиф тақдим этилган ёки бирорта ҳам таклиф тақдим этилмаган бўлса, электрон тизим автоматик

равишда танлаш (тендер) ўтказилмаган деб ҳисоблайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Бунда икки босқичли танлаш (тендер)да танлаш (тендер)нинг биринчи босқичидан ўтган камида икки нафар иштирокчининг таклифлари мавжуд бўлмаган тақдирда, электрон тизим автоматик равишда мазкур танлаш (тендер) ўтказилмаган деб топади ва бу ҳақида буюртмачининг ҳузурида ташкил этилган харид комиссиясини хабардор қилади.

23. Давлат харидлари электрон тизимида шаклланадиган ва ваколатли органга тизим томонидан автоматик равишда юбориладиган барча файллар ҳақиқий ва ишончли саналади ҳамда операторнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган ҳисобланади.

Давлат харидлари электрон тизимида носозликлар юзага келган ҳолларда шаклланадиган маълумотлар бундан мустасно.

24. Давлат харидлари электрон тизимини юритиш учун масъул ходимлар доимий равишда мониторинг қилиб боради ҳамда юзага келадиган техник ва ташкилий муаммоларни тезкор ҳал қилиш чораларини кўради.

4-боб. Оператор томонидан давлат харидлари субъектларини давлат харидлари электрон тизимида рўйхатдан ўтказиш тартиби

25. Давлат харидлари субъектлари давлат харидлари электрон тизимида уларда электрон рақамли имзо (кейинги ўринларда — ЭРИ) мавжуд бўлган ҳолда рўйхатдан ўтказилади.

Чет эл жисмоний ва юридик шахслари давлат харидлари электрон тизимга қонунчиликда белгиланган тартибда киритилади.

26. Бюджет буюртмачилари давлат харидлари электрон тизимида автоматик режимда ваколатли орган ва оператор ўртасида маълумотлар алмашинуви орқали автомат тарзда бепул рўйхатдан ўтказилади.

27. Корпоратив буюртмачилар ва иштирокчилар давлат харидлари электрон тизимида улар томонидан электрон тизимдаги сўровномани тўлдириш орқали оператор томонидан бепул рўйхатдан ўтказилади.

Тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтказилаётганда, давлат харидларининг электрон тизимида рўйхатдан ўтиш истагини билдирган шахслар автоматик равишда давлат харидлари иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

28. Иштирокчилар Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуни 36-моддасида белгиланган мезонларга мувофиқ бўлганда, давлат харидларида иштирок этишига йўл қўйилади.

29. Солиқ органлари томонидан берилган ЭРИнинг мавжудлиги иштирокчини электрон шартнома тузиш ҳуқуқини белгилайди, чет эл жисмоний ва юридик шахслари билан шартнома тузиладиган ҳоллар бундан мустасно.

30. Давлат буюртмачиларининг харидларни амалга ошириш ва иштирокчиларнинг харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этиш жараёнлари уларнинг давлат харидлари электрон тизимида рўйхатга олинган пайтдан эътиборан амалга оширилади.

5-боб. Модераторга қўйиладиган талаблар ва модерациядан ўтказиш тартиби

1-§. Модераторга қўйиладиган талаблар

31. Модератор лавозимига олий маълумотга эга жисмоний шахс тайинланади.

32. Оператор ваколатли органни беш иш куни ичида модератор лавозимга тайинлангани тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади.

33. Модераторларга қуйидаги талаблар қўйилади:

давлат харидлари соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиши, етарли даражада касбий билимга эга бўлиши ҳамда касбий билим ва кўникмаларини модерация хизматларини кўрсатиш учун етарли даражада сақлаб туриши;

беғараз бўлиши, манфаатлар тўқнашуви ёки бошқа шахсларнинг босимларига қарамай ўзининг касбга оид фикр-мулоҳазасида қатъий тура олиши, операторнинг обрўсига салбий таъсир кўрсатадиган ҳолатларга йўл қўймаслиги;

коррупция ҳолатларига олиб келувчи ҳаракатлар содир этмаслиги;

давлат харидлари тўғрисидаги ахборотни жойлаштириш ва унга кириш, давлат харидларини амалга оширишда давлат харидлари соҳасида фойдаланиладиган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ягона миллий классификаторидан қўшимча равишда, қонунчиликда белгиланган ҳолларда ТИФ ТН кодларидан тўғри ва асосланган ҳолда фойдаланиши;

икки йилда бир марта Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджет ташкилотлари молия-ҳисоб бўлинмалари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув марказида ва давлат харидлари соҳасидаги назоратни амалга оширувчи бошқа органлар томонидан ташкил қилинган ўқув курсларида давлат харидлари соҳасида билимларини, касбий билим ва кўникмаларини бойитиш мақсадида малакасини ошириши.

Бунда модератор ушбу Низом талабларига риоя қилмагани аниқланганда, оператор томонидан меҳнат қонунчилигига мувофиқ эгаллаб турган лавозимидан озод қилинади ёхуд бошқа лавозимга ўтказилади.

2-§. Модераторнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

34. Модератор қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида дастлабки кузатувни амалга ошириш;

тизимга жойлаштирилган ҳамда давлат харидлари тўғрисидаги айрим ахборотларнинг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жойлаштирилганини модерациядан ўтказиш.

Модератор қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

35. Модераторнинг мажбуриятлари:

давлат буюртмачиси ёки иштирокчи томонидан киритилган давлат харидлари тўғрисидаги айрим ахборотларни модерациядан ўтказиш;

тизимга жойлаштирилган давлат харидлари тўғрисидаги айрим ахборотлар эълон қилинишини тасдиқлаш;

ахборотларда хато ва камчилик аниқланганда, уларни асослантирилган сабабларини кўрсатган ҳолда қайтариш;

давлат харидларига тааллуқли ахборотнинг бутлигини ва сир сақланишини таъминлаш;

харид қилиш тартиб-таомиллар амалга оширилишидан олдин иштирокчилар ва уларнинг таклифлари тўғрисидаги маълумотлар ошкор қилинишига йўл қўймаслик;

ўзининг шахсий кабинетига кириш паролнинг ҳар уч ойда камида бир марта ўзгартирилишини ҳамда ўзига берилган логин ва паролнинг махфий сақланишини таъминлаш;

одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш;

коррупция ҳолатларининг келиб чиқишига йўл қўймаслик;

шартнома асосида ёки бошқа манфаат эвазига буюртмачи ва иштирокчи номидан харид қилиш тартиб-таомилларда иштирок этмаслик;

ўз фаолиятини қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириш.

Модератор қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам бажариши мумкин.

36. Модератор:

иштирокчи, ижрочи сифатида давлат харидларида иштирок этишга, уларнинг аффилланган шахси бўлишга;

давлат харидлари тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишни асоссиз равишда чеклашга;

давлат харидлари субъектлари томонидан жойлаштириладиган ахборотларнинг мазмунини ўзгартиришга (тахрирлашга);

давлат буюртмачиси ёки иштирокчи томонидан киритилган ахборотларни асоссиз равишда модерациядан ўтказмасдан қайтаришга;

савдо натижаларига таъсир этиш мақсадида иштирокчилар билан тил бириктириш, коррупцияга йўл қўйиш каби ҳолатларни келтириб чиқаришга ҳақли эмас.

3-§. Давлат харидлари тўғрисидаги айрим ахборотларни модерациядан ўтказиш тартиби

37. Модератор ўз шахсий кабинетига ўзининг шахсий электрон рақамли имзоси ҳамда оператор томонидан белгиланган тартибда берилган индивидуал логин ва пароль орқали киради.

38. Модератор давлат харидлари тўғрисидаги айрим ахборотларни модерациядан ўтказиш жараёнида уларнинг давлат харидлари соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига ва ушбу Низом талабларига мувофиқлигини кўздан кечиради.

39. Модератор бир иш куни ичида давлат харидлари тўғрисидаги қуйидаги ахборотларни модерациядан ўтказди:

давлат буюртмачилари томонидан давлат харидларининг электрон тизимида давлат харидларининг режа-жадвалига мувофиқ эълон жойлаштирилганини;

иштирокчи ва давлат буюртмачиси томонидан харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш турларида белгиланган ахборотлар асосида жойлаштирилганини.

Модератор тизимга жойлаштирилган эълон ва офертадаги ахборотларда хато ва камчиликлар, шу жумладан, давлат харидлари амалга оширилиши тўғрисидаги эълоннинг матнига иштирокчилар ўртасида рақобатни чеклайдиган талаблар киритилганини аниқлаганда, маълумотлардаги камчиликларни бартараф этиш учун (асослантилган сабабларни кўрсатган ҳолда) давлат буюртмачиларига ёки иштирокчиларга бир иш куни ичида қайтарилишини таъминлайди.

40. Давлат буюртмачиси ёки иштирокчи беш иш куни ичида давлат харидлари тўғрисидаги маълумотларнинг камчиликларини тузатган ҳолда, қайта модерацияга тақдим этишлари мумкин.

41. Давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган ахборотлар модератор томонидан дастлабки кузатувдан ўтказилганидан сўнг тизимда эълон қилиниши мумкин.

42. Модераторга ваколатли органнинг операторга модерациядан ўтказиш юзасидан берилган кўрсатмасига мувофиқ қўшимча вазифалар юкланиши мумкин.

4-§. Модераторнинг жавобгарлиги

43. Модератор ушбу Низом талаблари ҳамда давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этмаган, шунингдек, белгиланган тартибда жойлаштирилган давлат харидлари тўғрисидаги ахборотларни қасддан модерациядан ўтказмаган ёки узрсиз сабабларга кўра ўтказиб юборганда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

44. Оператор ушбу Низом талабларига риоя этилишини назорат қилиш ҳамда модераторлар томонидан модерациядан ўтказилган ҳамда қайтарилган эълонлар ва оферталарни мониторинг қилиш мақсадида тегишли эълонлар ва оферталарни доимий ўрганиб бориши лозим.

45. Модератор оператор томонидан бериладиган топшириқ ва вазифаларнинг ўз вақтида бажарилиши учун жавобгардир.

46. Модератор давлат харидлари субъектларининг ушбу модераторга бериладиган электрон ҳужжатлари ва электрон хабарларининг, шу жумладан, бўлажак давлат харидлари тўғрисида тизимда жойлаштириладиган ахборотнинг мазмуни билан боғлиқ ҳуқуқий оқибатлар учун жавобгар бўлмайди.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

47. Оператор ушбу Низомни бузганлик учун қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

48. Давлат буюртмачилари ва иштирокчилар операторга тақдим этилган

маълумотларнинг ишончлилиги ва ўз вақтида тақдим этилиши учун жавоб берадилар.

49. Оператор давлат харидлари субъектларининг ушбу операторга бериладиган электрон ҳужжатлари ва электрон хабарларининг, шу жумладан, давлат харидлари тўғрисидаги ахборотнинг мазмуни билан боғлиқ ҳуқуқий оқибатлар учун жавобгар бўлмайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

422 Ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати бўлинмалари томонидан фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат хизматларини шартномавий-ҳуқуқий асосда кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида*

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ички ишлар органлари патруль-пост хизмати бўлинмаларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш учун электрон мурожаат қилиш ва хизмат кўрсатишни электрон шаклда амалга ошириш имконияти йўлга қўйилмаганлиги аҳолининг ортиқча оворагарчилигига сабаб бўлмоқда.

Ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати бўлинмалари томонидан фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида хизматлар кўрсатишни расмийлаштиришни рақамлаштириш орқали аҳолига қўшимча қулайлик яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгилансинки, 2025 йил 1 сентябрдан бошлаб:

фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги давлат хизматларини шартномавий-ҳуқуқий асосда кўрсатиш бўйича ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати бўлинмаларига Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) ҳамда Давлат хизматлари марказлари орқали мурожаат қилиш;

ички ишлар органлари патруль-пост хизмати бўлинмалари томонидан фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги давлат хизматларини Ички ишлар вазирлигининг «Е-патруль» тизими орқали кўрсатиш имконияти яратилади;

юрidik шахслар фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги давлат хизматларини шартномавий-ҳуқуқий асосда кўрсатиш бўйича ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати бўлинмаларига анъанавий (оғзаки ёки ёзма) тарзда мурожаат қилишлари мумкин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати бўлинмалари томонидан фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат хизматларини шартномавий-ҳуқуқий асосда кўрсатишнинг маъмурий регламенти 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 31 июлда эълон қилинган.

юридик шахслар томонидан фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги хизматларни кўрсатиш бўйича ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати бўлинмаларига мурожаат қилиш тартиби;

муурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ва уларни рад этиш асослари;

фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ташкил этиш тартиби.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

а) бир ой муддатда Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда шартномавий-ҳуқуқий асосда хизмат кўрсатиш юзасидан ЯИДХП ва Давлат хизматлари марказлари орқали электрон муурожаат қилиш учун зарур бўлган ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш чораларини кўрсин;

б) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

икки ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин;

ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири А.А. Ташпулатов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 30 июль,
477-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 30 июлдаги 477-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати
бўлинмалари томонидан фуқаролар гавжум бўладиган
жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини
таъминлаш бўйича давлат хизматларини шартномавий-
ҳуқуқий асосда кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1. Ушбу Регламент ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати бўлинмалари томонидан фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат хизматларини (кейинги ўринларда — давлат хизмати) шартномавий-ҳуқуқий асосда кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Регламент оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишга, шунингдек, йиғилишлар, митинглар, кўча намойишларига нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Ушбу Регламентда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланади:

ваколатли орган — ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати бўлинмалари;

фуқаролар гавжум бўладиган жойлар — бозорлар, йирик савдо, кўнгилочар, дам олиш мажмуалари ва марказлари ҳамда аҳоли кўп бўладиган бошқа жойлар;

талабгор — фуқаролар гавжум бўладиган жойларда фаолият юритувчи юридик шахслар;

шартнома — ваколатли орган томонидан фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида пулли хизматлар кўрсатиш бўйича талабгор билан тузиладиган ёзма шаклдаги келишув.

4. Фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги тадбирлар ваколатли орган томонидан ушбу жойларда фаолият кўрсатувчи талабгор билан тузиладиган шартномаларга мувофиқ амалга оширилади.

5. Талабгор фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги давлат хизматларини кўрсатиш учун ваколатли органга ушбу Регламентга 1-иловага* мувофиқ схема бўйича электрон мурожаат қилади.

**2-боб. Фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат
тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш
хизматларини кўрсатиш бўйича мурожаат қилиш тартиби**

6. Талабгор давлат хизматидан фойдаланиш учун ваколатли органга ёки

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Давлат хизматлари марказига бевосита ўзи келиб мурожаат этади ёхуд давлат хизматидан электрон шаклда фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтади.

7. Талабгор ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, ваколатли орган ёки Давлат хизматлари маркази ходими талабгор номидан, ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда эса мустақил равишда ушбу Регламентга 2-иловага* мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон шаклда тўлдиради.

Талабгордан бошқа маълумотларни талаб қилиш тақиқланади.

8. Сўровнома тўлдирилгандан сўнг талабгор маълумотларнинг тўғрилигини текширади ва имзоларни идентификация қилишнинг тегишли воситалари (электрон имзо) билан тасдиқлайди.

Талабгор ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда, сўровномани электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

9. Талабгор давлат хизматидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга. Талабгор давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг сўровномаси кўрилмасдан қолдирилади.

10. Талабгор Давлат хизматлари марказига келиб мурожаат қилганда, унинг сўровномаси Давлат хизматлари маркази ходими томонидан тўлдирилиб, талабгор томонидан тасдиқланганидан сўнг реал вақт режимида ваколатли органга электрон шаклда юборилади.

ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса сўровнома автоматик тарзда ваколатли органга электрон шаклда юборилади.

11. Талабгор томонидан фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги давлат хизматларини кўрсатиш бўйича ваколатли органга мурожаат юбориш ва уни кўриб чиқиш бепул амалга оширилади.

3-боб. Фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги давлат хизматларини кўрсатиш бўйича мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби

12. Сўровнома ваколатли органга келиб тушгандан сўнг ўн иш куни мобайнида кўриб чиқилади.

Мурожаатни кўриб чиқишда ваколатли орган ходими талабгор билан биргаликда фуқаролар гавжум бўладиган жойни кўздан кечирилади.

13. Фуқаролар гавжум бўладиган жойни кўздан кечириш натижаси бўйича далолатнома тузилиб, унда объект ҳудудининг чегараси, шахсий таркибнинг талаб этиладиган сони, хизмат хоналари, пост ва маршрутларнинг жойлашуви, жавобгарлик ҳудуди, ходимларнинг хизматни ўташ вақти ҳамда тартиблари белгиланади, шунингдек, шартнома лойиҳаси ишлаб чиқилади.

Кўздан кечириш далолатномаси ва шартнома лойиҳаси тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ишлар бошқармаларининг жамоат тартибини сақлаш бошқармасига юборилади.

14. Фуқаролар гавжум бўладиган жойнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, кўздан кечириш далолатномаси ва шартнома лойиҳасида ваколатли орган хизматини ташкил этишнинг алоҳида шартлари кўрсатилиши мумкин.

15. Юкланган вазифаларни бажариш учун ваколатли орган бўлинмаси шахсий таркибининг сони, пост ва патруль йўналишларининг жойлашуви, шунингдек, хизматни ўташ қоидалари Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланади.

16. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг жамоат тартибини сақлаш бошқармаси кўздан кечириш далолатномаси ва шартнома лойиҳасини кўриб чиқиш якунлари бўйича уларни беш иш кунидан кечиктирмаган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ёки вилоятлар ички ишлар бошқармалари раҳбариятига тақдим этади.

17. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ёки Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ёхуд вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг жамоат тартибини сақлаш бошқармаси томонидан кўздан кечириш далолатномасида объектлар чегарасини, ваколатли орган бўлинмасининг жавобгарлик зоналарини, пост ва патруль йўналишларининг жойлашуви, сони ҳамда кўрсатиладиган хизматлар смета қийматини белгилашда жиддий камчиликлар аниқланганда, туман (шаҳар) ички ишлар бошқармасига (бўлимига) мазкур камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш тартиблари кўрсатилган билдиришнома юборилади.

18. Шартнома лойиҳаси амалдаги қонунчиликка мувофиқ бўлган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармалари уч иш кунидан ошмаган муддатда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига талабгор билан шартнома тузиш ҳамда ваколатли орган бўлинмаси ходимлари учун қўшимча штат бирликлари ажратиш тўғрисида тақдимнома киритади.

19. Талабгор тегишлигига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ёки вилоятлар ички ишлар бошқармалари билан шартнома тузади.

20. Шартнома тузиш ва ваколатли орган бўлинмаси ходимлари учун қўшимча штат бирликлари ажратиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

21. Ваколатли орган зиммасига юкланган вазифаларни қўшимча штат бирликлари ажратилгандан сўнг амалга оширади.

22. Давлат хизматини кўрсатиш талабгор томонидан шартнома талаблари бажарилмаган ёки ваколатли орган зиммасига унинг хизмат вазифалари билан боғлиқ бўлмаган ишлар юкланган тақдирда рад этилади.

Давлат хизматини кўрсатишни бошқа асосларга кўра, шу жумладан, мақсадга мувофиқ эмаслик важи билан рад этишга йўл қўйилмайди.

4-боб. Фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ташкил этиш тартиби

23. Фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш хизматлари ваколатли орган бўлинмалари нарядларининг фаолиятини ташкил этиш орқали кўрсатилади.

24. Ваколатли орган бўлинмалари фаолиятини молиялаштириш ва уларни моддий-техник воситалар билан таъминлаш тузилаётган шартномалар бўйича тушадиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

25. Ваколатли орган бўлинмаси ходимларининг хизматни ўташ тартиби ва вақти, пост ва маршрутларнинг жойлашуви ҳамда жавобгарлик ҳудудлари туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими) бошлиғи томонидан талабгор билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

26. Фуқаролар гавжум бўладиган жой бир нечта туманлар (шаҳарлар) ҳудудида жойлашган тақдирда, ходимларнинг хизматни ўташ тартиби ва вақти, пост ва маршрутларнинг жойлашуви ҳамда жавобгарлик ҳудудлари Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ёки вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи томонидан тасдиқланади.

27. Ходимлар Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиқлари тақдимномасига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ёки Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ёхуд вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

28. Ваколатли орган бўлинмаларининг бошқарув аппарати ва командирлар таркибининг умумий сони (отряд, гуруҳ командирлари) шартномаларга асосан ажратилган штат бирликларининг тўрт фоизидан ошмаслиги лозим.

29. Ваколатли орган бўлинмаларининг амалдаги шартномалар асосида киритилган штат бирликлари белгиланган тартибда қисқартирилади.

30. Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати бўлинмалари томонидан шартнома асосида фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш хизматларини кўрсатиш тарифлари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигида ушбу тарифларни декларация қилиш (тасдиқлаш) орқали белгиланади.

31. Шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички

ишлар бошқармаларининг бюджетдан ташқари махсус ҳисобрақамларига ўтказилади.

32. Кўрсатиладиган хизматлар учун келиб тушадиган маблағлар ходимларга ойлик маош бериш, уларни моддий рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоя қилиш, ваколатли орган бўлинмаларининг моддий-техник базасини, жумладан, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш ва янгилаш учун сарфланади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

33. Талабгор ваколатли орган ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

34. Ушбу регламент талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 30 июлдаги 477-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган айрим қарорлари

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати бўлинмалари томонидан фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги хизматларни шартномавий-ҳуқуқий асосда амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2017 йил 9 октябрдаги 808-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимидаги таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 22 ноябрдаги 705-сон қарорига 3-иловининг 2-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида» 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ–682-сон Қонуни)» 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон қарорига илованинг 442-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

423 Тадбиркорлик субъектларига туташ ҳудудлардан мавсумий фойдаланишни ташкил этишни янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан тўртинчи очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 30 августдаги ПФ–132-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, умумий овқатланиш, савдо ва хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларига янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2025 йил 1 октябрдан бошлаб умумий овқатланиш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари учун ўзига тегишли бино ва иншоотларга ҳамда ер участкаларига туташ бўлган, давлат органлари ва ташкилотларига доимий фойдаланишга берилган аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ер участкаларидан (соғлиқни сақлаш, таълим ва мактабгача таълим ташкилотларига тегишли ер участкалари бундан мустасно) мавсумий умумий овқатланиш, савдо ва хизмат кўрсатиш фаолиятини (кейинги ўринларда — тижорат фаолияти) амалга ошириш учун ҳақ эвазига ижара ҳуқуқи асосида фойдаланиш тизими амалиётга жорий этилсин.

2. Умумий овқатланиш, савдо ва хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига тегишли бино ва иншоотларга ҳамда ер участкаларига туташ ҳудудлардан тижорат мақсадларида мавсумий фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда ўзига тегишли бўлмаган ер участкасида норасмий тарзда тижорат фаолиятини амалга ошираётган тадбиркорлик субъектларининг рўйхатини ва улар тўғрисидаги маълумотларни (жойлашган жойи, фаолият тури, эгалланган ер майдони) қуйидаги босқичларда хатловдан ўтказсин:

биринчи босқич — барча туман (шаҳар)лардаги марказий кўчаларда 2025 йил 1 сентябрга қадар;

иккинчи босқич — қолган кўчаларда 2025 йил 1 октябрга қадар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари манфаатдор давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда 2025 йил 1 октябрдан бошлаб хатлов натижасида аниқланган объектларнинг мазкур қарорда белгиланган тартибда қонуний фаолият юритиши ёки ҳудуднинг бўшатилишини таъминлаб борсин.

Бунда жойлаштириш схемасига мувофиқ бўлган тижорат фаолияти

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 31 июлда эълон қилинган.

объектлари «дизайн-код»га асосан лойиҳалар тасдиқлангунга қадар ушбу бандга кўра фаолияти қонунийлаштирилиб, ижара шартномаси тузилган объектларда тадбиркорлар томонидан ҳар қандай қўшимча қурилишлар, майдон, фасад ва мавжуд енгил конструкцияларнинг конструктив элементларини ўзгартиришга йўл қўйилмайди, шундай ишлар амалга оширилган тақдирда, туташ майдонда жойлашган объектлар белгиланган тартибда бузилади ҳамда янги шартнома тузилмайди.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) 2025 йил 1 октябрдан бошлаб, ҳар йили 1 январга қадар туман (шаҳар) қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги, кадастр, солиқ идоралари таклифлари асосида, туман (шаҳар) ҳокимларининг қарори билан келгуси йил учун туман (шаҳар) ҳудудидаги аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ер участкаларида тижорат фаолияти объектларини жойлаштириш схемаси тасдиқланади;

б) 2026 йил 1 февралга қадар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан тасдиқланадиган режа-графикка асосан қуйидаги органлар томонидан ўз ҳисобидан (ёки мазкур қарорга асосан қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги органларига тушадиган маблағлар ҳисобидан кейинчалик тўлаб бериш шарти билан) тижорат фаолияти объектларини кўча ва биноларга мос архитектура қиёфасида ҳамда аҳоли учун қулай ва хавфсиз қилиб лойиҳалаштиришга доир ягона талаб ва тавсиялар («дизайн-код») ишлаб чиқилиб, тасдиқланади:

худудий архитектура-шаҳарсозлик кенгашлари томонидан — Тошкент ва Нукус шаҳарлари ҳамда вилоятлар бўйсунувидаги шаҳарлар учун;

туман (шаҳар) қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари томонидан — бошқа аҳоли пунктлари учун;

в) кўчалар номи кўрсатилган ҳолда тижорат фаолияти объектларини жойлаштириш схемаси ҳамда «дизайн-код»лари маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги органларининг расмий веб-саҳифаларига жойлаштирилади;

г) тадбиркорларнинг мурожаатларига мувофиқ тижорат фаолияти объектларини жойлаштириш схемаларига туман (шаҳар) ҳокимлари қарорлари билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин;

д) ижара шартномалари доимий фойдаланишга берилган ер участкасини тадбиркорлик субъектига тижорат фаолиятини амалга ошириш учун ҳақ эвазига ижара ҳуқуқида фойдаланишга берувчи давлат органлари ва ташкилотлари (кейинги ўринларда — ижарага берувчи) ҳамда ўзига туташ ҳудудда тижорат фаолиятини амалга ошириш истагини билдирган тадбиркорлик субъекти (кейинги ўринларда — ижарага олувчи) ўртасида Солиқ қўмитасининг ижара шартномаларини ҳисобга олиш электрон тизими орқали расмийлаштирилади;

е) тижорат фаолиятини амалга ошириш мўлжалланган ер участкаси ажратилмаган ҳамда туман (шаҳар) ҳокимлиги захирасида бўлса, ушбу ер участкаси унда жойлашган объектларни (майдонлар, кўчалар, тор кўча-

лар, йўллар, дарахтзорлар, боғлар, сайилгоҳлар, хиёбонлар ва бошқалар) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қарори асосида давлат органлари ва ташкилотларига жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилади;

ж) ижара шартномасига асосан ижарага берувчи ижарага олувчига тегишли ҳудудга туташ бўлган ёки ундан 5 метрдан кўп бўлмаган масофадаги бўш майдонларни тижорат фаолиятини амалга ошириш учун аукцион савдоларисиз тўғридан-тўғри ижарага беради. Бунда ижарага бериладиган майдоннинг ён чегаралари умумий овқатланиш, савдо ва хизмат кўрсатиш объекти биносининг ёки унга ажратилган ер участкасининг бошланиш ва тугаш нуқтасидан бинодан (ер участкасидан) чиқиш йўналишидаги тўғри чизик бўйича аниқланади;

з) қоида тариқасида, ижара шартномаси бир календарь йил учун (келгуси йилларда мазкур қарорда белгиланган тартибда узайтириш ҳуқуқи билан) тузилади;

и) тижорат фаолияти учун ижара ҳуқуқи асосида фойдаланишга берилган ер участкаларининг ҳар бир квадрат метри учун шартнома муддатидан қатъи назар, ер солиғи ставкасининг уч бараваригача миқдорида ижара тўлови тўланади, бунда асос қилиб олинadиган ер солиғи суммаси Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига белгиланган оширувчи ва камайтирувчи коэффицентлари қўлланган ва солиқ имтиёзлари қўлланмаган ҳолда ҳисобланади;

к) ижара тўлови ҳар йилги ер солиғини тўлаш учун белгиланган муддатларда Ягона биллинг тизими орқали амалга оширилади, тушган тўловлар қуйидагича тақсимланади:

35 фоизи — ижарага берувчининг банк ҳисобварағига;

10 фоизи — ҳудудий солиқ бошқармасининг банк ҳисобварағига;

10 фоизи — Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармаларининг банк ҳисобварағига;

10 фоизи — Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармалари ҳамда Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармасининг банк ҳисобварағига;

0,5 фоизи — Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар — туман (шаҳар) маҳаллий бюджетига.

5. Белгилансинки:

а) ушбу қарорга асосан ер участкаларини тижорат фаолияти учун ижарага бериш ер участкаларини ажратиш (реализация қилиш) ҳисобланмайди, ер участкасида бино ва иншоотларни қуриш ёки кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳуқуқини бермайди;

б) ижарага берилган ер участкасидан бошқа мақсадларда фойдаланиш зарурати юзага келганда, ижарага берувчи ижара шартномасини бир томонлама бекор қилишга ҳақли, бунда ижарага олувчи бу тўғрисида ёзма равишда огоҳлантирилган кундан бошлаб ўн беш кун муддатда ер участкасини бўшатиши ва унинг устидаги ҳар қандай объектини кўчириши (бузиб олиши) лозим;

в) ижарага олувчи ушбу банднинг «б» кичик бандида белгиланган муддатда объектини кўчириш (бузиш) чораларини кўрмаган тақдирда, объектни бузиш ижарага берувчи томонидан амалга оширилади, бунда объектни бузиш билан боғлиқ харажатлар ижарага олувчидан суд орқали регресс тартибида ундирилади;

г) ижара шартномаси тарафлари шартноманинг амал қилиш муддати туғаш санасига қадар уни бекор қилиш юзасидан сабаблар мавжуд бўлмаган тақдирда, шартноманинг амал қилиш муддатини кейинги бир йиллик муддатга Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига мувофиқ узайтириш ҳуқуқига эга ҳисобланади;

д) ижарага олувчи томонидан ижара тўлови ўз вақтида тўланмаган, шартнома мажбуриятлари кўпол равишда бузилган ҳолатларда ижарага берувчи ижара шартномасини белгиланган тартибда бекор қилиш чораларини кўради;

е) мавжуд ва янги барпо этиладиган гастронимик ва туризм кўчаларида мулк эгаларига тегишли бино ва иншоотларга туташ ҳудудлардан ҳамда умумий фойдаланишдаги ер участкаларидан тижорат мақсадларида фойдаланиш тартиби Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри Кенгаши қарори билан тасдиқланади.

Бунда:

ер участкаларидан фойдаланганлик учун бозор тамойиллари асосида нарх белгилаш ва йиллик ижара ҳақини ҳар ойда тенг улушларда тўлаб бориш талабини назарда тутиш;

ҳудудларнинг намунали сақланишини таъминлаш мақсадида ижара тўловларининг тақсимотини белгилаш;

гастронимик ва туризм кўчаларида мавсумий талабларни ҳисобга олган ҳолда ободонлаштириш ҳамда санитария жиҳатдан тозалаш ишларини (су-пуриш, сув сепиш, чанг ва қордан тозалаш ва бошқалар) ташкил этиш учун эксплуатация тўловларини белгилаш ҳамда зарур ҳолларда уни ижара тўловларига қўшган ҳолда ундириш;

гастронимик ва туризм кўчаларида ҳар хил турдаги кўнгилочар тадбирларни ўтказиш учун бир марталик тўлов миқдорини ва уларни ўтказиш тартибини белгилаш инобатга олинади.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳар чорак якуни билан Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси 64-моддасига мувофиқ аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерларини, шу жумладан, тижорат фаолияти учун ижарага бериш мумкин бўлган ҳудудларни сақловчи ташкилотларга доимий фойда-

ланиш ҳуқуқи билан ажратиш бўйича ишлар ҳолати юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин.

Бунда ижарага берувчиларга ер участкаларини ўзларига жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратиш бўйича харажатларни мазкур қарорга асосан тушган маблағлар ва бошқа манбалар ҳисобидан бир йил ичида бўлиб тўлашга рухсат берилсин.

7. Ижарага олувчининг зиммасига қўйидаги мажбуриятлар юкланади:

вақтинчалик объектларни (қурилмаларни) тегишли ҳудуд учун белгиланган тартибда тасдиқланган «дизайн-код»га мувофиқ ўрнатиш (мослаштириш);

тегишли ер участкасида капитал қурилмалар (бино ва иншоотлар) қурмаслик;

муҳандислик-коммуникация тармоқлари муҳофаза зоналарига қўйилган талабларга қатъий риоя этиш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларига зарар етказмаслик;

ижарага берилган ер участкаси аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ер участкалари таркибига киришини инобатга олиб, ушбу ерлардан биринчи навбатда асосий фойдаланиш мақсадига кўра зарур шароит яратиш, шу жумладан, пиёдалар йўлакларида ҳаракатланиш учун ноқулайликлар яратмаслик, шунингдек, тезкор ва махсус хизматларнинг транспорт воситалари эркин ҳаракатланиши ва бошқа объектлар фаолиятига тўсқинлик қилмаслик;

тегишлича чакана савдо қоидалари ва умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ҳамда сотиш қоидаларида назарда тутилган талабларга риоя қилиш.

8. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда туташ ҳудудлардаги ер участкаларида объектлар қурилиши (ўрнатилиши) жараёнида қонунчиликка мувофиқ ер, кадастр ва қурилиш назоратини таъминласин.

9. Солиқ қўмитаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2025 йил 1 сентябрга қадар Солиқ қўмитасининг махсус автоматлаштирилган ахборот тизимида мазкур қарорда назарда тутилган ижара шартномаларини тузиш ва ҳисобга олиш имкониятини яратсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 августдаги 485-сон қарори билан тасдиқланган Умумий овқатланиш ташкилотлари мавсумий кафеларининг ишлаш тартиби тўғрисидаги низом 2025 йил 1 октябрдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ушбу қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда соҳага оид шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин.

12. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

публикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 31 июль,
478-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 31 июлдаги 478-сон қарорига
ИЛОВА

**Умумий овқатланиш, савдо ва хизмат кўрсатиш фаолияти
билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига тегишли
бино ва иншоотларга ҳамда ер участкаларига туташ
худудлардан тижорат мақсадларида мавсумий
фойдаланиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом худудларда умумий овқатланиш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига тегишли бино ва иншоотларга ҳамда ер участкаларига туташ худудларда мавсумий умумий овқатланиш, савдо ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш тартибини белгилайди.

Мазкур Низом кўп қаватли бинолардаги (ўйлардаги) нотурар жойларда тижорат фаолиятини амалга ошираётган тадбиркорлик субъектлари томонидан қўшимча енгил қурилмаларни қуриш билан боғлиқ муносабатларга ҳам татбиқ этилади.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланади:

аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари — аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжини қаноатлантириш ва дам олиши учун фойдаланиладиган (дарахтзорлар, боғлар, сайилгоҳлар, хиёбонлар, ариқ тармоқлари эгаллаган ерлар), шунингдек, майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўллар, суғориш тармоғи, соҳил бўйи ва шу каби ерлар;

ижарага берувчи — доимий фойдаланишга берилган ер участкасини ёки унинг бир қисмини тадбиркорлик субъектига мавсумий умумий овқатланиш, савдо ва хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш учун ҳақ эвазига шартнома асосида фойдаланишга берувчи давлат органлари ва ташкилотлари;

ижарага олувчи — давлат органлари ва ташкилотларига доимий фойдаланишга берилган ер участкасига туташ худуддаги тегишли ер участкаси ҳамда жойлашган кўчмас мулк объектида мавсумий умумий

овқатланиш, савдо ва хизмат кўрсатиш фаолиятини олиб боровчи тадбиркорлик субъекти;

махсус автоматлаштирилган ахборот тизими — Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитасининг ижара шартномасини ҳисобга олиш электрон тизими;

тижорат фаолияти объектлари — тижорат фаолиятини амалга ошириш ва (ёки) уни амалга ошириш учун мўлжалланган, вақтинчалик асосда жойлаштирилган ва (ёки) мавсумий хусусиятига эга бўлган тижорат фаолияти объектлари;

тижорат фаолияти — тижорат фаолияти жойида тижорат фаолияти объектларидан фойдаланган ҳолда турғун савдо шохобчалари жойлашган жойдан ташқарида мавсумий умумий овқатланиш, савдо ва хизмат кўрсатиш мақсадларида амалга ошириладиган фаолият турлари;

туташ ҳудуд — мавсумий умумий овқатланиш, савдо ва хизмат кўрсатиш фаолиятини олиб боровчи тадбиркорлик субъекти ҳудудига туташ бўлган ёки ундан 5 метрдан кўп бўлмаган масофада жойлашган, мавсумий умумий овқатланиш, савдо ва хизмат кўрсатиш мақсадларида фаолият юритиш мумкин бўлган ер участкаси;

туташ ҳудуд чегараси — ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни бирламчи (қайта) давлат рўйхатидан ўтказишда ер участкаси ва унинг чегараларига оид маълумотлар Давлат кадастрлари ягона тизимида акс эттирилгандан ташқари туташ ер участкасининг бошланиши.

3. Ушбу Низом талаблари қуйидагиларга нисбатан татбиқ этилмайди:

байрам кунлари ва байрамолди кунларда савдо хизмати кўрсатиш юзасидан юридик шахслар билан тузилган шартномалар асосида ташкил этилган тижорат фаолиятларига;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида ташкил этилган кўргазма ва ярмарка савдоларига;

бозорлар ва савдо мажмуалари ҳудудларидаги тижорат фаолиятига;

давлат мулкни ижарага бериш билан боғлиқ муносабатларга;

амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолатларга.

4. Туташ ҳудудларда ушбу Низомда белгиланган тартибда ижара шартномаси тузмаган ҳолда тижорат фаолиятини амалга оширишга йўл қўйилмайди, мазкур ҳолат қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка асос бўлади.

5. Аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерларидан мавсумий умумий овқатланиш, савдо ва хизмат кўрсатиш фаолиятини ташкил қилиш ушбу Низомга иловадаги* схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Тижорат фаолиятини амалга ошириш талаблари ва шартлари

6. Ижарага оловчи туташ ҳудуддаги ер участкасидан ижара ҳуқуқида вақтинча фойдаланиш мақсадида ижара шартномаси тузиш бўйича ижарага берувчига ёзма ёки электрон шаклда ариза билан мурожаат қилади.

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Бунда аризага қуйидаги ҳужжатлар (маълумотлар) илова қилинади:
ўзига тегишли бино ва иншоотларга ва (ёки) ер участкасига туташ ҳудуднинг тавсифи ҳамда жойлашган манзили;

умумий ва фойдаланишга бериладиган майдони, қурилган йили (мавжуд бўлса);

объектнинг коммуникациялар (ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси ва оқова сув тармоғи) билан таъминлангани тўғрисида маълумот;

фойдаланишга бериладиган майдони;

объектнинг тўрт тарафдан кўриниши фотосуратлари;

объектдан фойдаланиш мақсади (амалга ошириладиган фаолият тури);

объектни ижарага олишнинг бошқа шартлари (мавжуд бўлса).

7. Ижарага берувчи туташ ҳудуддан вақтинча фойдаланишга ижара шартномасини тузиш бўйича мурожаат келиб тушган кундан бошлаб беш иш кuni ичида туташ ҳудуддан вақтинча фойдаланиш бўйича махсус автоматлаштирилган ахборот тизими орқали ижара шартномасини тузади ёки асослантирилган ҳолда рад жавобини беради.

8. Ижарага олувчининг аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар (маълумотлар) тўлиқ эмаслиги аниқланса, ушбу ҳужжатлар мурожаат қилувчига камчиликларни бартараф этиш учун қайтарилади.

9. Ижарага олувчининг аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар (маълумотлар) қайтарилишининг аниқ сабаблари кўрсатилган ёзма ёки электрон шаклдаги хабарнома мурожаат қилувчига уч иш кuni ичида юборилади.

Бунда ижарага берувчининг кўрсатмасига асосан Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бўлинмалари томонидан беш иш кuni ичида туташ ҳудуд майдони бўйича ўлчов ишлари амалга оширилади (чегара чизмаси) ҳамда тегишли далолатнома тузилади ва ижарага берувчига тақдим этилади.

10. Қуйидагилар ижарага олувчининг аризасини рад қилиш учун асос ҳисобланади:

тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжудлиги;

ижарага олувчи томонидан ушбу Низом талабларига мос бўлмаган ҳудуддан вақтинча фойдаланиш бўйича ижара шартномасини тузиш бўйича мурожаат қилиниши. Бунда ижарага бериладиган майдоннинг ён чегаралари савдо ва хизмат кўрсатиш объекти биносининг бошланиш ва тугаш нуқтасидан бинодан чиқиш йўналишидаги тўғри чизиқ бўйича аниқланади;

ушбу Низомнинг 17-бандида назарда тутилган ҳудудларда фаолият юриш бўйича мурожаат қилинганда.

Ижарага олувчининг аризасини бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

11. Ҳужжатлари қайтарилган ижарага олувчи рад этиш учун сабаб бўлган камчиликларни бартараф этгандан сўнг ушбу Низомда белгиланган тартибда ижарага берувчига етти иш кунидан кўп бўлмаган муддатда қайта мурожаат қилишга ҳақли.

12. Туташ ҳудуддан вақтинча фойдаланиш бўйича ижара шартномасида қуйидагилар кўрсатилади:

туташ ҳудуддан вақтинча фойдаланиш ҳудудининг жойлашган жойи, тури ва таркиби;

вақтинча ижара тўловини тўлаш тартиби ва муддатлари;

вақтинча ижара тўлови миқдорини қайта кўриб чиқиш асослари ва тартиби;

ижарага берилаётган туташ ҳудуднинг ҳолати;

шартнома шартлари, шу жумладан, ижара тўловларини тўлаш муддатларининг бузилиши оқибатлари;

тегишли ер участкасида капитал қурилма (бино ва иншоотлар) қурмаслик;

томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги.

13. Туташ ҳудуддан вақтинча фойдаланиш бўйича ижара шартномаси ижарага берувчи томонидан рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб тузилган ҳисобланади.

14. Туташ ҳудуддан вақтинча фойдаланиш бўйича ижара шартномаси амал қилиш муддати даврида ижарага олувчига ижара объектдан фойдаланишига ва унда фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилиш тақиқланади (форс-мажор ва қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно).

15. Ижарага олувчи коммунал хизматлар, электр энергияси, сув, газ истеъмоли ва иссиқлик таъминоти учун ижара шартномаси асосида етказиб берувчи ташкилотлар билан қўшимча келишув тузади.

16. Қўйидагилар туташ ҳудудда тижорат объектининг ихтисослашув турлари ҳисобланади:

а) умумий овқатланиш фаолияти:

мавсумий кафе;

кичик ошхона;

б) қўйидаги маҳсулотлар савдоси:

нон ва нон маҳсулотлари, қандолат маҳсулотлари;

ғўшт ва ғўшт маҳсулотлари;

сут ва сут маҳсулотлари;

мева-сабзавотлар ва полиз экинлари, шунингдек, қуруқ мевалар, писта ва ёнғоқлар;

музқаймоқ ва алкогольсиз ичимликлар;

бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари;

нашриёт маҳсулотлари;

гуллар;

халқ бадийи ва амалий санъати буюмлари;

хунармандчилик маҳсулотлари, сувенирлар, кийим-кечак, пойабзал ва енгил саноат буюмлари;

ноозиқ-овқат маҳсулотлари;

етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини енгил конструкцияли кўчма музлаткичларда сақлаш ва сотиш;

в) қўйидаги хизматлар:

енгил транспорт воситаларини (енгил автомобиль, велосипед, самокат, скутер ва бошқалар) ижарага бериш ва таъмирлаш хизматлари;

электромобилларни зарядлаш;
сартарошлик хизматлари;
косметолог хизматлари;
пойабзал таъмирлаш хизмати;
маиший техника воситаларини таъмирлаш хизмати;
калит ясаш хизмати.

Тадбиркорлик субъектлари ижарага олинган туташ ҳудудда тижорат фаолияти объектининг ихтисослашувига кўра фаолият турларининг бир нечтаси билан шуғулланиши мумкин.

Бунда ушбу фаолият қонунчиликда назарда тутилган савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига амал қилган ҳамда штрих-кодлар ва рақамли маркировка кодларини тўғри ўқишни ва аниқлашни таъминловчи махсус қурилмалардан (2D сканерлар), онлайн назорат-касса техникалари ёки виртуал кассаларидан ҳамда ҳисоб-китоб терминалидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

17. Қуйидаги туташ ҳудудларда тижорат фаолияти объектларининг жойлаштирилишига йўл қўйилмайди:

маданий мерос объектлари ва қўриқланадиган табиий ҳудудлар фасади олдида;

бино ва иншоотларнинг ёнғинга қарши оралиқларида;
муҳандислик коммуникацияларига зарар етказадиган (ҳимоя) зоналарда;
чорраҳаларга 15 метрдан яқинроқ жойларда;
пиёдалар ўтиш жойларида;
велосипед йўлакларида;
йўл қатнов қисмининг хавфли бурилишларида;

лоақал бир йўналишдаги кўриниш масофаси юз метрдан кам бўлган йўл дўнгликлари яқинида;

қатнов қисмининг кесишмаларида ва кесишаётган қатнов қисми четига ўн беш метрдан кам масофада (уч томонлама кесишмаларда (чорраҳаларда) ёндан туташган йўлнинг сидирға чизиқ ёки ажратувчи бўлак билан ажратилган қарама-қарши томони бундан мустасно);

транспорт воситаси светофор ишоралари, йўл белгиларини бошқа транспорт воситаларининг ҳайдовчиларидан тўсиб қўядиган, бошқа ҳаракатланишига (кириш ва чиқишига) имкон қолдирмайдиган ёки пиёдаларнинг ҳаракатига ҳалақит берадиган жойларда;

«тўхташ тақиқланади» йўл белгиси ёки «тўхташ тақиқланади» йўл чизиғи таъсири доирасида.

18. Сотиш учун таклиф этилаётган товарлар (хизматлар) турлари ва рўйхати тижорат фаолияти объектининг ихтисослашувига мувофиқ сотувчи томонидан мустақил равишда белгиланади.

19. Савдо автоматлари орқали оммавий талабдаги, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига жавоб берадиган товарлар (чай, кофе, салқин ва алкогольсиз ичимликлар, ноозиқ-овқат товарлари (газета ва матбаа маҳсулотлари), қандолат ва нон маҳсулотлари, ширинликлар) сотилади, хизматлар кўрсатилади.

20. Савдо автоматларини маҳсулот билан таъминлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш тижорат фаолияти субъектларига юкланади, шунингдек, улар зиммасига товар-моддий бойликларни сақлаш бўйича чоралар кўриш ҳамда савдо автомати бузилганда товарлар бузилишининг олдини олиш ҳам юкланади.

21. Туташ ҳудудларда объектларни ўрнатиш (қуриш) бўйича қўшимча шартлар қуйидагилар ҳисобланади:

туташ ҳудудни жойлаштириш, ўрнатиш (қуриш) ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига, техник регламентлар, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари, ёнғин хавфсизлиги талабларига, шунингдек «дизайн-код»га мувофиқ қуриш (мослаштириш) нормаларига риоя этиш;

туташ ҳудудни жойлаштиришда (ўрнатишда, қуришда) аҳоли (шу жумладан, пиёдалар йўлаклари), шунингдек, тезкор ва махсус хизматларнинг транспорт воситалари эркин ҳаракатланишига ҳалақит бермаслик, муҳандислик-коммуникация тизимларидан фойдаланишга, бино ва иншоотларга кириб-чиқишга тўсқинлик қилмаслик;

муҳандислик-коммуникация тармоқлари муҳофаза зоналарига қўйилган талабларига қатъий риоя этиш ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқларига зарар етказмаслик;

зарур бўлган тақдирда, туташ ҳудуддаги барча ёпиқ хоналар ва кабинетларга шамоллатиш (вентиляция қилиш) тизимини ўрнатиш, шунингдек, ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси ва оқова сувнинг ташқи коммуникация тармоқларига уланиш учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда архитектура-режалаштириш топшириқлари ва алоҳида лойиҳалар ишлаб чиқилишини таъминлаш.

22. Туташ ҳудудда объектлар туташ ҳудуддан вақтинча фойдаланиш бўйича ижара шартномасида назарда тутилган муддатнинг бошланиш санасидан кейин ўрнатилади (қурилади).

23. Туташ ҳудуддаги объект фаолияти тугатилган тақдирда, объект унинг фаолияти тўхтатилган ёки тугатилган санадан эътиборан ўн беш кун ичида қисмларга ажратилади (демонтаж қилинади).

24. Туташ ҳудудлар жойлашган ҳудудда фавқулодда вазиятлар юзага келганда ёнғин ўчириш, бошқа тезкор хизматларнинг автотранспорт воситалари эркин ҳаракатланиши учун бино ва иншоотлар ўртасида очиқ масофа, ёпиқ ҳудудларда эса камида иккита кириш-чиқиш дарвозалари бўлиши лозим.

25. Туташ ҳудуддаги тижорат фаолияти объектлари солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ тўлайдилар.

3-боб. Якунловчи қоидалар

26. Туташ ҳудуддан вақтинча фойдаланиш бўйича ижара шартномаси шартларининг бузилиши билан боғлиқ низолар ўзаро музокаралар асосида ёки суд тартибида ҳал қилинади.

27. Туташ ҳудуддан вақтинча фойдаланиш бўйича ижара шартномасини тузмасдан ёки аниқ майдони шартномада кўрсатилмаган (ёки кам кўрсатган ҳолда) фойдаланишга бериш ҳолати аниқланганда, ижарага берувчи ўн иш куни ичида ушбу туташ ҳудуд қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланишга берилишини ташкил этади.

28. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

424 Рақамли криминалистика тадқиқотлари соҳасида мутахассислар малакасини ошириш ва сертификатланган мутахассисларнинг ягона электрон реестрини юритиш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш соҳаси учун профессионал кадрлар тайёрлаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2025 йил 22 январдаги ПҚ–17-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш борасида мутахассисларнинг малакасини оширишни самарали ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи:

а) Рақамли криминалистика соҳасида мутахассислар малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ:

мутахассислар малакасини оширишнинг мақсад ва вазифалари;

малака ошириш муассасаларида мутахассислар малакасини оширишни ташкил этиш тартиби;

мутахассисларнинг билимини баҳолаш тартиби;

б) Рақамли криминалистика соҳасида сертификатланган мутахассисларнинг ягона электрон реестрини юритиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

рақамли криминалистика соҳасида сертификатланган мутахассисларнинг ягона реестрини шакллантириш тартиби;

рақамли криминалистика соҳасида сертификатланган мутахассисларнинг ягона реестрини юритиш тартиби.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири А.А. Ташпулатов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 31 июль,
479-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 2 августда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 31 июлдаги 479-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Рақамли криминалистика соҳасида мутахассислар
малакасини ошириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом рақамли криминалистика соҳасида мутахассислар малакасини ошириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

давлат суд-экспертиза муассасалари — суд-экспертлик фаолиятини амалга ошириш учун ташкил этилган ихтисослаштирилган муассаса, шунингдек, тегишли давлат органлари, вазирликлар ва идоралар тизимидаги ихтисослаштирилган суд-экспертиза бўлинмалари;

малака ошириш муассасалари — рақамли криминалистика соҳасида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини амалга ошириш, мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки уларнинг малакасини оширишга ихтисослашган Ўзбекистон Республикасининг ва хорижий давлатларнинг илмий-тадқиқот, олий таълим ёки давлат суд-экспертиза муассасалари;

мутахассисларнинг малакасини ошириш — рақамли криминалистика соҳасида мутахассисларнинг рақамли ахборот ташувчи қурилмалар тадқиқоти, криминалистик аҳамиятга эга бўлган рақамли маълумотларни қидириш, аниқлаш, тўплаш ва қайта ишлаш ҳамда рақамли криминалистиканинг янги йўналишлари бўйича назарий ва амалий билимларини мустаҳкамлаш;

рақамли криминалистика соҳаси — кибержиноятларни, шунингдек, ахборот-коммуникация тармоқлари, ахборот технологиялари ва рақамли ахборот ташувчи воситалардан фойдаланган ҳолда жиноятларни содир этиш имконини берган шарт-шароитларни ўрганиш, далилларни тўплаш ва криминалистик тадқиқотларини ўтказиш фаолияти;

рақамли криминалистика соҳаси мутахассиси (мутахассис) — тезкор-қидирув тадбирлари ва процессуал ҳаракатларга мутахассис сифатида жалб этиладиган, рақамли криминалистика соҳасида зарур билим ва кўникмага эга бўлган ҳамда бу борада криминалистика тадқиқотларини ўтказадиган, давлат суд-экспертиза муассасасининг ходими (ишчиси, ҳарбий хизматчиси).

3. Рақамли криминалистика соҳасида мутахассисларнинг малакаси ҳар икки йилда оширилади.

4. Мутахассисларнинг малакаси малака ошириш муассасаларининг талабларига мос равишда оширилади.

5. Мутахассисларнинг малака ошириш муассасаларида малакасини ошириш ушбу Низомга 1-иловага* мувофиқ шакл бўйича тақдим қилинадиган буюртмага асосан ташкил этилади.

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Хорижий давлатларнинг малака ошириш муассасаларида мутахассисларнинг малакаси Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ҳамда вазирликлар, идоралар, давлат суд-экспертиза муассасалари ва хорижий давлатларнинг малака ошириш муассасалари ўртасида тузилган шартномалар, шунингдек, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан давлат суд-экспертиза муассасаларини ривожлантириш мақсадида ажратиладиган грантлар асосида оширилади.

Мутахассисларни хорижий давлатларнинг малака ошириш муассасаларида малакасини ошириш учун юбориш тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда ташкил этилади.

6. Мутахассисларнинг малакасини ошириш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

7. Мутахассисларнинг малакасини ошириш ўз ихтисослиги бўйича камида бир йиллик иш стажига эга бўлган мутахассислар учун ташкил қилинади.

8. Давлат суд-экспертиза муассасалари:

рақамли криминалистика соҳасида малака ошириши лозим бўлган мутахассисларнинг эҳтиёжини аниқлайди ва таркибини шакллантиради;

мутахассисларнинг малакасини ошириш бўйича ўқув машғулотларини ўтказишда малака ошириш муассасаларига ташкилий-методик жиҳатдан қўмаклашади;

мутахассисларининг малакаси ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли оширилишини таъминлайди.

2-боб. Мутахассисларнинг малакасини ошириш мақсади ва вазифалари

9. Рақамли криминалистика соҳасидаги янги технологиялар, илмий усуллардан фойдаланиш, ушбу соҳадаги миллий қонунчиликдан ва хорижий давлатларнинг қонунчилигидан хабардор қилиш ҳамда касбий маҳоратни доимий равишда ривожлантиришга қўмаклашиш учун зарур бўлган назарий билимлар, амалий қўникмаларни мунтазам янгилаб бориш мутахассислар малакасини оширишнинг мақсади ҳисобланади.

10. Қуйидагилар мутахассисларнинг малакасини ошириш вазифалари ҳисобланади:

малака ошириш жараёнларини илмий-услубий жиҳатдан юқори даражада таъминлаш;

малака оширишнинг бевосита ва билвосита шаклларини амалиётга жорий этиш;

мутахассислар томонидан замонавий мультимедиа ва ахборот-коммуникация технологияларини самарали ўзлаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

мутахассисларнинг малакасини ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш тизимини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш.

3-боб. Малака ошириш муассасаларида мутахассисларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тартиби

11. Мутахассислар малакасини ошириш бевосита ва (ёки) билвосита ташкил этилади. Бунда:

а) бевосита малака ошириш:

ўқув жараёнида иштирок этиш — ўқув дастурларига мос ҳолда янги назарий ва амалий билимлар, малака ва кўникмаларни ўзлаштириш;

малака ошириш муассасаларида малакавий амалиёт (стажировка) ўташ — мутахассисларнинг назарий билимларини чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш, махсус касбий кўникмаларини шакллантириш ҳамда рақамли криминалистика тадқиқотларини мустақил бажариш кўникмаларини ривожлантириш;

б) билвосита малака ошириш — малака ошириш муассасалари томонидан ташкил этиладиган (онлайн) семинар, давра суҳбати ва конференцияларда ҳамда бошқа шу каби тадбирларда иштирок этиш ва маърузалар қилиш орқали амалга оширилади.

12. Ўзбекистон Республикасидаги малака ошириш муассасалари:

ўқитишнинг замонавий педагогика услублари, мультимедиа ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда, рақамли криминалистика соҳасининг турлари бўйича таҳлилий қобилиятни ва ижодий фикрлашни ривожлантиришга қаратилган алоҳида ўқув режалари ва дастурларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

фанларнинг рақамли криминалистика соҳасида амалиёт билан боғлиқлигини таъминлайди, ўқув жараёнининг амалий йўналтирилгани, мустақил таълим ва ўқув жараёнини рақамли криминалистика соҳасидаги вазифаларни самарали ва пухта бажаришга йўналтирилганини кучайтиради, ўқув жараёнига рақамли криминалистика соҳасидаги илғор илмий-тадқиқотлар натижалари, педагогика технологиялари, машғулотлар ўтказишнинг самарали шакл ва услубларини жорий этади;

интерфаол ўқитиш шакли ва усуллари кенг қўллашни, илғор амалий тажрибалар асосида ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантиришни таъминлайди;

мамлакатимизда ва хорижда ишлаб чиқилган рақамли криминалистика соҳаси фанларига тааллуқли илмий, услубий ва техник янгиликлар, илғор тажрибаларни ўрганади ҳамда ўқув жараёнига татбиқ қилади;

мутахассислар малакасини ошириш бўйича халқаро тажрибани ўрганади ва соҳа бўйича тажриба алмашишни ташкил қилади;

ўқув жараёнига оид махсус фанлар бўйича адабиётларни тайёрлайди;

рақамли криминалистика соҳасида тадқиқотлар методикаларини янада такомиллаштириш, янги турдаги тадқиқотларни жорий қилиш, ўқув жараёнини ривожлантиришга оид мавзуларда конференция, симпозиум, семинар ва бошқа тадбирларни ташкил қилади.

13. Малака ошириш муассасалари мунтазам равишда (бир йилда камида бир маротаба) хорижий давлатларнинг рақамли криминалистика соҳасида юқори малакага эга мутахассислари ва етакчи халқаро экспертларни жалб этган ҳолда малака ошириш курсларини ташкил қилади.

Бунда хорижий мутахассислар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, малака ошириш муассасалари ўртасида тузилган шартномалар, шунингдек, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан давлат суд-экспертиза муассасалари фаолиятини ривожлантириш мақсадида ажратиладиган грантлар асосида жалб қилинади.

14. Мутахассислар малакасини ошириш жараёнида малакавий амалиёт ўтказилиши назарда тутилиши мумкин.

15. Мутахассислар малака ошириш муассасаларига ушбу муассасалар раҳбарларининг тегишли буйруғи асосида қабул қилинади.

16. Малака ошираётган мутахассисларнинг ўқиш даври мобайнида асосий иш жойи бўйича эгаллаб турган лавозими ва ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади.

17. Малака ошириш муассасаларига жалб қилинган мутахассислар ўқув жараёнидан қуйидаги ҳолатларда четлаштирилади:

ўқув интизоми ва малака ошириш муассасаларининг ички тартиб-қоидаларини бузганлик учун;

узрли сабабларсиз 8 академик соатдан кўп ўқув машғулотларини қолдирганлик учун;

саломатлиги туфайли (тиббий комиссия маълумотномаси асосида);

суд томонидан қамоққа олинган ёки озодликдан маҳрум этилганда;

вафот этганлиги сабабли.

Узрли сабабларга кўра ўқишни давом эттира олмаган мутахассис ўз аризасига кўра ўқув жараёнидан четлаштирилиши мумкин.

Узрли сабабларга кўра ўқишни давом эттира олмаган мутахассисга келгусида ташкил этиладиган ўқув гуруҳларида ўқиш имкони берилади.

18. Малака ошириш муассасаларига жалб қилинган мутахассисларни ўқув жараёнидан четлаштириш малака ошириш муассасалари раҳбарларининг тегишли буйруғи асосида расмийлаштирилади ва бу ҳақида тегишли давлат суд-экспертиза муассасасига хабар берилади.

19. Малака ошириш муассасалари томонидан мутахассисларнинг малакасини ошириш камида 36 академик соат ҳажмда ташкил этилади.

20. Билвосита малака ошириш муддати ўқув жараёни муддатига мос ҳолда академик соатлар билан аниқланади.

4-боб. Мутахассисларнинг билимини баҳолаш тартиби

21. Ўқув жараёнига жалб қилинган мутахассисларнинг билими якуний назорат натижасига кўра баҳоланади.

Малака ошириш бўйича якуний назорат ўқиш даврида олинган назарий билимлар ва амалий кўникмаларни аниқлашга қаратилган оғзаки ёки ёзма имтиҳон ёхуд суҳбат шаклида ўтказилади.

22. Малака ошириш муассасаларида ўқув дастурини муваффақиятли ўзлаштирган мутахассисларга ушбу Низомга 2-иловага* мувофиқ шаклдаги сертификат берилади.

Мутахассислар хорижий давлатларнинг малака ошириш муассасаларида

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

малака оширганда, улар ушбу муассасанинг тегишли ҳужжатларига мувофиқ малака оширган ҳисобланади.

23. Якуний назоратлардан ўта олмаган ёки узрли сабабларга кўра уларда иштирок эта олмаган мутахассисга унинг аризасига биноан уч кун муддатда тегишли якуний назоратни қайта топшириш имкони берилади.

24. Ушбу Низомда белгиланган муддатларда малакасини оширмаган ёки якуний назоратлардан такроран ўта олмаган мутахассислар малака оширишдан ўтмаган деб ҳисобланади.

25. Якуний назоратлардан такроран ўта олмаган мутахассислар уч кун ичида малака ошириш муассасаси раҳбари номига апелляция тартибида шикоят билан мурожаат қилишга ҳақли.

Апелляция шикоятини кўриб чиқиш тартиби малака ошириш муассасаси томонидан белгиланади.

26. Малака оширишдан ўтмаган мутахассислар ҳақидаги маълумотнома малака ошириш муассасалари томонидан зарур чоралар кўриш учун тегишли давлат суд-экспертиза муассасаларига юборилади.

5-боб. Якунловчи қоида

27. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 31 июлдаги 479-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Рақамли криминалистика соҳасида сертификатланган
мутахассисларнинг ягона электрон реестрини юритиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом рақамли криминалистика соҳасида сертификатланган мутахассисларнинг ягона электрон реестрини юритиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

рақамли криминалистика соҳаси мутахассиси (мутахассис) — тезкор-қидирув тадбирлари ва процессуал ҳаракатларга мутахассис сифатида жалб этиладиган, рақамли криминалистика соҳасида зарур билим ва кўникмага эга бўлган ҳамда бу борада криминалистик тадқиқотларини ўтказадиган, давлат суд-экспертиза муассасасининг ходими (ишчиси, ҳарбий хизматчиси);

сертификат — Ўзбекистон Республикасининг ва хорижий давлатларнинг илмий-тадқиқот, олий таълим ёки давлат суд-экспертиза муассасаларида рақамли криминалистика соҳаси бўйича малака оширганлик ёхуд рақамли экспертизаларни ўтказиш бўйича касбий лаёқатни тасдиқловчи ҳужжат;

ягона реестр — рақамли криминалистика соҳаси бўйича сертификат олган мутахассис тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилган ва доимий янгиланиб бориладиган ягона электрон рўйхат.

3. Ягона реестр Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан юритилади.

4. Ягона реестр ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларининг фаолиятида тезкор-қидирув тадбирлари ва процессуал ҳаракатларга мутахассис сифатида жалб этилиши мумкин бўлган, рақамли криминалистика соҳасида зарур билим ва кўникмага эга бўлган ҳамда ушбу соҳада малака оширган мутахассисларнинг ягона рўйхатини шакллантириш мақсадида юритилади.

5. Ягона реестрга давлат суд-экспертиза муассасаларининг мутахассислари тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

6. Ягона реестрга киритилган маълумотлар давлат суд-экспертиза муассасаларининг рақамли криминалистика соҳасидаги мутахассисларининг касбий лаёқатлилигининг расмий тасдиғи ҳисобланади.

7. Ягона реестрга мутахассислар тўғрисидаги маълумотларни киритиш учун тўлов ундирилмайди.

2-боб. Ягона реестрни шакллантириш тартиби

8. Рақамли криминалистика соҳасидаги мутахассислар тўғрисидаги маъ-

лумотларни ягона реестрга киритиш учун давлат суд-экспертиза муассасалари томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

белгиланган шаклдаги ягона реестрга киритиш тўғрисидаги хат;

давлат суд-экспертиза муассасасининг бўлинмаси, мутахассиснинг ихтисослиги, Ф.И.О.;

таълим йўналиши ва даражаси тўғрисидаги маълумот;

мутахассислиги бўйича иш стажы тўғрисидаги маълумот;

сертификатнинг нусхаси;

илмий даража ва унвони тўғрисида маълумотлар (мавжуд бўлса);

мутахассиснинг рақамли криминалистика соҳасида эришган ютуқлари ҳақида қўшимча маълумотлар;

давлат суд-экспертиза муассасасининг тўлиқ номи, манзили ва боғланиш учун маълумотлари.

9. Ягона реестрга киритиш учун тақдим этилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва тўлиқлигига давлат суд-экспертиза муассасаси жавобгар ҳисобланади.

10. Рақамли криминалистика соҳаси мутахассиси тўғрисидаги маълумот тақдим этилгандан сўнг бир иш кунда ягона реестрга киритилади.

11. Ягона реестрга киритилган мутахассиснинг иш жойи ва анкета маълумотлари ўзгарган ҳолларда, бу ҳақида бир иш кунда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ягона реестрга ўзгартириш киритилади.

12. Ягона реестрга киритилган мутахассис давлат суд-экспертиза муассасасидан бўшатиш тақдирда, маълумот тақдим этилгандан сўнг бир иш кунда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ягона реестрдан чиқарилади.

Бунда ягона реестрга киритилган мутахассислар тўғрисидаги маълумотларни янгилаш учун улар ишлайдиган давлат суд-экспертиза муассасаларига тегишли сўров юборилади.

13. Ягона реестр ахборот тизими давлат суд-экспертиза муассасаларининг ахборот тизимларига интеграция қилинган тақдирда, ҳар бир давлат суд-экспертиза муассасаларига ягона реестрга маълумотларни масофавий киритиш ва уларни ўзгартириш имконияти берилиши мумкин.

Бунда ушбу Низомнинг 10 — 12 бандларида кўрсатилган маълумотлар ягона реестрга автоматик тарзда киритилади.

3-боб. Ягона реестрни юритиш тартиби

14. Ягона реестр ушбу Низомга иловага* мувофиқ шаклда юритилади.

15. Ягона реестрда рақамли криминалистика соҳасидаги мутахассислар тўғрисида қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

қайд рақами;

киритилган сана;

давлат суд-экспертиза муассасасининг, бўлинмасининг, мутахассиснинг ихтисослиги, Ф.И.О.;

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

сертификатлар реквизитлари (берилган жойи ва санаси, йўналиши);
илмий даража ва унвони тўғрисида маълумотлар (мавжуд бўлса);
давлат суд-экспертиза муассасасининг тўлиқ номи, манзили ва боғланиш
учун маълумотлари;

мутахассиснинг рақамли криминалистика соҳасида эришган ютуқлари
хақида қўшимча маълумотлар;

ягона реестрдан чиқарилган сана (чиқарилган тақдирда).

16. Давлат суд-экспертиза муассасасининг рақамли криминалистика
соҳаси мутахассиси ягона реестрдан давлат суд-экспертиза муассасасининг
хати асосида чиқарилади.

17. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ягона реестрнинг
тўғри юритилишини ва ахборот хавфсизлигини таъминлайди.

4-боб. Якунловчи қоидалар

18. Ягона реестрга киритилган мутахассислар тўғрисидаги маълумот-
лар заруратга кўра тезкор-қидирув тадбирларини, терговга қадар текширув,
суриштирув, тергов ва суд ҳаракатларини амалга оширувчи орган (шахс)
ларнинг сўровига асосан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
томонидан тақдим қилинади.

19. Ягона реестр тезкор-қидирув тадбирлари ва процессуал ҳаракатларни
амалга ошириш ёки рақамли криминалистика соҳасидаги мутахассисларни
жалб этишни назарда тутувчи ахборот тизимларига интеграция қилиниши
мумкин.

20. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қо-
нунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

425 Камбағал оилалар реестрига киритилган ва расмий банд бўлган ёлғиз ота ва оналарга фарзанди учун мактабгача таълим хизматидан фойдаланишда моддий ёрдам тўлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 14 ноябрдаги ПФ–185-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 14 ноябрдаги ПФ–185-сон Фармони 3-бандининг «в» кичик бандига мувофиқ Камбағал оилалар реестрига киритилган ва расмий банд бўлган ёлғиз она (ота)га ижтимоий шартнома асосида бир нафар фарзанди учун бола(лар) уч ёшга тўлгунига қадар мактабгача таълим хизматидан фойдаланиш учун Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг бир ярим бараваригача миқдорида моддий ёрдам берилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

Камбағал оилалар реестрига киритилган ва расмий банд бўлган ёлғиз она (ота)ларнинг ижтимоий шартнома асосида бир нафар фарзанди учун бола(лар) уч ёшга тўлгунига қадар мактабгача таълим хизматидан фойдаланиш тўғрисида аризаларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш, моддий ёрдам олувчилар реестрини шакллантириш ҳамда уларга субсидия шаклида моддий ёрдамни инсон омилисиз автоматик ҳисоблаш ва тўлашни йўлга қўйиш;

моддий ёрдам маблағларини уларни олувчиларнинг «ижтимоий карта»-сига, у мавжуд бўлмаганда АТ «Халқ банки»да очилган банк карталарига ўтказиш. Бунда биринчи марта банк карталарини очиш учун моддий ёрдам маблағларини олувчилардан ҳақ ундирилмайди.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2025 йил 1 сентябрдан бошлаб Камбағал оилалар реестрига киритилган ёлғиз она (ота)ларга фарзанди учун мактабгача таълим хизматидан фойдаланишда моддий ёрдам олиш бўйича «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизими ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ариза билан мурожаат қилиш имконияти яратилади. Бунда Камбағал оилалар реестрига киритилган ёлғиз она (ота)лар «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари ёки Давлат хизматлари марказларига бевосита келган ҳолда ёхуд ижтимоий ходим орқали ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

4. Белгилаб қўйилсинки, моддий ёрдамни тўлаш билан боғлиқ мурожаатларни кўриб чиқиш ва тўлаш жараёнида СМС-хабарнома юбориш билан

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 2 августда эълон қилинган.

боғлиқ харажатлар Агентликнинг Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармасида очилган алоҳида ғазна ҳисобварағидан амалга оширилади.

5. Камбағал оилалар реестрига киритилган ва расмий банд бўлган ёлғиз ота ва оналарга фарзанди учун мактабгача таълим хизматидан фойдаланишда моддий ёрдам тўлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Агентлик 2025 йил 1 сентябрдан қадар:

«Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизимида моддий ёрдам олиш учун электрон аризаларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш, моддий ёрдам олувчилар реестрини шакллантириш ҳамда уларга моддий ёрдам миқдорини автоматик ҳисоблаш ва тўлаш имкониятини яратсин;

Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда моддий ёрдам олиш учун Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали аризалар қабул қилиш ҳамда хизматлар кўрсатишнинг ҳар бир босқичида аризалар кўриб чиқирилишини кузатиб бориш тартибини жорий этсин;

ёлғиз она (ота)ларнинг АТ «Халқ банки»да очилган банк карталари тўғрисидаги маълумотларни олиш учун АТ «Халқ банки»нинг тегишли ахборот тизимларини «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизими ва Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали билан интеграция қилиш чораларини кўрсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 31 июль,
484-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 31 июлдаги 484-сон қарорига
ИЛОВА

**Камбағал оилалар реестрига киритилган расмий банд
бўлган ёлғиз ота ва оналарга фарзанди учун мактабгача
таълим хизматидан фойдаланиш учун моддий ёрдам
тўлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Камбағал оилалар реестрига киритилган ва расмий банд бўлган ёлғиз она (ота)ларга (кейинги ўринларда — қонуний вакил) фарзанди учун мактабгача таълим хизматидан фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан субсидия шаклида моддий ёрдам тўлаш тартибини белгилайди.

2. Моддий ёрдам Камбағал оилалар реестрига киритилган ва расмий банд бўлган ёлғиз она (ота)га ижтимоий шартнома асосида мулкчилик шаклидан қатъи назар, мактабгача таълим ташкилотида тарбияланаётган уч ёшгача бўлган фарзанд(лар)ига базавий ҳисоблаш миқдорининг бир ярим барава-ригача миқдорида ушбу Низомга 1-иловада* келтирилган схемага мувофиқ тўлаб берилади.

Бунда моддий ёрдам қонуний вакилнинг уч ёшгача бўлган фақат бир нафар фарзанди (болалар эгизак бўлса, эгизакларнинг ҳар бирига) учун берилади.

**2-боб. Моддий ёрдам олиш учун ариза бериш ва уни кўриб
чиқиш тартиби**

3. Моддий ёрдам олиш учун қонуний вакил «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари (кейинги ўринларда — «Инсон» марказлари), Давлат хизматлари марказларига бевосита келган ҳолда ёки ижтимоий ходим ёхуд «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизими (кейинги ўринларда — «ЯМИХ» АТ), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали ушбу Низомга 2-иловага* мувофиқ намунадаги ариза билан мурожаат қилади.

Аризада қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

қонуний вакилнинг фуқаролик биометрик паспорти (идентификацияловчи ID-карта) маълумотлари;

уч ёшгача бўлган фарзанд(лар)ининг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома-си(лари) маълумотлари;

мобил телефони рақами;

* 1-2-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

АТ «Халқ банки» банкида очилган банк картаси маълумотлари («ижтимоий карта» мавжуд бўлмаган ҳолларда).

4. Қонуний вакил аризани ЯИДХП орқали киритишда, дастлаб оммавий оферта шаклидаги ижтимоий шартнома билан танишиб чиқади ва тасдиқлайди.

Қонуний вакил ижтимоий шартномани тасдиқламаган тақдирда, ариза киритиш имконияти чекланади.

5. Қонуний вакилнинг ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, «Инсон» маркази ёки Давлат хизматлари маркази ходими дастлаб қонуний вакилни оммавий оферта шаклидаги ижтимоий шартнома билан таништиради. Ижтимоий шартнома қонуний вакил томонидан имзолангандан сўнг унинг номидан аризани электрон шаклда тўлдиради.

Ариза тўлдирилгандан сўнг қонуний вакил маълумотларнинг тўғрилигини текшириб, аризани идентификация қилишнинг замонавий воситалари (мобил-ID тизими, электрон рақамли имзо, бармоқ изи ва бошқалар) билан тасдиқлайди.

6. Аризада кўрсатилган маълумотлар «ЯМИХ» АТда «Электрон ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали бир иш кунида ушбу Низомнинг 2-бандида назарда тутилган талабларга тўғри келиши бўйича автоматик тарзда текширилади.

Текширув якуни бўйича аризанинг қаноатлантирилгани ёки қаноатлантириш рад этилгани тўғрисида аризада кўрсатилган телефон рақамига СМС-хабарнома юборилади.

Хабарномада аризанинг қаноатлантиришни рад этиш асослари аниқ кўрсатилиши лозим.

7. Ариза қаноатлантирилган тақдирда, қонуний вакил «ЯМИХ» АТда юритиладиган Мактабгача таълим хизматидан фойдаланиш учун моддий ёрдам олувчилар рўйхатига (кейинги ўринларда — моддий ёрдам олувчилар рўйхати) киритилади ва бу ҳақида қонуний вакил мобил телефони рақамига СМС-хабарнома юбориш ёки ЯИДХП даги шахсий кабинети орқали хабардор қилинади.

8. Қуйидаги ҳолатларда ариза рад этилади:
қонуний вакил Камбағал оилалар реестрига киритилмаганда;
қонуний вакил расмий банд бўлмаганда;
фарзанд уч ёшдан катта бўлганда;
фарзанд мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиси бўлмаган тақдирда;

қонуний вакил томонидан бошқа бир фарзанди учун ариза берилганда (шу жумладан, илгари бошқа фарзанди учун моддий ёрдам ажратилганда), эгизак фарзандлар учун берилган ариза бундан мустасно.

9. Моддий ёрдамни тайинлаш тўғрисидаги ариза қонуний вакил томонидан фақат бир марта берилади ва кейинги ҳар ойда унинг маълумотлари «ЯМИХ» АТ орқали қайта текширилади ҳамда ушбу Низомнинг 2-бандида назарда тутилган талабларга мос келса, моддий ёрдам автоматик тарзда ҳисоблаб борилади.

10. Қуйидаги ҳолларда моддий ёрдамнинг ҳисобланиши ва тўланиши тўхтатилади:

бола уч ёшга тўлганда;

оила Камбағал оилалар реестридан чиқарилганда;

қонуний вакил расмий банд бўлмаганда;

бола доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ташқарисига чиқиб кетганда;

бола вафот этганда, суд томонидан вафот этган деб эълон қилинганда ёки бедарак йўқолган деб топилганда;

бола мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчилари рўйхатидан чиқарилганда;

бола тўлиқ давлат таъминотига ўтказилганда;

ижтимоий шартномада назарда тутилган мажбуриятлар қонуний вакил томонидан бажарилмаганда.

3-боб. Моддий ёрдамни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби

11. Моддий ёрдам ҳисобот ойида шакллантирилган моддий ёрдам олувчилар рўйхатига киритилган қонуний вакилларга фарзанди учун мактабгача таълим ташкилотига ота-оналар тўловни ҳақиқатда тўлаган миқдорларда, бироқ мазкур Низомнинг 2-бандида белгиланган миқдорлардан ошмаган ҳолда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 8-санасига қадар «ЯМИХ» АТда автоматик тарзда ҳисобланади.

Бунда қонуний вакилларнинг фарзанд(лар)и учун мактабгача таълим ташкилотига ота-оналар ҳақиқатда тўлаган тўлов тўғрисидаги маълумотлар давлат мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари бўйича Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг, нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари бўйича Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг тегишли ахборот тизимлари орқали олинади.

12. Ҳисобланган моддий ёрдам миқдорлари бўйича туман (шаҳар)лар кесимида қонуний вакилларнинг Ф.И.О., фуқаролик биометрик паспорти (идентификацияловчи ID-карта) серияси, рақами, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР), тўлов суммаси ва бошқа маълумотлар кўрсатилган моддий ёрдам олувчилар электрон қайдномалари (ведомостлар) ва тўлов суммаси кўрсатилган электрон тўлов топшириқномалари «ЯМИХ» АТда автоматик тарзда шакллантирилади.

13. Қонуний вакилларга бериладиган маблағларни Жамғарманинг алоҳида ғазна ҳисобварағидан молиялаштириш учун шакллантирилган электрон қайдномалар ва тўлов топшириқномалари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ахборот тизимига автоматик тарзда жўнатилади.

14. Моддий ёрдам учун Жамғарма маблағлари АТ «Халқ банки»нинг тегишли ҳисобварағига ўтказиб берилгандан сўнг «ЯМИХ» АТдан АТ «Халқ банки»нинг ахборот тизимига электрон қайдномалар жўнатилади.

15. Моддий ёрдам маблағлари ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-сана-

сига қадар қонуний вакилларнинг «ижтимоий карта»ларига, улар мавжуд бўлмаганда, АТ «Халқ банки»да очилган банк карталарига ўтказиб берилади.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

16. Моддий ёрдам маблағларининг ажратилиши юзасидан назорат Агентлик ҳамда тегишли назорат органлари томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

17. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

426 «Sea breeze Uzbekistan» умуммавсумий курорт мажмуасини барпо этиш бўйича йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 9 ва 24-моддалари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 сентябрдаги 592-сон қарори билан тасдиқланган Йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши таклифни танлаб олишнинг маъмурий регламентига мувофиқ, республикада ички ва ташқи туризм учун қулай шароитлар яратиш, янги архитектура ва техник ечимларни жорий этиш орқали замонавий курорт барпо этиш, шунингдек, бизнес, молиявий ва туристик инфратузилмаларни жадал ривожлантиришни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани ҳудудидаги 577 гектар ер майдонида қиймати 5 млрд АҚШ долларини ташкил этадиган умуммавсумий курорт мажмуасини барпо этиш бўйича йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш юзасидан «Agalarov Development» МЧЖ (Озарбайжон) иштирокидаги «Sea Breeze Uzbekistan» масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхона (кейинги ўринларда — «Sea Breeze Uzbekistan» МЧЖ)нинг таклифлари энг яхши таклиф сифатида танлаб олингани;

ушбу лойиҳанинг бош режасини тезкор ва сифатли ишлаб чиқиш мақсадида «Scott Brownrigg» компанияси (Буюк Британия) жалб этилиб, амалий ишлар бошлаб юборилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Тошкент вилояти ҳокимлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ушбу қарорга 1-иловада* келтирилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари бўйича босқичма-босқич амалдаги ер эгалари, фойдаланувчилари ва ижарачиларининг ер участкасига бўлган ҳуқуқлари белгиланган тартибда бекор қилинишини, туман ҳокимлигининг тасарруфида бўлган бўш турган ер участкаси сифатида ҳисобга оlinишини ҳамда ер тоифасини ўзгартириш мақсадида Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича Ҳукумат комиссиясига киритиб борилишини таъминласин.

3. Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани ҳудудидаги ушбу қарорга 1-иловага мувофиқ 577 гектар ер участкасининг Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги тасарруфига қайтарилган ва бўш турган ер участкаси сифатида ҳисобга олинган қисмлари, ер участкаларининг тоифаси ўзгартирилганидан сўнг «Sea Breeze Uzbekistan» МЧЖга ижара муддати тугагандан кейин янги муддатга узайтириш бўйича устувор ҳуқуқ билан 25 йилга тўғридан-тўғри ижарага берилсин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 2 августда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

4. Белгилансинки, «Sea Breeze Uzbekistan» МЧЖ:

ижарага берилаётган ер участкасида 2025 — 2035 йилларда умумий қиймати 5 млрд АҚШ доллари бўлган «Sea breeze Uzbekistan» умуммавсумий курорт мажмуасини барпо этиш бўйича йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширади;

577 гектар ер участкаси унга ижарага берилгандан сўнг, 25 йилга ижарага олиш ҳуқуқининг баҳоловчи ташкилот томонидан аниқланган бозор қиймати — 1,7 трлн сўмга 0,01 камайтирувчи коэффициент қўлланган ҳолда якуний 17 млрд сўм миқдоридаги маблағни 5 йил давомида бўлиб-бўлиб тўлаш мажбуриятини олади;

ер участкаларини тасдиқланган мастер-режа асосида лотларга бўлган ҳолда, ҳар бир ер участкаси бўйича ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини нотариал тартибда келишиладиган шартлар асосида ва Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида белгиланган тартибда бошқа шахсга ўтказиши (қайта ижарага бериши) мумкин.

5. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамда «Чорвоқ» туристик-рекреацион зонаси дирекцияси икки ой муддатда «Sea Breeze Uzbekistan» МЧЖ билан ушбу қарорда белгиланган шартлар асосида инвестиция битими тузилишини таъминласин. Бунда қуйидагилар назарда тутилсин:

а) лойиҳани экологик талабларга риоя қилган ҳолда амалга ошириш, шу жумладан, лойиҳани амалга ошириш даврида ва лойиҳа ишга тушгандан кейин чиқинди ҳамда оқова сувларнинг Чорвоқ сув омбори ва Чирчиқ дарёсига ташланишига йўл қўймаслик, оқова сувларни Чирчиқ шаҳри оқова сувларни тозалаш иншоотига йўналтириш чораларини кўриш «Sea Breeze Uzbekistan» МЧЖнинг асосий мажбуриятларидан бири этиб белгиланади. Бунда ушбу талабга риоя этмаслик лойиҳани тўхтатишга ва ерга бўлган ижара ҳуқуқининг бекор қилинишига асос бўлади;

б) «Sea Breeze Uzbekistan» МЧЖ лойиҳа доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

умуммавсумий курортни барпо этиш бўйича тармоқ режалари ҳамда манзилли дастурларни ишлаб чиқиш;

истисно тариқасида, лойиҳани амалга ошириш доирасида 2029 йил 31 декабрга қадар қурилиш-монтаж ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан бир вақтда амалга ошириш;

лойиҳа ҳудудини ривожлантиришни режалаштириш бўйича тегишли ҳужжатларга бўлган талабларни мустақил равишда белгилаш ва тасдиқлаш;

лойиҳа ҳудудида барпо этиладиган объектларга қўйиладиган асосий талабларни мустақил белгилаш;

коммунал бошқариш, инвестиция фаолияти, маркетинг, баҳолаш, геология-қидирув, топографик суратга олиш, бино ва иншоотларнинг техник ҳолатини текшириш хизматларини кўрсатиш;

умуммавсумий курорт ҳудудида истеъмолчиларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар тарифларини Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда белгилаш;

умуммавсумий курортни барпо этиш даврида инвесторларга шартнома асосида сервис, санитария-гигиена, муҳандислик-коммуникация хизматларини кўрсатиш ҳамда уларни транспорт инфратузилмаси объектлари ва ёрдамчи иншоотлар билан таъминлашни ташкил қилиш;

ер участкаларини тасдиқланган мастер-режа асосида лотларга бўлган ҳолда, ҳар бир ер участкаси бўйича ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини нотариал тартибда келишиладиган шартлар асосида ва Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида белгиланган тартибда бошқа шахсга ўтказиш (қайта ижарага бериш);

в) «Sea Breeze Uzbekistan» МЧЖ лойиҳа доирасида қуйидаги вазифаларни бажаради:

етакчи хорижий ва маҳаллий лойиҳа ташкилотларини жалб қилган ҳолда ривожланган мамлакатларда муваффақиятли синовдан ўтган амалиётлар ва экологик талаблар асосида умуммавсумий курорт ҳудудини ривожлантириш режалари (мастер-режа), тармоқ режалари ҳамда манзилли дастурларини ишлаб чиқиш;

умуммавсумий курорт ҳудудида лойиҳаларни амалга ошириш бўйича инвесторлар билан музокаралар олиб бориш, салоҳиятли инвесторларни танлаш, улар билан инвестиция ва ижтимоий мажбуриятларни белгилаган ҳолда битимлар тузиш ва уларнинг ижросини назорат қилиш;

умуммавсумий курорт ҳудудида лойиҳа-қидирув ва қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш бўйича алоҳида техник шартларга амал қилиш тўғрисида битимлар тузиш ва уларнинг ижроси устидан мониторинг қилиб бориш;

замонавий уй-жойлар барпо этиш ишларига катта тажрибага эга бўлган маҳаллий ва хорижий компанияларни жалб қилиш, уларга замонавий услублар, энергия-тежамкор технологиялар ва қурилиш материалларини қўллаш юзасидан мажбурий кўрсатмалар бериш;

қурилишга салоҳиятли инвесторлар, хусусан, хорижий инвесторларни жалб этиш мақсадида маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари орқали, шунингдек, Интернет жаҳон ахборот тармоғида тақдимот тадбирларини ва кенг реклама кампаниясини ташкил этиш;

муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва транспорт инфратузилмасини қуриш учун инфратузилма тўловини тўлаш.

6. Тошкент вилояти ҳокимлиги «Sea Breeze Uzbekistan» МЧЖ билан биргаликда ушбу қарорга 1-иловада кўрсатилган ер участкалари доирасида:

а) ерга бўлган ҳуқуқлар белгиланган тартибда бекор қилинганидан кейин тегишли ерларнинг бўш турган ер сифатида ҳисобга олинишини;

б) Бўстонлиқ тумани ҳокими ва «Sea Breeze Uzbekistan» МЧЖ ўртасида мазкур қарорда ва инвестиция битимида назарда тутилган шартлар асосида ер ижара шартномалари тузилишини таъминласин.

Бунда ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ер участкалари ижарачиларига етказилган зарарлар Тошкент вилояти маҳаллий бюджетига «Sea Breeze Uzbekistan» МЧЖ томонидан ажратиладиган 5 млн АҚШ доллари миқдори-

даги маблағлар ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

7. «Чорвоқ» туристик-рекреацион зонаси дирекцияси икки ҳафта муддатда «Sea Breeze Uzbekistan» МЧЖга «Чорвоқ» туристик-рекреацион зонаси иштирокчиси мақоми берилишини таъминласин.

8. Белгилансинки:

а) умуммавсумий курортни барпо этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш доирасида ер участкасини ижарага (қайта ижарага) олган ташкилот томонидан объект қурилиш ҳажмининг ҳар бир квадрат метри учун мутаносиб равишда 50 АҚШ доллари эквиваленти миқдорида ижтимоий аҳамиятга эга объектлар ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва транспорт инфратузилмасини (бош режада белгиланган ерости автотураргоҳи, техник хоналар, шунингдек, давлат ижтимоий объектларини ўз ичига олмайдиган «қурилиш майдони») қуриш учун инфратузилма тўлови тўланади;

б) инфратузилма тўлови лойиҳа доирасида барпо этилаётган ҳар бир объект фойдаланишга қабул қилингунга қадар тўлиқ «Чорвоқ» туристик-рекреацион зонаси дирекциясининг шахсий ғазна ҳисобварағига тўланади;

в) «Sea Breeze Uzbekistan» МЧЖга ижарага бериладиган ер участкалари учун қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш бўйича тўловлар мазкур бандда назарда тутилган инфратузилма тўловлари ҳисобидан «Чорвоқ» туристик-рекреацион зонаси дирекцияси томонидан беш йил давомида ҳар йили тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўланади;

г) «Чорвоқ» туристик-рекреацион зонаси дирекциясига мазкур бандда назарда тутилган инфратузилма тўловларидан тушган маблағларни ҳамда Тоғли ва олис ҳудудларда туристик инфратузилмани ривожлантириш жамғармаси маблағларини қуйидаги мақсадларда сарфлаш ҳуқуқи берилади:

ижтимоий аҳамиятга эга объектлар, муҳандислик-коммуникация тармоқлари, ирригация, мелиорация ва транспорт инфратузилмасини лойиҳалаштириш ва 6,8 миллион метр квадрат қувватга етадиган муҳандислик тармоқларини қуриш билан боғлиқ ишларни молиялаштириш;

мутахассисларни, шу жумладан, юқори малакали мутахассислар, хорижий экспертлар ва хорижда яшайдиган ватандошларни жалб этиш ҳамда уларга ҳақ тўлаш;

д) лойиҳа ҳудудида жойлашган жисмоний ва юридик шахсларга тегишли қўчмас мулк объектлари (қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ер участкаларидан ташқари) «Sea Breeze Uzbekistan» МЧЖ томонидан уларнинг мулкдорлари билан келишув асосида сотиб олинади;

е) «Sea Breeze Uzbekistan» МЧЖга қурилиш лойиҳа объектларини барпо этиш учун қўшимча салоҳиятли инвесторларни жалб этишга рухсат берилади;

ж) тасдиқланган бош режа ва тармоқ жадвалига мувофиқ қурилиш муддатлари бузилган тақдирда, аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича талабнома тақдим этилган кундан бошлаб, ўн икки ой ичида бартараф этилмаган ҳолатда, ер участкалари бўйича ижара (қайта ижара) шартномалари бекор қилинади;

з) қурилиши кейинги босқичлар учун мўлжалланган захира сифатида олиб қўйилган ва фойдаланилмаётган ер участкалари ҳудудида ердан фойдаланишда ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ушбу ер участкалари қайтарилади. Бунда лойиҳани амалга ошириш учун сарфланган маблағлар қоплаб берилмайди;

и) «Sea Breeze Uzbekistan» МЧЖ мурожаатига мувофиқ яшил майсаларни кесиш ва яшил майдонларни қайта тиклаш ишлари Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш агентлиги тизимидаги ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

9. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги 2026 йил 1 январга қадар автомобиль йўллари, ичимлик ва оқова сув таъминоти, электр энергияси, табиий газ ва алоқа тармоқларини қуриш ҳамда Чорвоқ сув омбори ҳудудида кўприк (вантовый) қуриш мақсадида халқаро молия институтлари кредитларини ва давлат-хусусий шериклик асосида инвесторлар маблағларини жалб этиш чораларини кўрсин.

10. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги:

а) Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргаликда лойиҳани амалга оширишда:

сувни муҳофаза қилиш зоналари ва соҳилбўйи минтақасига қўйилган талабларга риоя қилиниши;

муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар, сувни муҳофаза қилиш ва санитария зоналарида қурилиш ишларини олиб бормаслик;

Чорвоқ сув омборига оқова сувларни ташлашга йўл қўймаслик бўйича қатъий назорат ўрнатсин;

б) Бош прокуратура билан ҳамкорликда:

Чорвоқ сув омборининг акваториясига, унинг муҳофаза зонаси ҳудудига маиший, саноат чиқиндилари ва оқова сувлар ташланишининг олдини олиш мақсадида доимий ва ҳар томонлама назорат ўрнатилишини таъминласин ҳамда атроф-муҳитнинг ифлосланишини бартараф этиш, санитария-экологик меъёрларга риоя қилиниши ва соғлом экологик муҳитни сақлаш бўйича қатъий чоралар кўрсин;

Кадастр агентлиги билан биргаликда Чорвоқ сув омбори атрофидаги ҳудудларда бино ва иншоотларни, шу жумладан, янги қурилаётганларини хатловдан ўтказиб, уларнинг экологик талабларга мувофиқ қурилмагани ва атроф-муҳитни ифлослантирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, уларни бартараф этишни ҳамда айбдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўрилишини таъминласин;

в) «Sea Breeze Uzbekistan» МЧЖ билан биргаликда бир ой муддатда Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида умуммавсумий курорт барпо этиш лойиҳаси қуриладиган ҳудудда мавжуд дарахтларни хатловдан ўтказсин ҳамда хатлов натижаларига кўра, қурилишости ҳудудларига тўғри келаётган дарахтларни қимматбаҳо, кам қимматли ва нобуд бўлган тоифаларга ажратсин. Бунда «Sea Breeze Uzbekistan» МЧЖга:

қимматбаҳо дарахтларни умуммавсумий курорт барпо этиш лойиҳасига

асосан ташкил этилаётган яшил зоналарга ёки ўрмон фондининг бошқа ерларига кўчиришга;

кам қимматли дарахтларни бошқа ҳудудга кўчириш ёки дарахт кесганлик учун тўловни амалга оширмасдан бир туп кесилган дарахт ўрнига компенсация сифатида тупроқ-иқлим шароитига мос 5 — 7 йиллик 10 туп кўчат экишга;

нобуд бўлган дарахтларни белгиланган тартибда кесишга рухсат берилсин.

11. «Sea breeze Uzbekistan» умуммавсумий курорт мажмуасини барпо этиш бўйича республика ишчи гуруҳи 2-иловага* мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Республика ишчи гуруҳига лойиҳани амалга ошириш доирасида юзага келадиган барча ташкилий масалаларни тезкорлик билан ҳал қилиш вазифаси юклансин.

12. Республика ишчи гуруҳи, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 сентябрдаги 592-сон қарори билан тасдиқланган Йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши таклифни танлаб олишнинг маъмурий регламентида белгиланган тартибда «Sea breeze Uzbekistan» МЧЖ томонидан инвестиция мажбуриятлари бажарилишини мониторинг қилиб борсин.

13. Бош прокурор ўринбосари С.И. Самадовга лойиҳанинг шаҳарсозлик ва экологик талаблар асосида амалга оширилишини таъминлаш юзасидан қатъий прокурор назоратини ўрнатиш тавсия этилсин.

14. Белгилансинки, «Sea Breeze Uzbekistan» МЧЖ ва бошқа инвесторлар томонидан мазкур қарорда белгиланган инвестиция мажбуриятлари бажарилмаган ва ер ижара шартномасида назарда тутилган талабларга риоя қилинмаган тақдирда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-37-моддаларида назарда тутилган ҳолларда, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи бекор қилинади.

15. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ж.А. Ходжаев: экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А.А. Абдухакимов ҳамда Бош прокурор ўринбосари С.И. Самадов билан биргаликда инвестиция битимида белгиланган мажбуриятларнинг бажарилиши устидан назорат қилишга шахсан масъул этиб белгилансин;

икки ой муддатда Чорвоқ сув омборига туташ аҳоли ҳудудининг кенгайиши ва ривожланишини инобатга олган ҳолда, келажакда ушбу ҳудудларнинг инфратузилмасини ривожлантириш, шу жумладан, уларни ичимлик ва оқова сув, электр ва алоқа тармоқлари билан таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклиф киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул этиб инвестициялар, саноат ва савдо вазири Л.Ш. Кудратов, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А.А. Абдухакимов ҳамда Тошкент вилояти ҳокими З.Т. Мирзаев белгилансин.

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

17. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 1 август,
490-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING
QARORI****427 O'zbekiston Respublikasida naqd pulsiz hisob-kitoblar
to'g'risidagi nizomga qo'shimcha va o'zgartirishlar kiritish
haqida***

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
28-iyulda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3229-3*

O'zbekiston Respublikasining “O'zbekiston Respublikasining Markaziy banki to'g'risida”gi, “Banklar va bank faoliyati to'g'risida”gi qonunlari va O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 21-apreldagi PF–70-son “2025-yil uchun xususiylashtirish dasturi to'g'risida”gi Farmoniga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi:**

1. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2020-yil 15-fevraldagi 3/12-son qarori (ro'yxat raqami 3229, 2020-yil 13-aprel) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 13.04.2020-y., 10/20/3229/0455-son) bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasida naqd pulsiz hisob-kitoblar to'g'risidagi nizomga ilovaga muvofiq qo'shimcha va o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Rais**T. ISHMETOV**

Toshkent sh.,
2025-yil 11-iyul,
15/13-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 31-iyulda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil
11-iyuldagi 15/13-son qaroriga
ILOVA

**O'zbekiston Respublikasida naqd pulsiz hisob-kitoblar
to'g'risidagi nizomga kiritilayotgan qo'shimcha va
o'zgartirishlar**

1. 2-bandning birinchi xatboshisi “Banklar” degan so'zdan keyin “, shu jumladan mikromoliya banklari (bundan buyon matnda bank deb yuritiladi)” degan so'zlar bilan to'ldirilsin.

2. 33 va 49-bandlarning ikkinchi xatboshilaridagi “O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Soliq qo'mitasining” degan so'zlar “O'zbekiston Respublikasi Soliq qo'mitasining” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

3. 65-bandda:

“d” kichik banddagi “bank hisobvaraqlariga.” degan so'zlar “bank hisobvaraqlariga;” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

quyidagi mazmundagi “e” kichik band bilan to'ldirilsin:

“e) O'zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligi — davlat aktivlarini sotish bo'yicha oldi-sotdi shartnomalari va davlat ko'chmas mulk obyektlarini ijaraga berish shartnomalari bo'yicha tadbirkorlik subyektlari tan olgan qarzдорliklarni undirish to'g'risida.”.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING
QARORI

428 “Mikromoliya tashkiloti va lombard faoliyati sohasidagi
ruxsat berish va xabardor qilish tartib-taomillaridan o'tish
tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga o'zgartirish
va qo'shimchalar kiritish to'g'risida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
28-iyulda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3423-1*

O'zbekiston Respublikasining “O'zbekiston Respublikasining Markaziy banki to'g'risida”gi, “Nobank kredit tashkilotlari va mikromoliyalashtirish faoliyati to'g'risida”gi va 2025-yil 17-apreldagi O'RQ-1058-son “Tadbirkorlik subyektlarini moliyaviy qo'llab-quvvatlash tizimi takomillashtirilishi munosabati bilan O'zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida”gi qonunlariga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi:**

1. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2022-yil 30-dekabrda 30/26-son “Mikromoliya tashkiloti va lombard faoliyati sohasidagi ruxsat berish va xabardor qilish tartib-taomillaridan o'tish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qaroriga (ro'yxat raqami 3423, 2023-yil 7-mart) (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 09.03.2023-y., 10/23/3423/0129-son) ilovaga muvofiq o'zgartirish va qo'shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur qaror O'zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Rais

T. ISHMETOV

Toshkent sh.,
2025-yil 13-iyun,
12/15-son

Kelishildi:

Savdo-sanoat palatasi raisi

D. VAXABOV

2025-yil 19-may

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 29-iyulda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil
13-iyundagi 12/15-son qaroriga
ILOVA

“Mikromoliya tashkiloti va lombard faoliyati sohasidagi ruxsat berish va xabardor qilish tartib-taomillaridan o'tish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga kiritilayotgan o'zgartirish va qo'shimchalar

1. Qarorda:

1) nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Nobank kredit tashkilotlari faoliyati sohasidagi ruxsat berish va xabardor qilish tartib-taomillaridan o'tish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”;

2) 1-banddagi “Mikromoliya tashkiloti va lombard” degan so'zlar “Nobank kredit tashkilotlari” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

2. Nizomda:

1) nomi, 2, 9 va 47-bandlardagi “Mikromoliya tashkiloti va lombard” degan so'zlar “Nobank kredit tashkilotlari” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

2) muqaddimadagi “mikromoliya tashkiloti va lombard” degan so'zlar “nobank kredit tashkilotlari” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

3) 1-bandda:

to'rtinchi va beshinchi xatboshilar chiqarib tashlansin;

oltinchi xatboshi to'rtinchi xatboshi deb hisoblansin;

quyidagi mazmundagi to'rtinchi xatboshi bilan to'ldirilsin:

“nobank kredit tashkiloti — mikromoliya tashkiloti, faktoring tashkiloti, ipotekani qayta moliyalashtirish tashkiloti, kafolatlar berish tashkiloti va lombard;”;

to'rtinchi xatboshi beshinchi xatboshi deb hisoblansin;

beshinchi xatboshidagi “mikromoliya tashkiloti va lombard” degan so'zlar “nobank kredit tashkilotlari” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

4) 4-bandning to'qqizinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Nobank kredit tashkilotlari faoliyati sohasidagi ruxsat berish va xabardor qilish tartib-taomillaridan o'tishda mazkur bandda keltirilgan ma'lumotlar va hujjatlarni taqdim etishni talab qilishga yo'l qo'yilmaydi.”;

5) 2-bobning nomidagi “Mikromoliya tashkiloti hamda lombard” degan so'zlar “Nobank kredit tashkilotlari” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

6) 5 — 8-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“5. Mikromoliya tashkilotining, ipotekani qayta moliyalashtirish tashkilotining, kafolatlar berish tashkilotining yoki faktoring tashkilotining faoliyati u haqidagi ma'lumotlarni tegishincha mikromoliya tashkiloti faoliyatini amalga oshiruvchi tashkilotlar reyestriga, ipotekani qayta moliyalashtirish tashkilotlari reyestriga, kafolatlar berish tashkilotlari reyestriga yoki faktoring tashkilotlari reyestriga kiritish vositasida hisob ro'yxatidan o'tkazilganidan keyin, lombard faoliyati

esa lombard faoliyatini boshlaganlik to'g'risidagi xabarnoma qabul qilinganligi Markaziy bank tomonidan tasdiqlanganidan keyin amalga oshiriladi.

6. Nobank kredit tashkilotining firma nomida uning tashkiliy-huquqiy shakliga ko'rsatma, shuningdek tashkilotning turiga qarab "mikromoliya tashkiloti", "faktoring tashkiloti", "ipotekani qayta moliyalashtirish" yoki "lombard" degan so'z yoki so'z birikmasi, mikromoliya tashkilotining qisqartirilgan nomida esa (mavjud bo'lganda) "MMT" degan qisqartma so'z bo'lishi kerak.

O'zbekiston Respublikasi hududida ilgari tashkil etilgan yoki tashkil etilayotgan banklarning yoxud nobank kredit tashkilotlarining firma nomlari bilan chalkashtirib yuborish darajasida o'xshash bo'lgan firma nomlaridan foydalanish taqiqlanadi, bundan quyidagi hollar mustasno:

nobank kredit tashkiloti tomonidan uni tashkil etgan bankning firma nomidan foydalanishi;

bankni tashkil etgan aksiyadorlar tomonidan bankning firma nomidan nobank kredit tashkiloti firma nomida foydalanishi;

o'z faoliyatini mikromoliya banki faoliyatiga o'zgartirgan mikromoliya tashkiloti tomonidan mikromoliya tashkiloti nomidan foydalanishi.

7. Ustav fondining (ustav kapitalining) eng kam miqdori:

kafolatlar berish tashkiloti uchun — yuz milliard so'mni;

ipotekani qayta moliyalashtirish tashkiloti uchun — yigirma besh milliard so'mni;

mikromoliya tashkiloti va faktoring tashkiloti uchun — ikki milliard so'mni; lombard uchun — besh yuz million so'mni tashkil etadi.

8. Nobank kredit tashkiloti ustav fondining (ustav kapitalining) eng kam miqdori hisob ro'yxatidan o'tkazish to'g'risidagi ariza berilgan yoki lombard faoliyatini boshlaganlik to'g'risidagi xabarnoma yuborilgan kunga qadar ishtirokchilarning (aksiyadorlarning) pul mablag'laridan O'zbekiston Respublikasi milliy valyutasida shakllantiriladi. Bunda, mazkur mablag'lar mikromoliya tashkiloti, ipotekani qayta moliyalashtirish tashkiloti, kafolatlar berish tashkiloti yoki faktoring tashkiloti hisob ro'yxatidan o'tkazilguniga qadar yoxud lombard faoliyatini boshlaganlik to'g'risidagi xabarnoma yuborilguniga qadar bank hisobvarag'ida saqlanishi lozim.”;

7) 10-bandning birinchi xatboshisidagi “mikromoliya tashkiloti va lombardning” degan so'zlar “nobank kredit tashkilotining” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

8) 11-bandning birinchi xatboshisi va 6-bobning nomidagi “Mikromoliya tashkiloti va lombardning” degan so'zlar “Nobank kredit tashkilotining” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

9) 12-bandning uchinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“moliya (kredit) tashkilotining moliyaviy ahvoli yomonlashishiga yoki uning bankrot bo'lishiga yoxud amalga oshirayotgan faoliyatining tugatilishiga olib kelgan harakatlar sodir etishga va (yoki) harakatsizlikka rahbar xodimning aloqadorligi to'g'risidagi dalillarning mavjud emasligi.”;

10) 13 va 14-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“13. Nobank kredit tashkilotining mazkur Nizomning 11-bandi uchinchi va

to'rtinchi xatboshilarida ko'rsatilgan rahbar xodimlari quyidagi malaka talablariga muvofiq bo'lishi lozim:

1) mikromoliya tashkiloti, faktoring tashkiloti yoki lombardning:

ijro etuvchi organ rahbari yoki yakkaboshchilik asosidagi ijro etuvchi organ vazifalarini amalga oshiruvchi shaxsi — oliy iqtisodiy ma'lumotga yoki bank-moliya sohasida ikki yildan kam bo'lmagan ish tajribasiga ega bo'lishi;

bosh buxgalteri yoki buxgalteriya hisobi va moliyaviy boshqaruv vazifalarini amalga oshiruvchi boshqa mansabdor shaxsi — oliy ma'lumotga yoki buxgalteriya hisobini yuritish yoki moliyaviy hisobotni tuzish yoxud auditorlik faoliyati bilan bog'liq ikki yildan kam bo'lmagan ish tajribasiga ega bo'lishi;

2) ipotekani qayta moliyalashtirish tashkiloti yoki kafolatlar berish tashkilotining:

ijro etuvchi organ rahbari yoki yakkaboshchilik asosidagi ijro etuvchi organ vazifalarini amalga oshiruvchi shaxsi — oliy iqtisodiy ma'lumotga va bank-moliya sohasida besh yildan kam bo'lmagan ish tajribasiga, shundan ushbu sohalarda rahbarlik lavozimlarida kamida uch yil ish tajribasiga ega bo'lishi;

bosh buxgalteri yoki buxgalteriya hisobi va moliyaviy boshqaruv vazifalarini amalga oshiruvchi boshqa mansabdor shaxsi — oliy iqtisodiy ma'lumotga yoki buxgalteriya hisobini yuritish yoki moliyaviy hisobotni tuzish yoxud auditorlik faoliyati bilan bog'liq uch yildan kam bo'lmagan ish tajribasiga ega bo'lishi.

14. Lombard o'z faoliyatini boshlaganlik to'g'risidagi xabarnomani yuborguniga qadar garovga olinadigan ashyolarning but saqlanishini, ularga zararli ta'sir ko'rsatilishi va begona shaxslar kirishini istisno etadigan shart-sharoitlarni ta'minlaydigan alohida kassa xonasiga ega bo'lishi lozim.”;

11) quyidagi mazmundagi 14¹-band bilan to'ldirilsin:

“14¹. Lombardning kassa xonasi quyidagi talablarga javob berishi shart:

g'ishtli yoki temir beton devorlarga, mustahkam eshiklarga, pol va shiftlarga ega bo'lishi;

deraza o'rinlari bo'lmasligi;

yonmaydigan seyflar bilan jihozlangan, shuningdek ular devorga yoki polga qotirilgan bo'lishi;

ishdan tashqari vaqtda qabul-nazorat uskunasi orqali texnik qo'riqlash punktiga qo'riqlashga topshiriladigan qo'riqlash signalizatsiyasi vositalari, yong'indan avtomatik xabar beruvchi qurilmalar (tutunli, issikli va h.k.) bilan jihozlanishi hamda doimiy ishchi holatda bo'lishi;

kassirning ish joyi texnik qo'riqlash punktiga ulanadigan tashvish tugmalari bilan jihozlangan bo'lishi.

Mazkur talablarni bajarish o'rniga lombard o'z faoliyatini kompleks sug'urtalash polisini taqdim etishga haqli.”;

12) 15-bandning uchinchi xatboshisi “mazkur Nizomning 13-bandi” degan so'zlardan keyin “1-kichik bandi” degan so'zlar bilan to'ldirilsin;

13) 3-bobning nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“3-bob. Mikromoliya tashkiloti, ipotekani qayta moliyalashtirish tashkiloti, kafolatlar berish tashkiloti va faktoring tashkilotini hisob ro'yxatidan o'tkazish tartibi”;

14) 16-bandda:

a) birinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“16. Hisob ro'yxatidan o'tish uchun mikromoliya tashkiloti, ipotekani qayta moliyalashtirish tashkiloti, kafolatlar berish tashkiloti yoki faktoring tashkiloti (bundan buyon mazkur bobda ariza beruvchi deb yuritiladi) u davlat ro'yxatidan o'tkazilganidan keyin uch oydan kechiktirmay Markaziy bankka elektron platforma orqali quyidagi hujjatlarni taqdim etadi:”;

b) 2-kichik bandda:

birinchi xatboshidagi “mikromoliya tashkilotining” degan so'zlar “ariza beruvchining” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

to'rtinchi va beshinchi xatboshilardagi “ma'lumotlar” degan so'z “ma'lumotlari” degan so'z bilan almashtirilsin;

s) 3-kichik banddagi va 4-kichik bandning birinchi xatboshisidagi “mikromoliya tashkilotining” degan so'zlar “ariza beruvchining” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

15) 17-bandda:

birinchi xatboshi “mikromoliya tashkilotini” degan so'zlardan keyin “, ipotekani qayta moliyalashtirish tashkilotini, kafolatlar berish tashkilotini yoki faktoring tashkilotini” degan so'zlar bilan to'ldirilsin;

2-kichik bandning ikkinchi xatboshisi “mikromoliya tashkilotini” degan so'zlardan keyin “, ipotekani qayta moliyalashtirish tashkilotini, kafolatlar berish tashkilotini yoki faktoring tashkilotini” degan so'zlar bilan to'ldirilsin;

16) 18-bandning ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mikromoliya tashkiloti, ipotekani qayta moliyalashtirish tashkiloti, kafolatlar berish tashkiloti yoki faktoring tashkiloti norezidentlar tomonidan tashkil etilgan hollarda ushbu muddat o'n ish kuniga uzaytirilishi mumkin.”;

17) 19-banddagi “mikromoliya tashkilotiga” degan so'zlar “ariza beruvchiga” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

18) 20-banddagi “mikromoliya tashkiloti” degan so'zlar “ariza beruvchi” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

19) 21-banddagi “Mikromoliya tashkilotiga” degan so'zlar “Ariza beruvchiga” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

20) 22-banddagi “Mikromoliya tashkilotini” degan so'zlar “Ariza beruvchini” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

21) 24 va 25-bandlar o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin;

22) 5-bobning nomidagi “Mikromoliya tashkiloti va lombard” degan so'zlar “Nobank kredit tashkiloti” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

23) 31-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“31. Jismoniy va yuridik shaxslar, shu jumladan tegishincha yaqin qarindoshlari hamda ularga aloqador bo'lgan shaxslar bilan birgalikda harakat qiluvchi jismoniy va yuridik shaxslar, shuningdek norezidentlar bir yoki bir nechta bitim natijasida nobank kredit tashkilotining ustav fondidagi (ustav kapitalidagi):

o'n va undan ko'proq foizni, lekin ko'pi bilan yigirma foizni tashkil etadigan ulushini bevosita yoki bilvosita olguniga qadar Markaziy bankni xabardor qilishi; yigirma va undan ko'proq foizni tashkil etadigan ulushini bevosita yoki

bilvosita olguniga qadar Markaziy bankning dastlabki ruxsatnomasini (bundan buyon matnda dastlabki ruxsatnoma deb yuritiladi) olishi shart.”;

24) 32-bandda:

birinchi xatboshidagi “mikromoliya tashkiloti yoki lombardning” degan soʻzlar “nobank kredit tashkilotining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

1-kichik bandning birinchi va toʻrtinchi xatboshilaridagi “mikromoliya tashkiloti yoki lombardning” degan soʻzlar “nobank kredit tashkilotining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

25) quyidagi mazmundagi 32¹-band bilan toʻldirilsin:

“32¹.Ushbu Nizomning 31-bandi ikkinchi xatboshisiga muvofiq xabardor etishda Markaziy bankka mazkur Nizomning 8¹-ilovasiga muvofiq shakldagi xabarnoma yuboriladi. Bunda, xabarnomaga nobank kredit tashkilotining ustav fondidagi (ustav kapitalidagi) ulushni olish uchun yoʻnaltiriladigan mablagʻlarning manbalari toʻgʻrisida hujjatlar bilan tasdiqlangan mazkur Nizomning 4-ilovasiga muvofiq shakldagi axborot ilova qilinadi.”;

26) 33 va 34-bandlardagi “mikromoliya tashkiloti yoki lombardning” degan soʻzlar “nobank kredit tashkilotining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

27) 35-band quyidagi mazmundagi xatboshi bilan toʻldirilsin:

“Agar nobank kredit tashkilotining ustav fondidagi (ustav kapitalidagi) ulushni olishga doir dastlabki ruxsatnomani olish uchun monopoliyaga qarshi organning oldindan roziligini olish talab etilsa, nobank kredit tashkilotining ustav fondidagi (ustav kapitalidagi) ulushni olishga doir dastlabki ruxsatnomani olish uchun berilgan ariza Markaziy bank tomonidan monopoliyaga qarshi organning qarorini hisobga olgan holda koʻrib chiqiladi.”;

28) 37 va 39-bandlardagi “Mikromoliya tashkiloti yoki lombard” degan soʻzlar “Nobank kredit tashkiloti” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

29) 38-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“38. Nobank kredit tashkilotining filiali (bundan buyon matnda filial deb yuritiladi) yuridik shaxs boʻlmagan, oʻz faoliyatini nobank kredit tashkiloti nomidan uning vakolatli boshqaruv organi tomonidan tasdiqlangan nizom asosida amalga oshiradigan alohida boʻlinmasi hisoblanadi.”;

30) 40 va 41-bandlardagi “mikromoliya tashkiloti yoki lombard” degan soʻzlar “nobank kredit tashkiloti” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

31) 7-bobning nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“7-bob. Nobank kredit tashkiloti toʻgʻrisidagi maʼlumotlarni reyestrda chiqarish”;

32) 42 va 43-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“42. Nobank kredit tashkiloti toʻgʻrisidagi maʼlumotlarni tegishincha mikromoliya tashkiloti faoliyatini amalga oshiruvchi tashkilotlar reyestrda, ipotekani qayta moliyalashtirish tashkilotlari reyestrda, kafolatlar berish tashkilotlari reyestrda, faktoring tashkilotlari reyestrda yoki lombardlar reyestrda (bundan buyon matnda tegishli reyestr deb yuritiladi) chiqarish toʻgʻrisidagi qaror Markaziy bank tomonidan quyidagi hollarda qabul qilinadi:

nobank kredit tashkiloti tomonidan Oʻzbekiston Respublikasining “Nobank

kredit tashkilotlari va mikromoliyalashtirish faoliyati to'g'risida"gi Qonunida hamda mazkur Nizomda taqiqlangan va (yoki) nazarda tutilmagan faoliyat amalga oshirilganda;

mikromoliya tashkiloti, ipotekani qayta moliyalashtirish tashkiloti, kafolatlar berish tashkiloti yoki faktoring tashkiloti o'zi haqidagi ma'lumotlarni tegishli reyestrda chiqarish to'g'risidagi ariza bilan murojaat etganda, shuningdek Markaziy bank lombardning faoliyati tugatilganligi haqida xabarnoma olganda;

Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga nobank kredit tashkilotining faoliyati tugatilganligi haqida yozuv kiritilganda;

mikromoliya tashkiloti faoliyati mikromoliya banki faoliyatiga o'zgartirilganda;

nobank kredit tashkiloti to'lovga qobiliyatsiz bo'lib qolganda (kreditorlarning talablarini ularni bajarish muddatlari boshlangan kundan e'tiboran uch oy ichida qanoatlantirishga qodir emasligi va (yoki) majburiyatlarning aktivlardan oshib ketganligi);

Markaziy bankning nazoratga doir vazifalarini bajarishga to'sqinlik qilinganda;

ayrim operatsiyalarni amalga oshirish bo'yicha cheklovlarining amal qilish davrida nobank kredit tashkiloti tomonidan ushbu operatsiyalar amalga oshirilganda;

mikromoliya tashkiloti, ipotekani qayta moliyalashtirish tashkiloti, kafolatlar berish tashkiloti, faktoring tashkiloti hisob ro'yxatidan o'tkazish uchun arizada yoki lombardning faoliyati boshlanganligi to'g'risidagi xabarnomada soxta hujjatlardan foydalanganda — sud qaroriga asosan.

43. Markaziy bank quyidagi hollarda nobank kredit tashkiloti to'g'risidagi ma'lumotlarni tegishli reyestrda chiqarish to'g'risida qaror qabul qilishga haqli:

nobank kredit tashkiloti nobank kredit tashkilotlari va mikromoliyalashtirish faoliyati to'g'risidagi qonunchilik, shuningdek jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizمنى moliyalashtirishga va ommaviy qirg'in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish to'g'risidagi qonunchilik talablariga rioya etmaganda;

nobank kredit tashkiloti ustav fondining (ustav kapitalining) miqdori mazkur Nizomning 7-bandida belgilangan miqdordan kam bo'lganda;

nobank kredit tashkilotining rahbar xodimlari ishchanlik obro'siga doir talablar hamda malaka talablariga muvofiq bo'lmaganda;

O'zbekiston Respublikasi "Nobank kredit tashkilotlari va mikromoliyalashtirish faoliyati to'g'risida"gi Qonunining 4-moddasida nazarda tutilgan faoliyat ketma-ket olti oydan ortiq vaqt davomida amalga oshirilmaganda;

lombard faoliyatini amalga oshirishi uchun belgilangan talablar va shartlar bajarilganligi to'g'risida yolg'on yoki ishonchsiz axborot berilganda.”;

33) quyidagi mazmundagi 43¹ va 43²-bandlar bilan to'ldirilsin:

“43¹. Mikromoliya tashkiloti, faktoring tashkiloti, ipotekani qayta moliyalashtirish tashkiloti yoki kafolatlar berish tashkiloti uning vakolatli boshqaruv organi tomonidan mazkur tashkilot faoliyatini tugatish to'g'risida qaror qabul qilingan kundan e'tiboran besh ish kuni ichida Markaziy bankka elektron platforma orqali mazkur Nizomning 13-ilovasiga muvofiq shaklda o'zi haqidagi ma'lumotlarni tegishli reyestrda chiqarish to'g'risida ariza taqdim etadi.

43². Markaziy bank ushbu Nizomning 43¹-bandida nazarda tutilgan ariza olingan kundan e'tiboran o'n besh ish kuni ichida mikromoliya tashkiloti, faktoring tashkiloti, ipotekani qayta moliyalashtirish tashkiloti yoki kafolatlar berish tashkiloti to'g'risidagi ma'lumotlarni tegishli reyestrdan chiqarish to'g'risida qaror qabul qiladi.

Markaziy bank mikromoliya tashkiloti, faktoring tashkiloti, ipotekani qayta moliyalashtirish tashkiloti yoki kafolatlar berish tashkiloti to'g'risidagi ma'lumotlarni tegishli reyestrdan chiqarish to'g'risida qaror qabul qilgan kundan e'tiboran bir ish kuni ichida bu haqda mazkur tashkilotni elektron platforma orqali xabardor qiladi.”;

34) 45 va 46-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“45. Nobank kredit tashkiloti o'zi haqidagi ma'lumotlarni tegishli reyestrdan chiqarish to'g'risida Markaziy bankning xabarnomasini olgan sanadan e'tiboran yangi xizmatlar ko'rsatishga haqli emas.

46. Nobank kredit tashkiloti o'zi haqidagi ma'lumotlarni tegishli reyestrdan chiqarish to'g'risida Markaziy bank tomonidan qaror qabul qilinganidan keyin o'ttiz kun ichida o'z firma nomidan “mikromoliya tashkiloti”, “faktoring tashkiloti”, “ipotekani qayta moliyalashtirish”, “lombard” degan so'zni yoki so'z birikmalarini, shuningdek “MMT” degan qisqartirma so'zni hamda “kafolatlar berish” degan so'z birikmasini (mavjud bo'lganda) chiqarib tashlashi yoxud faoliyatni tugatish yoki qayta tashkil etish natijasida tugatish to'g'risida qaror qabul qilishi shart.”;

35) 1-ilova mazkur o'zgartirish va qo'shimchalarning 1-ilovasiga muvofiq tahrirda bayon etilsin;

36) 2a-ilovada:

ilova belgisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Nobank kredit tashkilotlari faoliyati
sohasidagi ruxsat berish va xabardor
qilish tartib-taomillaridan o'tish tartibi
to'g'risidagi nizomga
2a-ILOVA”;

1.1.-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“1.1. F.I.O. va jismoniy shaxsning shaxsiy identifikatsiya raqami (JSHSHIR)
_____”;

2.3.-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“2.3. Nobank kredit tashkilotining ustav fondidagi (ustav kapitalidagi) ulushga egalik qilish uchun ishlatiladigan mablag'lar manbasi va summasini ko'rsating _____

Agar nobank kredit tashkilotining ustav fondidagi (ustav kapitalidagi) ulushga egalik qilish uchun likvid aktivlar yetarli bo'lmasa va shu maqsadda boshqa aktivlarni sotish zarur bo'lsa — rejalashtirilayotgan sotuvlar haqida batafsil ma'lumotni bering _____”;

3.7.-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“3.7. Boshqa shaxslar bilan birgalikda ishtirokchilar (aksiyadorlar) umumiy yigʻilishlarida ovoz berish huquqini, shu jumladan nobank kredit tashkilotining kuzatuv kengashi (mavjud boʻlganda) va ijro etuvchi organlari aʼzolarining koʻpchiligini tayinlash huquqini kelishilgan holda amalga oshirishni hamda nobank kredit tashkilotini yoki uni nazorat qiluvchi shaxslarni boshqarishda kelishilgan faoliyatni amalga oshirishni maqsad qilgan (maqsad qiladigan) yoki shunday oqibatga olib kelgan (olib keladigan) bitimning mavjudligi yoki uni tuzish niyatining, tuzish shaklidan qatʼi nazar, mavjudligi toʻgʻrisidagi maʼlumotlarni koʻrsating _____

Mavjud boʻlsa, shartnoma nusxasini ilova qiling (shartnoma loyihasi).”;

4.1. va 4.2.-bandlardagi “mikromoliya tashkiloti/lombard” degan soʻzlar “nobank kredit tashkiloti” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

4.3.-banddagi “mikromoliya tashkilotini/lombardni” degan soʻzlar “nobank kredit tashkilotini” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

Izohlarning 3-bandidagi “Mikromoliya tashkiloti va lombard” degan soʻzlar “Nobank kredit tashkilotlari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

37) 2b-ilovada:

ilova belgisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Nobank kredit tashkilotlari faoliyati sohasidagi ruxsat berish va xabardor qilish tartib-taomillaridan oʻtish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga 2b-ILOVA”;

1.19. va 3.1.-bandlardagi “mikromoliya tashkilotining/lombardning” degan soʻzlar “nobank kredit tashkilotining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

2.4.-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“2.4. Jamiyatning kuzatuv kengashi va (yoki) ijro etuvchi organi aʼzolari, moliyaviy boshqaruvchisi yoki bosh buxgalteri, direktori jamiyat tomonidan egallik qilish moʻljallanayotgan nobank kredit tashkilotining ulushlari (aksiyalari) egasi hisoblanadimi? Agar shunday boʻlsa, quyidagi jadvalni toʻldiring:

F.I.O.	Lavozimi	Nobank kredit tashkilotining ustav fondidagi (ustav kapitalidagi) ulushi		Qoʻshimcha maʼlumotlar yoki izohlar
		soʻmda	foizda	

”.

2.6.-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“2.6. Boshqa shaxslar bilan birgalikda aksiyadorlar umumiy yigʻilishlarida ovoz berish huquqini, shu jumladan nobank kredit tashkilotining kuzatuv kengashi

yoki ijroiya organi aʼzolarining koʻpchiligini tayinlash huquqini kelishilgan holda amalga oshirishni hamda nobank kredit tashkilotini yoki uni nazorat qiluvchi shaxslarni boshqarishda kelishilgan faoliyatni amalga oshirishni maqsad qilgan (maqsad qiladigan) yoki shunday oqibatga olib kelgan (olib keladigan) bitimning mavjudligi yoki uni tuzish niyatining, tuzish shaklidan qatʼi nazar, mavjudligi toʻgʻrisidagi maʼlumotlarni koʻrsating.

Mavjud boʻlsa, shartnoma nusxasini (shartnoma loyihasini) ilova qiling.”;

3.4. va 3.5.-bandlardagi “mikromoliya tashkiloti/lombard” degan soʻzlar “nobank kredit tashkiloti” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

3.6-banddagi “mikromoliya tashkilotini/lombardni” degan soʻzlar “nobank kredit tashkilotini” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

Izohdagi “Mikromoliya tashkiloti va lombard” degan soʻzlar “Nobank kredit tashkilotlari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

38) 3-ilovada:

ilova belgisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Nobank kredit tashkilotlari faoliyati
sohasidagi ruxsat berish va xabardor
qilish tartib-taomillaridan oʻtish tartibi
toʻgʻrisidagi nizomga
3-ILOVA”;

nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

**“Nobank kredit tashkilotining/
Yuridik shaxsning rahbar xodimlari toʻgʻrisida
MAʼLUMOT”;**

1.1-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“1.1. F.I.O. va jismoniy shaxsning shaxsiy identifikatsiya raqami (JSHSHIR)
”;

1.11-banddagi jadvalning “Kirgan va tamomlagan yili” ustunidan keyin quyidagi mazmundagi ustun bilan toʻldirilsin:

Diplom raqami va sanasi

”.

Izohdagi “Mikromoliya tashkiloti va lombard” degan soʻzlar “Nobank kredit tashkilotlari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

39) 4-ilovaning ilova belgisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Nobank kredit tashkilotlari faoliyati sohasidagi ruxsat berish va xabardor qilish tartib-taomillaridan o'tish tartibi to'g'risidagi nizomga 4-ILOVA”;

40) 5-ilova o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin;

41) 6-ilovaning ilova belgisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Nobank kredit tashkilotlari faoliyati sohasidagi ruxsat berish va xabardor qilish tartib-taomillaridan o'tish tartibi to'g'risidagi nizomga 6-ILOVA”;

42) 7-ilovaning ilova belgisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Nobank kredit tashkilotlari faoliyati sohasidagi ruxsat berish va xabardor qilish tartib-taomillaridan o'tish tartibi to'g'risidagi nizomga 7-ILOVA”;

43) 8-ilovada:

ilova belgisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Nobank kredit tashkilotlari faoliyati sohasidagi ruxsat berish va xabardor qilish tartib-taomillaridan o'tish tartibi to'g'risidagi nizomga 8-ILOVA”;

nomidagi “Mikromoliya tashkilotining/Lombardning” degan so'zlar “Nobank kredit tashkilotining” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

matndagi “mikromoliya tashkilotining/lombardning” degan so'zlar “nobank kredit tashkilotining” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

44) 9-ilovada:

ilova belgisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Nobank kredit tashkilotlari faoliyati sohasidagi ruxsat berish va xabardor qilish tartib-taomillaridan o'tish tartibi to'g'risidagi nizomga 9-ILOVA”;

nomidagi “Mikromoliya tashkilotining/Lombardning” degan soʻzlar “Nobank kredit tashkilotining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

matndagi “mikromoliya tashkilotining/lombardning” degan soʻzlar “nobank kredit tashkilotining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

45) mazkur oʻzgartirish va qoʻshimchalarning 2-ilovasiga muvofiq tahrirdagi 8¹-ilova bilan toʻldirilsin;

46) 10-ilovada:

ilova belgisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Nobank kredit tashkilotlari faoliyati
sohasidagi ruxsat berish va xabardor
qilish tartib-taomillaridan oʻtish tartibi
toʻgʻrisidagi nizomga
10-ILOVA”;

nomidagi “Mikromoliya tashkiloti/Lombard” degan soʻzlar “Nobank kredit tashkiloti” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

matndagi “mikromoliya tashkilotining/lombardning” degan soʻzlar “nobank kredit tashkilotining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

47) 11-ilovada:

ilova belgisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Nobank kredit tashkilotlari faoliyati
sohasidagi ruxsat berish va xabardor
qilish tartib-taomillaridan oʻtish tartibi
toʻgʻrisidagi nizomga
11-ILOVA”;

nomidagi “Mikromoliya tashkiloti/Lombard” degan soʻzlar “Nobank kredit tashkiloti” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

matndagi “mikromoliya tashkilotining/lombardning” degan soʻzlar “nobank kredit tashkilotining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

48) 12-ilovada:

ilova belgisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Nobank kredit tashkilotlari faoliyati
sohasidagi ruxsat berish va xabardor
qilish tartib-taomillaridan oʻtish tartibi
toʻgʻrisidagi nizomga
12-ILOVA”;

nomidagi “Mikromoliya tashkiloti/Lombard” degan soʻzlar “Nobank kredit tashkiloti” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

matndagi “mikromoliya tashkilotining/lombardning” va “Mikromoliya

tashkiloti/Lombard” degan soʻzlar tegishli ravishda “nobank kredit tashkilotining” va “Nobank kredit tashkiloti” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

49) mazkur oʻzgartirish va qoʻshimchalarning 3-ilovasiga muvofiq tahrirdagi 13-ilova bilan toʻldirilsin.

“Mikromoliya tashkiloti va lombard faoliyati sohasidagi ruxsat berish va xabardor qilish tartib-taomillaridan oʻtish tartibi toʻgʻrisidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga kiritilayotgan oʻzgartirish va qoʻshimchalarga
1-ILOVA

“Nobank kredit tashkilotlari faoliyati sohasidagi ruxsat berish va xabardor qilish tartib-taomillaridan oʻtish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga
1-ILOVA

Nobank kredit tashkilotini hisob roʻyxatidan oʻtkazish toʻgʻrisida ARIZA

Quyidagi rekvizitlar bilan ____F____ni
(nobank kredit tashkilotining turi)

hisob roʻyxatidan oʻtkazishingiz soʻraladi:

1. Toʻliq firma nomi: _____;
2. Soliq toʻlovchining identifikatsiya raqami: _____;
3. Joylashgan yeri (pochta manzili): _____;
4. Bank hisobvaragʻi rekvizitlari: _____;
5. Arizaga ilova qilingan hujjatlar roʻyxati _____ varaqda:
1) _____;
2) _____;
3) _____;

...

Ushbu orqali Markaziy bank tomonidan hisob roʻyxatidan oʻtkazish uchun zarur boʻlgan barcha qoʻshimcha maʼlumotlarning tegishli tashkilotlardan olinishiga rozilik beriladi.

Taqdim etilgan maʼlumotlarning haqqoniyligi uchun muassislar toʻliq javobgar hisoblanadi.

“ ____ ” _____ 20 ____ y.

Vakolatli shaxsning F.I.O.

(imzo)“

“Mikromoliya tashkiloti va lombard faoliyati sohasidagi ruxsat berish va xabardor qilish tartib-taomillaridan o'tish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga kiritilayotgan o'zgartirish va qo'shimchalarga
2-ILOVA

“Nobank kredit tashkilotlari faoliyati sohasidagi ruxsat berish va xabardor qilish tartib-taomillaridan o'tish tartibi to'g'risidagi nizomga
8¹-ILOVA

**Nobank kredit tashkilotining ustav fondidagi
(ustav kapitalidagi) ulushni olish to'g'risida
XABARNOMA**

Ushbu orqali _____
(jismoniy shaxsning F.I.O./yuridik shaxsning to'liq firma nomi)

nobank kredit tashkilotining ustav fondidagi (ustav kapitalidagi) ulushni olish to'g'risida xabardor qiladi.

Xabardor qiluvchining ma'lumotlari:

1. JSHSHIR/STIR: _____;
2. Doimiy yashash joyi/ro'yxatdan o'tgan manzili: _____;
3. Bank hisobvarag'i rekvizitlari: _____;
4. Bog'lanish uchun telefon raqami: _____.

Amalga oshiriladigan bitim haqida ma'lumotlar:

1. Nobank kredit tashkilotining to'liq firma nomi: _____;
2. Egalik qilinadigan ulushning nominal qiymati (so'mda va foizda): _____;
3. Egalik qilish turi (bevosita/bilvosita): _____;
4. Ulush bilvosita olinadigan yuridik shaxs ma'lumotlari (to'liq firma nomi va STIR): _____;

5. Bitim summasi: _____.

Xabarnomaga ilova qilingan hujjatlar ro'yxati _____varaqda:

- 1) _____;
- 2) _____;
- 3) _____;

...

Ushbu orqali Markaziy bank tomonidan zarur bo'lgan barcha qo'shimcha ma'lumotlarning tegishli tashkilotlardan olinishiga rozilik beriladi.

Taqdim etilgan ma'lumotlarning haqqoniyligi uchun xabardor qiluvchi to'liq javobgar hisoblanadi.

“_____” _____ 20____ y.

Vakolatli shaxsning F.I.O.

(imzo)”

“Mikromoliya tashkiloti va lombard faoliyati sohasidagi ruxsat berish va xabardor qilish tartib-taomillaridan o'tish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga kiritilayotgan o'zgartirish va qo'shimchalarga
3-ILOVA

“Nobank kredit tashkilotlari faoliyati sohasidagi ruxsat berish va xabardor qilish tartib-taomillaridan o'tish tartibi to'g'risidagi nizomga
13-ILOVA

**Nobank kredit tashkilotini tegishli reyestrdan
chiqarish to'g'risidagi
ARIZA**

Sizdan _____ni
(nobank kredit tashkiloti turi)

_____ reyestrdan
(tegishli reyestr nomi)

chiqarishni so'raymiz:

1. To'liq firma nomi: _____;
2. Joylashgan yeri (pochta manzili): _____;
3. Bank hisobvarag'i rekvizitlari: _____;
4. Reyestr raqami va sanasi: _____;
5. Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR): _____;
6. Nobank kredit tashkilotini reyestrdan chiqarish uchun asos: _____.

Arizaga ilova qilingan hujjatlar ro'yxati (agar mavjud bo'lsa) _____
varaqda:

- 1) _____;
- 2) _____;
- 3) _____;
- ...

“ _____ ” 20____ y.

**Nobank kredit
tashkiloti rahbari F.I.O.**

_____ (imzo)“

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**429 «Спорт федерациялари (уюшмалари) реестрини юритиш ва ундан маълумотлар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил
29 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2939-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 18 декабрдаги ПҚ–443-сон «Ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 9 октябрдаги 11-мҳ-сон «Спорт федерациялари (уюшмалари) реестрини юритиш ва ундан маълумотлар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2939, 2017 йил 23 октябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.10.2017 й., 10/17/2939/0165-сон) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Вазир

А. ИКРАМОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 17 июнь,
7-мҳ-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 30 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
спорт вазирининг 2025 йил 17 июндаги
7-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**«Спорт федерациялари (уюшмалари) реестрини юритиш ва
ундан маълумотлар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни
тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Қарорда:

а) номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Спорт федерациялари (уюшмалари) реестрини шакллантириш,
юритиш, реестрдан чиқариш ва ундан маълумотлар тақдим этиш
тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»;**

б) муқаддимадаги «Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 2017 йил 16 мартдаги 148-сон «Ўзбекистон Республикаси
Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш
ҳақида»ги қарорига» деган сўзлар «Қонунига» деган сўз билан алмаштирил-
син;

в) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. «Спорт федерациялари (уюшмалари) реестрини шакллантириш, юри-
тиш, реестрдан чиқариш ва ундан маълумотлар тақдим этиш тартиби тўғри-
сидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.».

2. Низомнинг матни мазкур ўзгартиришларнинг иловасига мувофиқ
таҳрирда баён этилсин.

«Спорт федерациялари (уюшмалари)
реестрини юритиш ва ундан маълумотлар
тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни
тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган
ўзгартиришларга
ИЛОВА

**«Спорт федерациялари (уюшмалари) реестрини
шакллантириш, юритиш, реестрдан чиқариш ва ундан
маълумотлар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом спорт федерациялари (уюшмалари) реестрини (бундан буён матнда Реестр деб юритилади) шакллантириш, юритиш, реестрдан чиқариш ва ундан маълумотлар тақдим этиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
махсус ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги;

спорт федерацияси (уюшмаси) — бир ёки бир нечта спорт турини (спорт турининг тармоғини) ривожлантириш, оммалаштириш, шунингдек спорт тадбирларини ўтказишни ташкил этиш ҳамда спортчиларни — Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари аъзоларини спортнинг тегишли тури бўйича тайёрлаш учун аъзолик асосида ташкил этилган ва давлат рўйхатидан ўтказилган нодавлат нотижорат ташкилоти;

ахборот тизими — махсус ваколатли давлат органининг «ERP sport» ягона электрон бошқарув тизими.

2. Спорт федерациялари (уюшмалари) тўғрисидаги маълумотлар улар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин Реестрга киритилиши керак.

3. Реестрни юритиш махсус ваколатли давлат органи томонидан ахборот тизимида амалга оширилади.

2-боб. Реестрни шакллантириш

4. Реестрни шакллантириш спорт федерациялари (уюшмалари) томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Бунда, спорт федерациялари (уюшмалари) давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин спорт федерациясини (уюшмасини) Реестрга киритиш ҳақида махсус ваколатли давлат органига ариза билан мурожаат қилади.

5. Спорт федерацияларини (уюшмаларини) Реестрга киритиш учун улар қуйидаги талабларга мос келиши лозим:

ривожлантирилиши мақсад қилинган спорт тури ёки спорт турлари (спорт турининг тармоғи) бўйича халқаро спорт ташкилотига аъзо эканлиги (миллий ва адаптив спорт турлари бундан мустасно);

ривожлантирилиши мақсад қилинган спорт тури ёки спорт турлари

(спорт турининг тармоғи) бўйича спорт мусобақаларини ўтказиш ва уларда иштирок этишга доир талаблар, тартиб ва шартлар белгиланадиган қоидалар, низом (регламент) мавжудлиги;

Реестрга киритилган спорт федерацияларини (уюшмаларини) номларидан фарқланувчи ўзининг номига эга бўлиши ҳамда ривожлантирилиши мақсад қилинган спорт тури ёки спорт турлари (спорт турининг тармоғи) бошқа спорт тури ёки спорт турларининг (спорт турининг тармоғи) элементларидан фарқланиши;

Ўзбекистон Республикасида спорт машғулотлари ва спорт мусобақаларини ўтказиш талабларига жавоб берадиган спорт инфратузилмасининг мавжудлиги.

6. Реестрга киритиш ҳақидаги аризага (спорт федерациясининг (уюшмасининг) номи кўрсатилган ҳолда) қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

спорт федерациясининг (уюшмасининг) давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

спорт федерациялари (уюшмалари) қайси спорт турини ёки спорт турларини (спорт турининг тармоғини) ривожлантириш мақсадида ташкил этилган ва ўз фаолиятини амалга ошираётган бўлса, ўша спорт тури ёки спорт турлари (спорт турининг тармоғи) бўйича спорт мусобақаларини ўтказиш ва уларда иштирок этишга доир талаблар, тартиб ва шартлар белгиланадиган қоидаларнинг, низомнинг (регламентнинг) нусхаси;

спорт федерациялари (уюшмалари) раҳбар органларининг шахсий таркиби тўғрисидаги маълумотлар;

спорт федерацияларининг (уюшмаларининг) халқаро спорт ташкилотларига аъзолиги тўғрисидаги маълумотлар (миллий ва адаптив спорт тури ёки спорт турлари (спорт турининг тармоғи) бўйича спорт федерациялари (уюшмалари) бундан мустасно).

7. Спорт федерациялари (уюшмалари) Реестрга кириш тўғрисидаги ариза махсус ваколатли давлат органи раҳбарининг буйруғи билан ташкил этиладиган доимий фаолият юритадиган Спорт федерациялари (уюшмалари) реестрини шакллантириш, юритиш ва реестрдан чиқариш бўйича эксперт комиссияси (бундан буён матнда Эксперт комиссияси деб юритилади) томонидан бир ой муддатда кўриб чиқилиб, спорт федерациясини (уюшмасини) Реестрга киритиш ёки киритишни рад этиш тўғрисида хулоса берилади.

Бунда, Эксперт комиссиясининг хулосаси махсус ваколатли давлат органи Ҳайъатининг навбатдаги йиғилишига киритилади.

8. Эксперт комиссияси 11 нафар кишидан кам бўлмаган таркибда тузилади, унга махсус ваколатли давлат органининг тегишли таркибий бўлинмалари раҳбарлари ёки мутахассислари, Ўзбекистон Миллий олимпия ва паралимпия қўмиталари, спорт федерациялари (уюшмалари) ҳамда бошқа жисмоний тарбия ва спорт ташкилотларининг вакиллари киритилади.

Эксперт комиссиясига махсус ваколатли давлат органи раҳбарининг тегишли ўринбосари раислик қилади.

9. Эксперт комиссиясининг хулосаси асосида махсус ваколатли давлат органи Ҳайъатининг навбатдаги йиғилишида спорт федерацияларини (уюш-

маларини) Реестрга киритиш ёки киритишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Спорт федерациялари (уюшмалари) Реестрга киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан сўнг мазкур Низом талабларига асосан спорт федерациялари (уюшмалари) Реестрга киритилади.

Қабул қилинган қарордан кўчирма Ҳайъат йиғилишидан сўнг беш иш куни ичида аризаچига юборилади.

10. Махсус ваколатли давлат органи томонидан Реестрга истисно тариқасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари билан спорт тури ёки спорт турларини (спорт турининг тармоғини) ривожлантириш белгиланган спорт федерациялари (уюшмалари) тўғридан-тўғри киритилади.

11. Спорт федерациясини (уюшмасини) Реестрга киритишни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлиб ҳисобланади:

спорт федерациясини (уюшмасини) мазкур Низомнинг 5-бандида белгиланган талабларга мувофиқ эмаслиги;

мазкур Низомнинг 6-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганлиги ёки тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжудлиги аниқланганлиги;

муқаддам махсус ваколатли давлат органи Ҳайъати томонидан қабул қилинган спорт федерациясини (уюшмасини) Реестрга киритишни рад этиш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган камчиликларнинг бартараф этилмаганлиги.

Спорт федерацияси (уюшмаси) махсус ваколатли давлат органи Ҳайъати қарорида кўрсатилган камчиликларни бартараф этган ҳолда такроран мурожаат қилишга ҳақли.

3-боб. Реестрни юритиш

12. Реестр мазкур Низомнинг иловасида белгиланган шаклга мувофиқ ахборот тизимида электрон шаклда давлат тилида юритилади.

13. Реестрда қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

тегишли спорт федерацияларининг (уюшмаларининг) номлари;

тегишли спорт федерациялари (уюшмалари) қайси спорт турини ёки спорт турларини (спорт турининг тармоғини) ривожлантириш мақсадида ташкил этилган ва ўз фаолиятини амалга ошираётган бўлса, ўша спорт тури ёки спорт турлари (спорт турининг тармоғи);

тегишли спорт федерациялари (уюшмалари) раҳбар органларининг шахсий таркиби тўғрисидаги маълумотлар;

спорт федерацияларининг (уюшмаларининг) тегишли халқаро спорт ташкилотига аъзолиги тўғрисидаги маълумотлар (миллий ва адаптив спорт тури ёки спорт турлари (спорт турининг тармоғи) бўйича спорт федерациялари (уюшмалари) бундан мустасно).

14. Реестрга киритилган маълумотлар ўзгарган тақдирда, спорт федерациялари (уюшмалари) томонидан ушбу ўзгаришлар ҳақида ўн иш куни ичида махсус ваколатли давлат органига ўзгаришларни тасдиқловчи маълумотлар тақдим этилиши лозим. Бундай маълумотлар махсус ваколатли давлат орга-

нига тақдим этилганда, Эксперт комиссиясининг хулосаси асосида махсус ваколатли давлат органи томонидан Ҳайъатининг қарори билан Реестрга ўзгартиришлар киритилади.

15. Спорт федерациясининг (уюшмасининг) ваколатли (юқори) органи томонидан спорт федерацияси (уюшмаси) фаолиятини тугатиш ҳақида қарор (ихтиёрий тугатиш) қабул қилинганда, мазкур қарор қабул қилингандан сўнг беш иш куни ичида махсус ваколатли давлат органига спорт федерациясининг (уюшмасининг) фаолиятини тугатиш ҳақидаги қарор нусхаси аризага илова қилинган ҳолда юборилади.

Спорт федерацияси (уюшмаси) суд томонидан тугатилганда (мажбурий тугатиш), тугатувчи суднинг қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб уч иш куни ичида тугатиш ҳақидаги қарор нусхасини махсус ваколатли давлат органига юборилади.

Бундай маълумотлар махсус ваколатли давлат органига тақдим этилганда, спорт федерацияси (уюшмаси) Эксперт комиссияси томонидан берилган хулоса асосида махсус ваколатли давлат органининг Ҳайъат қарорига асосан Реестрдан чиқарилади.

16. Реестрни юритиш давомида тўпланган барча ҳужжатлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда сақланади.

4-боб. Спорт федерациясини (уюшмасини) Реестрдан чиқариш

17. Қуйидаги ҳолатлар Эксперт комиссиясининг хулосаси асосида махсус ваколатли давлат органи Ҳайъати томонидан спорт федерациясини (уюшмасини) Реестрдан чиқариш бўйича қарор қабул қилиниши учун асос ҳисобланади:

спорт федерацияларининг (уюшмаларининг) Реестрдан чиқариш юзасидан берилган аризалари асосида;

спорт федерациясининг (уюшмасининг) халқаро спорт ташкилоти аъзолигидан чиқиши (чиқарилиши) (миллий ва адаптив спорт тури ёки спорт турлари (спорт турининг тармоғи) бўйича спорт федерациялари (уюшмалари) бундан мустасно);

спорт федерацияси (уюшмаси) Реестрга киритилганидан сўнг мазкур Низомнинг 6-бандида кўрсатилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжудлиги аниқланганлиги;

ривожлантирилиши мақсад қилинган спорт тури ёки спорт турлари (спорт турининг тармоғи) бўйича спортчилар, тренерлар ва ўтказилаётган спорт мусобақалари тўғрисидаги маълумотларнинг ахборот тизимига бир йил давомида киритилмаганлиги;

спорт федерацияси (уюшмаси) Реестрга киритилганидан кейин бир йил давомида ушбу спорт федерацияси (уюшмаси) томонидан Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасига тақлиф киритилмаганлиги ёки тасдиқланган календарь режаси асосида спорт тадбирларининг ўтказилмаганлиги;

спорт федерацияси (уюшмаси) Реестрга киритилганидан кейин бир йил

давомида ушбу спорт федерацияси (уюшмаси) томонидан Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари ва уларнинг захирасини шакллантириш ва тасдиқлаш учун махсус ваколатли давлат органига тақдимнома киритилмаганлиги;

спорт федерацияси (уюшмаси) Реестрга киритилганидан кейин бир йил давомида фаолият юритмаганлиги ёки фаолияти тугатилганлиги;

Мазкур банднинг бешинчи — еттинчи хатбошиларида келтирилган қоидалар Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари бўйича фаолият олиб бораётган халқаро спорт ташкилотлари аъзоси ҳисобланган спорт федерацияларига (уюшмаларига) нисбатан қўлланилмайди.

18. Махсус ваколатли давлат органи мазкур Низомнинг 17-бандида кўзда тутилган ҳолатлар юзага келган ҳолларда Эксперт комиссиясининг ҳулосасига кўра махсус ваколатли давлат органи Ҳайъати қарорига асосан спорт федерациясига (уюшмасига) кўрсатиб ўтилган камчиликларни олти ой муддат ичида бартараф этиш бўйича тақдимнома киритади.

19. Тақдимнома киритилганидан кейин олти ой муддат ичида махсус ваколатли давлат органи Ҳайъати қарорида кўрсатиб ўтилган камчиликлар бартараф этилмаган ёки кўрсатиб ўтилган камчиликлар бартараф этилганлиги тўғрисида нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар тақдим этилган ҳолларда, спорт федерацияси (уюшмаси) Эксперт комиссияси ҳулосаси асосида махсус ваколатли давлат органи Ҳайъати қарори билан Реестрдан чиқарилади.

5-боб. Реестрдан маълумотлар тақдим этиш

20. Барча маълумотлар, улар Реестрга киритилгандан сўнг, беш кун ичида махсус ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

21. Реестрда кўрсатилган маълумотлар очиқ бўлади ва улардан ҳамма фойдаланиши мумкин, бундан тегишли спорт федерациялари (уюшмалари) раҳбар органларининг шахсий таркиби тўғрисидаги маълумотлар, агар бу маълумотлар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ очиқ бўлмаса ва ундан ҳамма фойдаланиши мумкин бўлмаса, мустасно.

22. Реестрдан маълумотлар манфаатдор шахсларнинг мурожаатларига асосан ҳам берилиши мумкин.

6-боб. Якуний қоидалар

23. Махсус ваколатли давлат органи мазкур Низом кучга киргунга қадар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган спорт федерацияларининг (уюшмаларининг) ушбу Низомда белгиланган тартибда Реестрга киритилишини таъминлайди.

24. Спорт федерациялари (уюшмалари) раҳбарлари Реестрга киритилиши лозим бўлган маълумотларнинг махсус ваколатли давлат органига тўғри ва тўлиқ тақдим этилиши учун масъул ҳисобланади.

25. Махсус ваколатли давлат органи маълумотларнинг Реестрга тўғри ва ўз вақтида киритилиши ҳамда ундан доимий равишда маълумотлар олиш имкониятининг яратилиши учун масъул ҳисобланади.

26. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Спорт федерациялари (уюшмалари) реестрини шакллантириш, юритиш, реестрдан чиқариш ва ундан маълумотлар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Спорт федерациялари (уюшмалари)
РЕЕСТРИ

Спорт федерациясининг (уюшмасининг) номи	Спорт федерациялари (уюшмалари) томонидан ривожлантиришни мақсад қилган спорт тури ёки спорт турлари (спорт турининг тармоғи)	Спорт федерациялари (уюшмалари) раҳбар органларининг шахсий таркиби тўғрисидаги маълумотлар *	Спорт федерациясининг (уюшмасининг) халқаро спорт ташкилотларига аъзолиги **

Изоҳ:

* тегишли спорт федерациялари (уюшмалари) раҳбар органларининг шахсий таркиби тўғрисидаги маълумотлар, агар бу маълумотлар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ очиқ бўлмаса ва ундан ҳамма фойдаланиши мумкин бўлмаса ушбу графа тўldирилмайди;

** спорт федерацияси (уюшмаси) халқаро спорт ташкилотларига аъзо бўлса, тўldирилади.».

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRINING
BUYRUG'I**430** Avtomototransport vositalarini qayta ro'yxatdan o'tkazishni
(qayd etishni) tashkil etish va amalga oshirish tartibi
to'g'risidagi yo'riqnomaning 14-bandiga o'zgartirish kiritish haqida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
30-iyulda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2050-4*

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 30-apreldagi PQ-155-son "Ichki ishlar organlari tizimini raqamli transformatsiya qilish bo'yicha kompleks chora-tadbirlar to'g'risida"gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. O'zbekiston Respublikasi ichki ishlar vazirining 2009-yil 13-oktabrdagi 107-son buyrug'i (ro'yxat raqami 2050, 2009-yil 30-noyabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2009-y., 50-51-son, 545-modda) bilan tasdiqlangan Avtomototransport vositalarini qayta ro'yxatdan o'tkazishni (qayd etishni) tashkil etish va amalga oshirish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaning 14-bandidagi "Tezkor-ma'lumotlar boshqarmasi" degan so'zlar "Raqamli texnologiyalar va huquqiy statistika departamenti Huquqiy statistika bosh markazi" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir

A. TASHPULATOV

Toshkent sh.,
2025-yil 10-iyul,
378-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 30-iyulda e'lon qilingan.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRINING
BUYRUG'I

431 Muayyan huquqdan mahrum qilish, axloq tuzatish ishlari va ozodlikni cheklash tariqasidagi jazolarning ijrosini tashkil etish hamda shartli hukm qilingan shaxslar ustidan nazoratni amalga oshirish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaning 6-bandiga o'zgartirish kiritish haqida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
30-iyulda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2922-2*

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 30-apreldagi PQ-155-son "Ichki ishlar organlari tizimini raqamli transformatsiya qilish bo'yicha kompleks chora-tadbirlar to'g'risida"gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. O'zbekiston Respublikasi ichki ishlar vazirining 2017-yil 27-iyuldagi 157-son buyrug'i (ro'yxat raqami 2922, 2017-yil 28-avgust) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2017-y., 35-son, 937-modda) bilan tasdiqlangan Muayyan huquqdan mahrum qilish, axloq tuzatish ishlari va ozodlikni cheklash tariqasidagi jazolarning ijrosini tashkil etish hamda shartli hukm qilingan shaxslar ustidan nazoratni amalga oshirish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaning 6-bandi oltinchi xatboshisidagi "Qoraqalpog'iston Respublikasi IIV, IIBB va IIB Tezkor-ma'lumotlar boshqarma (bo'lim)larining" degan so'zlar "Raqamli texnologiyalar va huquqiy statistika departamenti Huquqiy statistika bosh markazining" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir

A. TASHPULATOV

Toshkent sh.,
2025-yil 10-iyul,
376-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 30-iyulda e'lon qilingan.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

432 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2565-14

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 июлдаги ПФ–111-сон «Давлат бошқаруви тизимида самарадорлик, проактивлик ва натижадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 28 февралдаги 53-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 10-сон, 110-модда) билан тасдиқланган Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига иловаға мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ 2025 йил 1 августдан эътиборан қучға қиради.

Вазир

А. ТАШКУЛОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 30 июль,
18-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 31 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2025 йил 30 июлдаги
18-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва
қабул қилиш қоидаларига киритилаётган қўшимча ва
ўзгартиришлар**

1. 5-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари, фитосанитария талаблари, экологик нормалар ва қоидалар, ветеринария ҳамда ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини халқаро стандартларга мослаштириш жараёнида уларга ҳуқуқий нормаларни киритишга йўл қўйилади.»;

иккинчи ва учинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи ва тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. 93¹-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«93¹. Адлия вазирлигида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилаётган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат қайта ишлаш (таҳрирлаш) орқали давлат рўйхатидан ўтказилиши мумкин.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қайта ишлаш (таҳрирлаш) электрон тизим орқали ушбу ҳужжатни қабул қилган вазирлик ёки идоранинг биринчи раҳбари томонидан имзоланган тегишли хатга асосан Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Бунда, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, унга нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги, шунингдек ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги ва мақсадга мувофиқлиги юзасидан қайта ишланади (таҳрирланади).».

3. 95-бандда:

1) биринчи ва иккинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«95. Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рад этилган вақтдан эътиборан бекор қилинган ҳисобланади ҳамда вазирлик ва идоралар томонидан уларни бекор қилиш учун алоҳида ҳужжат қабул қилиш талаб этилмайди.

Бунда, Адлия вазирлигининг давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги ҳулосаси имзоланган вақтдан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатда унинг бекор қилинганлиги ҳақидаги белги автоматик тарзда электрон тизимда қайд этилади.»;

2) тўртинчи хатбошидан «ёхуд ҳужжатни бекор қилиш тўғрисидаги ҳужжат нусхасини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юборишга» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

4. 96-банддан «, ушбу ҳужжатни бекор қилиш ҳақидаги ҳужжатнинг нусхасини» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRINING
BUYRUG'I**433 Ma'muriy qamoqqa olingan shaxslarni qabul qilish va saqlash uchun mo'ljallangan maxsus qabulxonalarning ichki tartib qoidalariga o'zgartirishlar kiritish haqida***

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
30-iyulda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3073-4*

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 30-apreldagi PQ–155-son “Ichki ishlar organlari tizimini raqamli transformatsiya qilish bo'yicha kompleks chora-tadbirlar to'g'risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. O'zbekiston Respublikasi ichki ishlar vazirining 2018-yil 14-avgustdagi 220-son buyrug'i (ro'yxat raqami 3073, 2018-yil 29-sentabr) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 02.10.2018-y., 10/18/3073/1977-son) bilan tasdiqlangan Ma'muriy qamoqqa olingan shaxslarni qabul qilish va saqlash uchun mo'ljallangan maxsus qabulxonalarning ichki tartib qoidalarida:

1-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“1. Maxsus qabulxonaning kun tartibi maxsus qabulxonalar tomonidan mazkur Qoidalarining 1-ilovasida belgilangan namunaviy kun tartibiga asosan ishlab chiqiladi hamda Qoraqalpog'iston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi, Toshkent shahar va Toshkent viloyati ichki ishlar bosh boshqarmalari va viloyatlar ichki ishlar boshqarmalarining Jamoat xavfsizligi xizmati jamoat tartibini saqlash boshqarmalari boshliqlari tomonidan tasdiqlanadi.”;

46-banddagi “IIV-IIBB-IIBlarning Tezkor ma'lumotlar boshqarma (bo'lim) lari” degan so'zlar “Raqamli texnologiyalar va huquqiy statistika departamenti Huquqiy statistika bosh markazining hududiy bo'linmalari” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir

A. TASHPULATOV

Toshkent sh.,
2025-yil 10-iyul,
377-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 31-iyulda e'lon qilingan.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING
BUYRUG'I**434 Davlat organlari va tashkilotlari yuridik xizmat xodimlarining normativ-huquqiy hujjatlar va ularning loyihalarini korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o'tkazish faoliyatini baholash uslubiyotini tasdiqlash to'g'risida***

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
30-iyulda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3654*

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 22-oktabrdagi PQ–5263-son “Normativ-huquqiy hujjatlar va ularning loyihalarini korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o'tkazishni yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. Davlat organlari va tashkilotlari yuridik xizmat xodimlarining normativ-huquqiy hujjatlar va ularning loyihalarini korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o'tkazish faoliyatini baholash uslubiyoti ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Ushbu buyruq O'zbekiston Respublikasi Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir

A. TASHKULOV

Toshkent sh.,
2025-yil 28-iyul,
17-mh-son

Kelishildi:

**Korrupsiyaga qarshi kurashish
agentligi direktori**

A. BURXANOV

2025-yil 24-iyul

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 31-iyulda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
adliya vazirining 2025-yil 28-iyuldagi 17-mh-son
buyrug'iga
ILOVA

**Davlat organlari va tashkilotlari yuridik xizmat xodimlarining
normativ-huquqiy hujjatlar va ularning loyihalarini korrupsiyaga
qarshi ekspertizadan o'tkazish faoliyatini baholash
USLUBIYOTI**

Mazkur Uslubiyot davlat organlari va tashkilotlari yuridik xizmat xodimlarining normativ-huquqiy hujjatlar va ularning loyihalarini korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o'tkazish faoliyatini baholash (bundan buyon matnda korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o'tkazish faoliyatini baholash deb yuritiladi) tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Ushbu Uslubiyotda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

korrupsiyani keltirib chiqaruvchi omillar — korrupsiyaning ko'rinishlari uchun, korrupsiyaga oid huquqbuzarliklarni sodir etish uchun imkoniyat yaratadigan huquqiy normalar;

normativ-huquqiy hujjatlarning va ular loyihalarining korrupsiyaga qarshi ekspertizasi — normativ-huquqiy hujjatlardagi va ularning loyihalaridagi korrupsiyani keltirib chiqaruvchi omillarni aniqlashga, aniqlangan korrupsiyani keltirib chiqaruvchi omillarni bartaraf etishga qaratilgan tavsiyalar ishlab chiqish va choralar ko'rishga yo'naltirilgan tadbirlar majmui;

cheklist — normativ-huquqiy hujjatlardagi va ularning loyihalaridagi korrupsiyani keltirib chiqaruvchi omillarni aniqlash bo'yicha namunaviy shakldagi savolnoma.

2. Korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o'tkazish faoliyatini baholash maqsadlari quyidagilardan iborat hisoblanadi:

normativ-huquqiy hujjatlar va ularning loyihalarini korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o'tkazish vazifasi zimmasiga yuklatilgan davlat organlari va tashkilotlari (bundan buyon matnda mas'ul davlat tashkilotlari deb yuritiladi) yuridik xizmat xodimlarining ushbu faoliyatni amalga oshirishdagi mas'uliyatini kuchaytirish;

normativ-huquqiy hujjatlar va ular loyihalarining korrupsiyaga qarshi ekspertizasi sifatini oshirish;

mas'ul davlat tashkilotlari yuridik xizmat xodimlarining normativ-huquqiy hujjatlar va ularning loyihalarini korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o'tkazish faoliyatining shaffoligini ta'minlash.

3. Normativ-huquqiy hujjatlar va ular loyihalarining korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o'tkazish faoliyatini baholash har yili 20-yanvarga qadar Adliya vazirligi tomonidan amalga oshiriladi, bundan idoraviy normativ-huquqiy

hujjatlarni korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o'tkazish faoliyatini baholash mustasno.

4. Korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o'tkazish faoliyatini baholashda bir kalendar yili davomida 5 ta yoki undan ortiq normativ-huquqiy hujjatlar loyihalarini huquqiy ekspertiza uchun Adliya vazirligiga kiritgan, shuningdek normativ-huquqiy hujjatlarni korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o'tkazgan va natijalari bo'yicha to'ldirilgan cheklistlarni Adliya vazirligiga taqdim etgan mas'ul davlat tashkilotlarining korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o'tkazish faoliyati baholanadi.

2-bob. Korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o'tkazish faoliyatini baholashni tashkil etish

5. Korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o'tkazish faoliyatini baholash Adliya vazirligi tomonidan ushbu Uslubiyotning 1-ilovasida* belgilangan mezonlar asosida, umumiy 100 ballik tizimda amalga oshiriladi. Bunda, har bir mezon uchun quyidagicha ball beriladi:

normativ-huquqiy hujjatlar va ularning loyihalarini korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o'tkazish qamrovi — 10 ball;

normativ-huquqiy hujjatlar va ularning loyihalarining korrupsiyaga qarshi ekspertizasi natijasida aniqlangan korrupsiyani keltirib chiqaruvchi omillarning muvofiqligi — 30 ball;

normativ-huquqiy hujjatlar va ularning loyihalarining korrupsiyaga qarshi ekspertizasi natijasida to'ldirilgan cheklistda barcha korrupsiyani keltirib chiqaruvchi omillar ko'rsatilganligi — 50 ball;

normativ-huquqiy hujjatlar va ularning loyihalarini korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o'tkazish natijalarining ommaviy axborot vositasida chiqarilganligi — 10 ball.

6. Korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o'tkazish faoliyatini baholash Adliya vazirligi tomonidan quyidagi ketma-ketlikda amalga oshiriladi:

1) korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o'tkazilishi lozim bo'lgan quyidagi normativ-huquqiy hujjatlar va ularning loyihalari soni aniqlanadi va o'zaro qo'shiladi:

Normativ-huquqiy hujjatlar loyihadini ishlab chiqish va kelishishning yagona elektron tizimi orqali Adliya vazirligiga huquqiy ekspertiza uchun kiritilgan normativ-huquqiy hujjatlar loyihalari;

“Normativ-huquqiy hujjatlarning va ular loyihalarining korrupsiyaga qarshi ekspertizasi to'g'risida”gi Qonunga muvofiq mas'ul davlat tashkilotlari tomonidan har yili tasdiqlanadigan normativ-huquqiy hujjatlarni korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o'tkazish rejalarida (bundan buyon matnda ish reja deb yuritiladi) korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o'tkazish belgilangan normativ-huquqiy hujjatlar;

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 16-avgustdagi PF-111-son “Ijtimoiy munosabatlarni huquqiy tartibga solishning barqarorligini ta'minlash, sifati va samaradorligini oshirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi Farmoniga asosan qonunchilik hujjatlarining korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o'tkazish bo'yicha

* 1-ilova «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da e'lon qilingan.

kompleks rejasi (bundan buyon matnda kompleks reja deb yuritiladi) ijrosi doirasida mas'ul davlat tashkilotlari tomonidan korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o'tkazilgan normativ-huquqiy hujjatlar.

Bunda, ish reja va kompleks rejada takrorlangan normativ-huquqiy hujjatlar bitta deb hisoblanadi;

2) normativ-huquqiy hujjatlar va ular loyihalarining umumiy sonidan korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o'tkazilganlari aniqlanadi va baholanadi;

3) mas'ul davlat tashkiloti tomonidan normativ-huquqiy hujjatlar va ular loyihalarining korrupsiyaga qarshi ekspertizasi natijasida to'ldirilgan cheklistlarda ko'rsatilgan korrupsiyani keltirib chiqaruvchi omillarning soni aniqlanadi;

4) cheklistda ko'rsatilgan korrupsiyani keltirib chiqaruvchi omillarning haqiqatda "Normativ-huquqiy hujjatlarning va ular loyihalarining korrupsiyaga qarshi ekspertizasi to'g'risida"gi Qonun hamda Normativ-huquqiy hujjatlar va ular loyihalarida korrupsiyani keltirib chiqaruvchi omillarni aniqlash uslubiyotiga (ro'yxat raqami 3470, 2023-yil 31-oktabr) muvofiqligi aniqlanadi va baholanadi;

5) mas'ul davlat tashkilotlari tomonidan normativ-huquqiy hujjatlar va ular loyihalarining korrupsiyaga qarshi ekspertizasi natijasida normativ-huquqiy hujjatlar va ular loyihalarida bo'lishi mumkin bo'lgan barcha korrupsiyani keltirib chiqaruvchi omillarning aniqlanganligi tekshiriladi va baholanadi;

6) mas'ul davlat tashkilotlari tomonidan normativ-huquqiy hujjatlar va ular loyihalarining korrupsiyaga qarshi ekspertizasi natijalari ommaviy axborot vositasiga chiqarilganligi ommaviy axborot vositasining rasmiy nashrlari va veb-sahifalari hamda O'zbekiston Respublikasi Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi ma'lumotlari asosida tekshiriladi;

7) Adliya vazirligi tomonidan korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o'tkazish faoliyatini baholash reytingi ushbu Uslubiyotning 2-ilovasiga* muvofiq shakllantiriladi;

8) korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o'tkazish faoliyatini baholash natijalari O'zbekiston Respublikasi Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligiga, baholashdan o'tkazilgan barcha mas'ul davlat tashkilotlariga hamda ommaviy axborot vositalariga taqdim etiladi.

Bunda, mas'ul davlat tashkilotlariga ularni baholash natijalaridan kelib chiqib, quyidagi takliflardan biri yuboriladi:

"a'lo" ko'rsatkichi bilan baholangan mas'ul davlat tashkilotlari yuridik xizmat xodimlarini rag'batlantirish;

"qoniqarsiz" ko'rsatkichi bilan baholangan mas'ul davlat tashkilotlari yuridik xizmat xodimlari faoliyatini yaxshilash bo'yicha chora-tadbirlar ishlab chiqish va intizomiy jazo qo'llash bo'yicha choralar ko'rish masalasini ko'rib chiqish.

7. Korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o'tkazish faoliyatini baholash uchun talab etiladigan ma'lumotlar quyidagi manbalar asosida aniqlanadi:

1) O'zbekiston Respublikasi Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligidan:

mas'ul davlat tashkilotlari tomonidan tasdiqlangan ish reja bo'yicha belgilangan normativ-huquqiy hujjatlar soni;

* 2-ilova «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da e'lon qilingan.

mas'ul davlat tashkilotlari tomonidan ish rejaga muvofiq korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o'tkazilgan normativ-huquqiy hujjatlar soni;

2) mas'ul davlat tashkilotlaridan:

normativ-huquqiy hujjatlar va ularning loyihalarini korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o'tkazish natijalari bo'yicha to'ldirilgan cheklist;

normativ-huquqiy hujjatlar va ularning loyihalarini korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o'tkazish natijalarining ommaviy axborot vositalariga chiqarilganligi;

3) Normativ-huquqiy hujjatlar loyihasini ishlab chiqish va kelishishning yagona elektron tizimidan Adliya vazirligiga huquqiy ekspertiza uchun kiritilgan normativ-huquqiy hujjatlar loyihalari soni;

4) ommaviy axborot vositasi rasmiy nashrlari va veb-sahifalaridan mas'ul davlat tashkilotlarining korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o'tkazish natijalari haqida axborot.

3-bob. Korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o'tkazish faoliyatini baholash bo'yicha ballarni hisoblash

8. Normativ-huquqiy hujjatlar yoki ularning loyihalarini korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o'tkazish qamrovi quyidagi formula asosida aniqlanadi:

$$N_{\text{qamrov}} = (B / A) * 10 \text{ (1)},$$

bunda:

N_{qamrov} — normativ-huquqiy hujjatlar yoki ularning loyihalarini korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o'tkazish qamrovi;

A — mas'ul davlat tashkilotlari tomonidan korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o'tkazilishi lozim bo'lgan normativ-huquqiy hujjatlar va ularning loyihalari umumiy soni;

B — mas'ul davlat tashkilotlari tomonidan korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o'tkazilgan normativ-huquqiy hujjatlar va ular loyihalarining umumiy soni.

9. Normativ-huquqiy hujjatlar va ular loyihalarining korrupsiyaga qarshi ekspertizasi natijasida aniqlangan korrupsiyani keltirib chiqaruvchi omillarning "Normativ-huquqiy hujjatlarning va ular loyihalarining korrupsiyaga qarshi ekspertizasi to'g'risida"gi Qonun hamda Normativ-huquqiy hujjatlar va ular loyihalarida korrupsiyani keltirib chiqaruvchi omillarni aniqlash uslubiyotiga (ro'yxat raqami 3470, 2023-yil 31-oktabr) muvofiqligi quyidagi formula asosida aniqlanadi:

$$N_{\text{muvofiqlik}} = (E / D) * 30 \text{ (2)},$$

bunda:

$N_{\text{muvofiqlik}}$ — muvofiqligi tasdiqlangan korrupsiyani keltirib chiqaruvchi omillar bo'yicha hisoblangan ball;

D — mas'ul davlat tashkilotlari tomonidan normativ-huquqiy hujjatlar va ularning loyihalarini korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o'tkazish jarayonida aniqlangan va cheklistda ko'rsatilgan korrupsiyani keltirib chiqaruvchi omillar soni;

E — mas'ul davlat tashkilotlari tomonidan aniqlangan va cheklistda ko'rsatilgan hamda Adliya vazirligi tomonidan haqiqatda korrupsiyani keltirib chiqaruvchi omillar deb topilgan holatlar soni.

Mas'ul davlat tashkilotlari tomonidan korrupsiyani keltirib chiqaruvchi omillar aniqlanmagan taqdirda to'g'ridan to'g'ri 30 ball beriladi.

10. Normativ-huquqiy hujjatlarning va ularning loyihalarini korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o'tkazish natijasida to'ldirilgan cheklistda barcha korrupsiyani keltirib chiqaruvchi omillar ko'rsatilganligi quyidagi formula asosida aniqlanadi:

$$N_{\text{to'liqlik}} = (E / (E + F)) * 50 \text{ (3)},$$

bunda:

$N_{\text{to'liqlik}}$ — normativ-huquqiy hujjatlar yoki ularning loyihalarini korrupsiyaga qarshi ekspertizasi natijasida to'ldirilgan cheklistda barcha korrupsiyani keltirib chiqaruvchi omillarning ko'rsatilganligi bo'yicha hisoblangan ball;

E — mas'ul davlat tashkilotlari tomonidan aniqlangan va cheklistda ko'rsatilgan hamda Adliya vazirligi tomonidan haqiqatda korrupsiyani keltirib chiqaruvchi omillar deb topilgan holatlar soni;

F — Adliya vazirligi tomonidan korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o'tkazish jarayonida aniqlangan korrupsiyani keltirib chiqaruvchi omillar soni.

Adliya organi tomonidan qo'shimcha korrupsiyani keltirib chiqaruvchi omillar aniqlanmagan taqdirda to'g'ridan to'g'ri 50 ball beriladi.

11. Normativ-huquqiy hujjatlar va ularning loyihalarini korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o'tkazish natijalari bo'yicha tegishli ma'lumotlar ommaviy axborot vositalariga chiqarilganda 10 ball beriladi.

12. Korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o'tkazish faoliyatini baholash natijasida to'plangan ballar asosida yuridik xizmat xodimlarining yakuniy baholash ko'rsatkichlari quyidagicha belgilanadi:

86 — 100 ball — “a'lo”;

71 — 85 ball — “qoniqarli”;

1 — 70 ball — “qoniqarsiz”.

4-bob. Yakuniy qoidalar

13. Mazkur Uslubiyot talablarini buzishda aybdor bo'lgan shaxslar qonunchilik hujjatlariga muvofiq javob beradi.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР МИЛЛИЙ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

435 Қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларининг бузилишига доир ишларни кўриб чиқиш ва санкциялар қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил
30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3655*

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»-ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги ПҚ–3150-сон «Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларининг бузилишига доир ишларни кўриб чиқиш ва санкциялар қўллаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

Д. ЛИ

Тошкент ш.,
2025 йил 19 июнь,
08-сон

Келишилди:

**Тадбиркорлик субъектларининг
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини
ҳимоя қилиш бўйича вакил ўринбосари**

Ж. УРУНОВ

2025 йил 4 июнь

**Савдо-саноат
палатаси раиси**

Д. ВАХАБОВ

2025 йил 12 июнь

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 31 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги
директорининг 2025 йил 19 июндаги
08-сон буйруғига
ИЛОВА

**Қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчилик
ҳужжатларининг бузилишига доир ишларни кўриб чиқиш ва
санкциялар қўллаш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларининг бузилишига доир ишларни кўриб чиқиш ва санкциялар қўллаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

эмитент — эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарувчи ва улар юзасидан қимматли қоғозларнинг эгалари олдидан мажбуриятлари бўлган юридик шахс;

қимматли қоғозлар — ҳужжатлар бўлиб, улар мазкур ҳужжатларни чиқарган юридик шахс билан уларнинг эгаси ўртасидаги мулкӣ ҳуқуқларни ёки қарз муносабатларини тасдиқлайди, дивидендлар ёки фоизлар тарзида даромад тўлашни ҳамда ушбу ҳужжатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказиш имкониятини назарда тутаети;

қимматли қоғозлар бозори — юридик ва жисмоний шахсларнинг қимматли қоғозларни чиқариш, жойлаштириш ва уларнинг муомаласи билан боғлиқ муносабатлари тизими;

қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият — қимматли қоғозларни чиқариш, жойлаштириш ва уларнинг муомаласи билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш бўйича лицензияланадиган ёки қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органини хабардор қилиш тартибидан амалга ошириладиган фаолият тури;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи (бундан буён матнда ваколатли давлат органи деб юритиладиган) — Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги.

2. Ваколатли давлат органи ўз ваколатлари доирасида қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузган қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари, биржалар, қимматли қоғозларнинг эмитентлари ва «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» АЖ (бундан буён матнда қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари деб юритиладиган) томонидан қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади ҳамда мазкур Низомнинг 30-банди «б» кичик бандида белгиланган санкцияларни қўллайди.

3. Қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини

бузганлик учун маъмурий жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган тартибда қўлланилади.

2-боб. Қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш

4. Ваколатли давлат органи томонидан қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш учун қуйидагилар асос ҳисобланади:

давлат органларининг, жумладан ички ишлар, прокуратура ва суд органларининг қоидабузарликлар акс эттирилган ҳужжатлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари;

оммавий ахборот воситаларининг қонунчилик бузилганлигини акс эттирувчи хабарлари;

ваколатли давлат органи томонидан назорат функцияларининг амалга оширилиши, шунингдек ўрганиш давомида қонунчилик бузилганлигининг аниқланиши;

ҳисобот тарзида олинган маълумотлар;

қоидабузарликларни тасдиқловчи бошқа маълумотлар.

5. Ваколатли давлат органи қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузганлик ҳолатини аниқлаш мақсадида мазкур Низомнинг 4-бандида назарда тутилган ҳужжатларни ўрганади.

Бунда, ҳужжатларни ўрганиш давомида қуйидагилар аниқланади:

мазкур масалани кўриб чиқиш ваколатли давлат органининг ваколатига тааллуқлилиги;

қонунчилик бузилиши белгиларининг мавжудлиги;

ишни кўриб чиқиш учун материалларнинг етарли эканлиги;

ишда иштирок этиш учун жалб этилиши лозим бўлган шахслар;

ишнинг тўғри ва ҳар томонлама кўриб чиқилиши учун зарур бўлган бошқа маълумотлар.

6. Ваколатли давлат органи ҳужжатларни ўрганиш давомида:

республика ижро этувчи ҳокимият органларидан, қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларидан ўз ваколатлари доирасида маълумотлар ва ҳужжатларни сўраш ҳамда олишга;

жисмоний ва юридик шахслардан ёзма ёки оғзаки тушунтиришлар олишга;

ишни ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа чораларни кўришга;

ишни кўриб чиқишда хулосалар ва тушунтиришлар бериш учун экспертлар ёки мутахассисларни жалб этишга ҳақли.

7. Ҳужжатларни ўрганиш натижаларига кўра, қонунчилик бузилиши ҳолатлари мавжуд бўлган тақдирда, ваколатли давлат органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан мазкур Низомнинг 1-илувасига* мувофиқ

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш ҳақида қарор (бундан буён матнда қарор деб юритилади) қабул қилинади.

Мазкур қарор билан Қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича комиссия (бундан буён матнда комиссия деб юритилади) тузилади ҳамда комиссия раис ва аъзолардан иборат таркибда тасдиқланади.

Комиссия таркибига ваколатли давлат органининг мансабдор шахслари ва ходимлари, шунингдек заруратга кўра бошқа давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари, шу жумладан қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг бирлашмалари (уюшмалари) вакиллари киритилади.

Комиссия аъзоларининг умумий сони тоқ бўлиши ва уч кишидан кам бўлмаслиги лозим.

Комиссия ишини ташкил этиш ва мажлисларга тайёргарлик кўриш комиссия котиби зиммасига юклатилади.

Комиссия мажлиси учун кворум комиссия аъзоларининг умумий сонини камида етмиш беш фоизини ташкил этади.

8. Комиссия аъзоси қуйидаги ҳолатларда ишни кўриб чиқишда иштирок этиши мумкин эмас ва рад этилиши лозим:

ишда иштирок этувчи шахслар ёки уларнинг вакилларининг яқин қариндоши бўлса;

ишнинг натижасидан бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлса ёхуд унинг ҳолислигига шубҳа туғдирувчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса.

Ушбу банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган асослар мавжуд бўлса, комиссия аъзоси ўзини ўзи рад этиш ҳақида ваколатли давлат органи раҳбарига (раҳбар ўринбосарига) ариза бериши шарт.

9. Ваколатли давлат органи томонидан қарор қабул қилингандан сўнг тегишли ҳужжатлар ишни кўриб чиқиш учун комиссияга юборилади. Қарор нусхаси уч иш кунидан кечиктирмасдан қимматли қоғозлар бозори иштирокчисига буюртма хат билан юборилиши ёки имзо остида топширилиши ёхуд электрон почта орқали жўнатилиши лозим.

Қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик ҳолати аниқланган кундан бошлаб икки ой ичида мазкур ҳолат юзасидан ишни кўриб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилиниши лозим.

10. Ваколатли давлат органи томонидан қуйидаги ҳолларда қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилинмайди:

қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилмаганлиги аниқланганда;

юрidik шахс тўловга қобилиятсиз (банкрот) деб топилганда ёки тугатилганда ёхуд жисмоний шахс вафот этганда;

жавобгарликни белгиловчи қонунчилик нормаси бекор қилинганда;

қимматли қоғозлар бозори иштирокчисига (унинг мансабдор шахсига) нисбатан мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши мавжуд бўлганда;

қимматли қоғозлар бозори иштирокчисига нисбатан қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги иш мавжуд бўлганда, ваколатли давлат органининг қимматли қоғозлар бозори иштирокчисига нисбатан санкцияларни қўллаш ёхуд иш юритишни тўхтатиш тўғрисидаги қарори мавжуд бўлганда;

қимматли қоғозлар бозори иштирокчисига нисбатан худди шу иш бўйича суднинг иш юритуви ёки қонуний кучга кирган қарори мавжуд бўлганда;

жисмоний ёки юридик шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланганлиги муносабати билан қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқмасдан қолдириш тўғрисидаги муурожаати келиб тушганда.

11. Қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги иш ваколатли давлат органи томонидан қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ичида кўриб чиқилади. Ишни кўриб чиқиш муддати ваколатли давлат органи раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

12. Қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахслар (бундан буён матнда ишда иштирок этадиган шахслар деб юритилади) йиғилиш ўтказиладиган санадан камида уч кун олдин ишни кўриб чиқиш жойи ва вақти тўғрисида ёзма равишда ёки алоқа воситаларидан (телефон, электрон почта ва бошқалар) фойдаланган ҳолда хабардор қилинади.

Қимматли қоғозлар бозори иштирокчиси, ҳуқуқлари бузилган шахс, эксперт ва таржимон, шунингдек иш бўйича жалб қилинган бошқа шахслар ишда иштирок этувчи шахслар ҳисобланади.

13. Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари ваколатли давлат органи томонидан қарор қабул қилинган кундан бошлаб:

қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги иш бўйича материаллар билан танишиш (давлат сири ҳисобланган ва қонун билан қўриқланадиган бошқа махфий маълумотлардан ташқари) ва улардан ўз ҳисобидан нусха олиш;

оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш;

далиллар тақдим этиш ва уларни ўрганишда қатнашиш;

қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахсларга саволлар бериш;

қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги иш бўйича ишда иштирок этувчи шахсларга саволлар бериш;

ариза ва (ёки) илтимоснома бериш;

ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимосномалари ва далилларига эътироз билдириш ҳамда иш бўйича қарор устидан шикоят қилиш;

адвокат хизматларидан фойдаланиш;

комиссия томонидан таклиф этилган экспертдан (мутахассисдан) норози бўлган тақдирда, ўз ҳисобидан бошқа экспертни (мутахассисни) таклиф қилиш;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

14. Агар қимматли қоғозлар бозори иштирокчиси ва ҳуқуқлари бузилган шахс ишни кўриб чиқиш жойи ва вақти тўғрисида белгиланган тартибда хабардор қилинган бўлишига қарамасдан ишда иштирок этиш учун келмаган бўлса, иш комиссиянинг қарори билан уларнинг иштирокисиз кўриб чиқиши мумкин.

15. Қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга тайёргарлик кўриш жараёнида комиссия:

зарур ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш, улардан нусхалар олиш ва уларни иш материалларига қўшиш;

ишда иштирок этаётган шахслардан, шу жумладан қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг раҳбарлари (мансабдор шахслари) ва ходимларидан ёзма ва оғзаки тушунтиришлар олиш;

сўровлар асосида қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик ҳолатларини ўрганиш учун давлат органларидан ахборот ва материалларни олиш, шунингдек мазкур ҳолатларни биргаликда ўрганиш;

заруратга кўра, ишда иштирок этиш учун бошқа шахсларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

Комиссия иш ҳолатларини ўз вақтида, ҳар томонлама ва холисона аниқлаш учун бошқа чораларни ҳам кўриш ҳуқуқига эга.

16. Қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш жараёнида комиссия мажлисида раислик қилувчи ишда иштирок этувчи шахсларни ишнинг мазмуни ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан таништиради.

17. Қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари бўлган юридик шахсларнинг номидан уларнинг раҳбарлари ва (ёки) ишончнома асосида вакиллари иштирок этиши мумкин.

18. Қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда комиссия:

ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларини, экспертлар ва мутахассисларнинг хулосаларини ҳамда гувоҳларнинг кўрсатмаларини эшитади;

ҳужжатлар ва далиллар билан танишади ҳамда уларни эълон қилади;

қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик ҳолати мавжудлиги ёки бузилмаганлиги тўғрисида хулоса чиқариш имконини берадиган далиллар етарли бўлмаганда ёки мавжуд бўлмаганда, ишда иштирок этувчи шахслардан қўшимча материаллар талаб қилади.

19. Банклар томонидан қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда эксперт сифатида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг вакили таклиф этилади.

20. Эксперт ва мутахассислар иш материаллари билан танишиш, хулоса

бериш учун зарур бўлган қўшимча иш материалларини бериш тўғрисида илтимоснома киритиш, ишни кўриб чиқишда йиғилишда иштирок этиш ҳамда ишда иштирок этувчи шахсларга саволлар бериш ҳуқуқига эга.

21. Комиссия мажлисида котиб комиссия раиси ва аъзолари томонидан имзоланадиган мажлис баённомасини юритади. Котиб бўлмаган тақдирда, мажлис баённомасини юритиш комиссия аъзоларидан бири томонидан амалга оширилади.

22. Қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш қўйидаги ҳолатларда комиссия томонидан кейинга қолдирилади:

қимматли қоғозлар бозори иштирокчиси ва (ёки) унинг вакилининг комиссия мажлисида иштирок эта олмаслиги сабабли ишни кейинга қолдириш тўғрисидаги илтимосномаси мавжуд бўлганда;

қўшимча далилларни олиш ёки эксперт (мутахассис) ва (ёки) бошқа шахсларни ишга жалб қилиш зарур бўлганда;

комиссия мажлиси видеоконференцалоқа режимида ўтказилаётганда, видеоконференцалоқа ўрнатиш имкони бўлмаган тақдирда;

ишни қўшимча ўрганиш зарурати мавжуд бўлганда.

Комиссия томонидан ишни кўриб чиқишни кейинги қолдириш тўғрисида қарор қабул қилинганда, ишни кўриб чиқиш муддати тўхтатилмайди.

23. Қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш қўйидаги ҳолатларда тўхтатиб турилиши мумкин:

суд, солиқ ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда кўриб чиқиляётган ишнинг хулосалари қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш натижалари учун аҳамиятли бўлганда;

экспертизадан ўтказиш, тегишли эксперт ёки мутахассиснинг хулосасини олиш зарур бўлганда;

маълумотларни қўшимча ўрганиш ва сўраш талаб қилинганда;

табiiй офатлар, эпидемиялар ва ишни кўриб чиқишга тўсқинлик қилувчи бошқа сабаблар пайдо бўлганда;

қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари ва (ёки) уларнинг вакиллари давлат мажбуриятини бажариш учун жалб қилинганда.

Ишни кўриб чиқиш унинг кўриб чиқилишини тўхтатишга сабаб бўлган ҳолатлар бартараф этилгандан кейин қайта тикланади.

Ишни кўриб чиқиш тўхтатилганда, ишни кўриб чиқиш муддати тўхтатилади ва иш қайта бошланган пайтдан бошлаб давом этади. Ишни кўриб чиқиш ишни тўхтатиб қўйишдан олдин комиссия мажлиси тугаган пайтдаги ҳолатдан бошлаб давом этади.

24. Қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш комиссия томонидан қўйидаги ҳолатларда тўлиқ ёки қисман тугатилади:

қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик ҳолатлари тасдиқланмаганда;

қимматли қоғозлар бозори иштирокчиси қонунчилик бузилишини ихтиёрий равишда бартараф этганда;

ваколатли давлат органи томонидан кўриб чиқиладиган иш бўйича суд томонидан қарор қабул қилинганда.

25. Комиссиянинг ишни кўриб чиқишни кейинги қолдириш, ишни кўриб чиқиш муддатини узайтириш, тўхтатиб туриш, тугатиш ва қайта тиклаш тўғрисидаги қарори комиссия мажлисининг баённомасида акс эттирилади ҳамда мажлисда иштирок этган комиссия раиси ва аъзолари томонидан имзоланади.

Комиссиянинг ишни кўриб чиқиш муддатини узайтириш, тўхтатиб туриш, тугатиш ва қайта тиклаш тўғрисидаги баённомаси асосида ваколатли давлат органи томонидан тегишли қарор қабул қилинади ҳамда қарор нусхаси у қабул қилинган кундан бошлаб уч иш куни ичида ишни кўриб чиқишда иштирок этувчи шахсларга юборилади.

26. Ваколатли давлат органи раҳбари (раҳбар ўринбосари) рухсати билан қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан содир этилган бошқа қонунчилик бузилиши ҳолатлари кўриб чиқиладиган иш билан бирга қўшиб кўриб чиқилади.

Бунда, янги ҳолатлар ишга қўшилганда, комиссиянинг тегишли қарори қабул қилинади ҳамда баённома имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида қимматли қоғозлар бозори иштирокчисига бу ҳақда маълум қилинади.

Янги ҳолатлар бўйича иш ҳажми кўп бўлганда ва уни кўриб чиқиш учун кўп вақт талаб этилган тақдирда, ваколатли давлат органи раҳбари (раҳбар ўринбосари) ишни алоҳида кўриб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Бунда, иш мазкур Низомга мувофиқ умумий тартибда кўриб чиқилади.

27. Комиссия ўзаро боғлиқ бўлган бир нечта ишни, агар бу тўғри қарор қабул қилишга қўмаклашса, битта иш юритишга бирлаштиришга ҳақли.

Ишларни бирлаштиришга комиссиянинг ишни кўриш якуни бўйича қарори қабул қилингунига қадар йўл қўйилади. Ишлар бирлаштирилганда улар бўйича ишни кўриш муддати кейинроқ тайинланган иш бўйича белгиланади.

Комиссия ўзаро боғлиқ бўлган бир нечта масалалар бўйича бир ишни ажратиб кўришни мақсадга мувофиқ деб топса, у иш бўйича бир ёки бир нечта масалани алоҳида иш юритишга ажратишга ҳақли.

Алоҳида иш юритишга ажратишга ишни кўриш якуни бўйича комиссия қарори қабул қилингунига қадар ёки уни қабул қилиш билан бир вақтда йўл қўйилади.

28. Комиссия томонидан қарор очиқ овоз бериш орқали кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда, комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Комиссия раиси ва аъзолари овоз беришда бетараф бўлиши мумкин эмас. Комиссия раиси комиссия аъзоларидан кейин овоз беради.

Қабул қилинган қарордан норози бўлган комиссия аъзоси ўз мустақил фикрини ёзма тарзда баён қилишга ва уни комиссия баённомасига қўшиб қўйишга ҳақли. Алоҳида фикр ишга қўшиб қўйилади, лекин эълон қилин-

майди. Ишда иштирок этувчи шахслар алоҳида фикр билан таништирилмайди.

29. Комиссия мажлиси баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

ишнинг номи ва тартиб рақами;

мажлиснинг ўтказилган вақти ва жойи;

комиссия таркиби;

ишни кўриб чиқишда иштирок этувчи шахслар ва уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар текширилганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

ишни кўриб чиқишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномалари ва эътирозлари;

ишни кўриб чиқишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари, мутахассисларнинг изоҳлари ва ёзма далиллари тўғрисидаги маълумотлар;

комиссиянинг қабул қилган қарори;

бошқа маълумотлар.

Мажлис баённомаси комиссия раиси, аъзолари ва комиссия мажлиси котиби томонидан имзоланади.

30. Комиссия қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш натижаси бўйича қуйидаги қарорларни қабул қилиши мумкин:

1) қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилишини бартараф этиш бўйича кўрсатмалар киритиш тўғрисида;

2) қуйидаги санкцияларни қўллаш тўғрисида:

тегишли ҳуқуқий таъсир чораларини кўриш ҳақида;

инвесторлар, қимматли қоғозларнинг эгалари ва давлат манфаатлари бўйича судга даъво аризасини киритиш тўғрисида;

қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга ошириш учун берилган лицензиянинг амал қилишини ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш тўғрисида;

қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда қимматли қоғозлар бозори иштирокчисининг фаолияти тўхтаб қолишига сабаб бўлмайдиган айрим операцияларини ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш тўғрисида;

қимматли қоғозлар бозори мутахассисининг малака сертификатини тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш тўғрисида;

3) ишни бошқа ваколатли давлат органларига юбориш тўғрисида;

4) иш юритишни тугатиш тўғрисида.

Қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш натижаларига кўра бир ёки бир нечта санкциялар қўлланилиши мумкин.

31. Қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш натижаси комиссиянинг якуний мажлисида эълон қилинади.

32. Комиссиянинг тегишли қарорлари асосида ваколатли давлат органи: мазкур Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ санкцияларни қўллаш тўғрисида;

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мазкур Низомнинг 3-иловасига* мувофиқ қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилишини бартараф этиш бўйича кўрсатмалар киритиш тўғрисида;

мазкур Низомнинг 4-иловасига* мувофиқ ишни кўриб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай манфаатдор шахсларга юборилади. Қарор юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар иш материалларига қўшиб қўйилади.

33. Ваколатли давлат органи қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик ҳолатлари ва қўлланилган санкциялар ҳисобини юритади.

Қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги иш материалларининг ҳар бири алоҳида ҳужжатлар йиғмажилдида сақланади.

3-боб. Ваколатли давлат органининг кўрсатмаси ва қарорининг бажарилишини назорат қилиш

34. Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари ваколатли давлат органи томонидан қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилишини бартараф этиш бўйича кўрсатма ва (ёки) санкциялар қўллаш тўғрисидаги қарорда белгиланган муддатда унинг ижросини таъминлашлари шарт.

Бунда, қарор ёки кўрсатма ижроси таъминланганлиги тўғрисидаги маълумотнома тасдиқловчи ҳужжат билан бирга ваколатли давлат органига бир иш куни ичида юборилади.

35. Қарор ёки кўрсатманинг бажарилганлиги қимматли қоғозлар бозори иштирокчисини текшириш далолатномаси ёхуд қонунчилик бузилиши бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан тасдиқланади ҳамда ушбу ҳужжатлар иш материалларига қўшиб қўйилади.

Қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги иш қарор ёки кўрсатмада белгиланган талаблар бажарилганидан кейин тугалланган деб ҳисобланади.

Агар қимматли қоғозлар бозори иштирокчисини текшириш чоғида қонунчилик бузилиши ҳолатлари бартараф этилмаганлиги, шунингдек қарор ёки кўрсатма қисман ёхуд тўлиқ бажарилмаганлиги аниқланса, қарор ёки кўрсатма бажарилмаган деб ҳисобланади.

36. Қимматли қоғозлар бозори иштирокчиси томонидан ваколатли давлат органининг қарори ёки кўрсатмасини бажариш уни етказилган зарарни қоплаш мажбуриятидан озод қилмайди.

37. Қарор ёки кўрсатма ижроси қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

юридик шахс тўловга қобилиятсиз (банкрот) деб топилганда ёки тугатилганда ёхуд жисмоний шахс вафот этганда;

жавобгарликни белгиловчи қонунчилик нормаси бекор қилинганда.

* 3-4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

38. Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари қарор ёки кўрсатманинг ижро муддатини узайтириш тўғрисидаги (узайтириш сабабларини кўрсатган ҳолда) илтимосномани ваколатли давлат органига юборишлари мумкин.

Ваколатли давлат органи томонидан қарор ёки кўрсатманинг ижро муддатини узайтириш сабаблари асосли деб топилганда, қарор ёки кўрсатманинг ижро муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор қабул қилинади ҳамда қарор нусхаси илтимоснома юборган шахсга уч иш куни ичида юборилади.

4-боб. Ваколатли давлат органининг кўрсатмаси ва қарори устидан шикоят қилиш

39. Ваколатли давлат органининг қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарган қарори ёки кўрсатмаси устидан қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда судга шикоят қилиниши мумкин.

40. Қарор ёки кўрсатма устидан шикоят қилинган тақдирда, мазкур шикоят бўйича суд томонидан якуний қарор қабул қилингунга қадар унинг ижроси тўхтатиб турилади.

5-боб. Якуний қоидалар

41. Ваколатли давлат органининг ходимлари ўз фаолияти давомида олинган тижорат ва хизмат маълумотларининг махфийлигига риоя этишлари шарт.

42. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 11-iyuldagi 15/13-son "O'zbekiston Respublikasida naqd pulsiz hisob-kitoblar to'g'risidagi nizomga qo'shimcha va o'zgartirishlar kiritish haqida"gi qarori.

2025-yil 28-iyulda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3229-3.

2. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 13-iyundagi 12/15-son "Mikromoliya tashkiloti va lombard faoliyati sohasidagi ruxsat berish va xabardor qilish tartib-taomillaridan o'tish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi qarorga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida"gi qarori.

2025-yil 28-iyulda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3423-1.

3. Ўзбекистон Республикаси спорт вазирининг 2025 йил 17 июндаги 7-мх-сон "Спорт федерациялари (уюшмалари) реестрини юритиш ва ундан маълумотлар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида-ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги буйруғи.

2025 йил 29 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2939-1.

4. O'zbekiston Respublikasi ichki ishlar vazirining 2025-yil 10-iyuldagi 378-son "Avtomototransport vositalarini qayta ro'yxatdan o'tkazishni (qayd etishni) tashkil etish va amalga oshirish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaning 14-bandiga o'zgartirish kiritish haqida"gi buyrug'i.

2025-yil 30-iyulda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2050-4.

5. O'zbekiston Respublikasi ichki ishlar vazirining 2025-yil 10-iyuldagi 376-son "Muayyan huquqdan mahrum qilish, axloq tuzatish ishlari va ozodlikni cheklash tariqasidagi jazolarning ijrosini tashkil etish hamda shartli hukm qilingan shaxslar ustidan nazoratni amalga oshirish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaning 6-bandiga o'zgartirish kiritish haqida"gi buyrug'i.

2025-yil 30-iyulda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2922-2.

6. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2025 йил 30 июлдаги 18-мх-сон "Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги буйруғи.

2025 йил 30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2565-14.

7. O'zbekiston Respublikasi ichki ishlar vazirining 2025-yil 10-iyuldagi

377-son “Ma’muriy qamoqqa olingan shaxslarni qabul qilish va saqlash uchun mo’ljallangan maxsus qabulxonalarning ichki tartib qoidalariga o’zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug’i.

2025-yil 30-iyulda ro’yxatdan o’tkazildi, ro’yxat raqami 3073-4.

8. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2025-yil 28-iyuldagi 17-mh-son “Davlat organlari va tashkilotlari yuridik xizmat xodimlarining normativ-huquqiy hujjatlar va ularning loyihalarini korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o’tkazish faoliyatini baholash uslubiyotini tasdiqlash to’g’risida”gi buyrug’i.

2025-yil 30-iyulda ro’yxatdan o’tkazildi, ro’yxat raqami 3654.

9. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2025 йил 19 июндаги 08-сон “Қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларининг бузилишига доир ишларни кўриб чиқиш ва санкциялар қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

2025 йил 30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3655.